

Додо Нозилов

ЎРТА ОСИЁ ДИЗАЙНИ ТАРИХИДАН

Халқ амалий-бадний санъати

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги олий ўқув юртларига қўлланма
сифатида тавсия этган*

ТОШКЕНТ
"ЎЗБЕКИСТОН"
1998

Тақризчилар: профессор Э. У. УМАРОВ, Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган архитектор, профессор Ҳ. А. САЛАХУТДИНОВ

Муҳаррир: Гулсара КАРИМОВА

Ҳар бир соҳанинг, мутахассисликнинг ўтмиши, тарихи бўлганидек дизайннинг ҳам тарихи бор. Бизни ўраб олган муҳитнинг гўзал, ихчам, шинам, қулай бўлишига қадим замонлардан буён эътибор бериб келинган. Мазкур мўъжаз қўлланмада маскан, рўзғор, хўжалик, амалий санъат буюмларининг тузилиши, шакли, беағи асрлар давомида шаклланиб боргани ҳақида ҳикоя қилинади. Шунингдек, буюм вазифасининг шаклига таъсири, маскан, буюмларда тасвирий композиция ўрни, улардаги нақшлар рамзий ифодасига қисқача тўхталиб ўтилади.

Қўлланма дизайн мутахассисликлари бўйича таълим олаётган талабаларга ҳамда Ўрта Осиё халқлари маданияти тарихи билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

ISBN 5-640-02192-6

Н $\frac{430620600-157}{M351(04)-96}$ 98

© "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёти, 1998 йил

ДЕБОЧА

Жумҳуриятимиз матбуотида дизайн сўзи яқиндан буён ишлатила бошланди. Республика дизайн уюшмаси, олий ўқув юртларида дизайн таҳсилгоҳлари юзага келди. Саноат дизайнни кучайтириш масаласи ҳукуратимиз ҳужжатларида ҳам ўз аксини топди. Жумладан, Президентимизнинг Тошкент Давлат техника университетига мутахассисликлар тайёрлаш тўғрисидаги кўрсатмасида бошқа муҳим мутахассисликлар қаторида саноат дизайнига алоҳида эътибор берилди. Тошкент Давлат техника университетида "Саноат дизайни" кафедраси 1990 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўқув дастурида "Саноат санъати тарихи", "Саноат дизайни тарихи", "Санъат тарихи" каби фанлар мавжуд. Санъат тарихи фанидан 60—70-йилдан буён санъат, меъморчилик мутахассисликлари бўйича лекциялар ўқилади. Шунинг учун ҳам санъатга бағишланган китоб, дарслик, қўлланмалар анчагина. Лекин саноат санъати ва дизайни тарихи ҳақида маълумот берадиган биронта китоб ёки дарслик ҳанузгача йўқ. Бор китоблар ҳам дизайннинг бир жабҳасини ёритган ёки дизайн назариясигагина бағишланган. Яқинда бир китоб¹ рус тилидан ўзбек тилига ағдарилди. Бироқ бу китобда, Ўрта Осиё халқлари маданияти ҳақида бирон бир фикрни учратмайсиз. Шунинг учун ўқитувчи ва талабалар Ўрта Осиё дизайни, халқ амалий-бадий санъати тарихига оид маълумотларни санъат, археология, меъморчиликка бағишланган китоб ва ойномалардан қидириб топишади.

Ушбу муаммони қисман бўлса ҳам бартараф қилиш мақсадида мазкур қўлланмани ёзишга аҳд қилдик. Қўлланма икки китобдан ташкил топиши назарда тутил-

¹ Л. М. Хольмьский, А. С. Шниганов, Дизайн. Т., "Ўқитувчи", 1991 й.

ган. Қўлингиздаги китобда маскан ҳамда саноат санъатига доир материаллар асосида Ўрта Осиёда дизайннинг шаклланиш замини ҳақида фикр юритилади¹. Бунинг учун ота-боболаримиз ўзларига яратган муҳитнинг қай даражада қулай, гўзал бўлишига ҳаракат қилганликларини билмоғимиз лозим. Мазкур муаммони қисман бўлса ҳам ёритиш учун биринчи навбатда ота-боболаримизнинг яшаш, ишлаш, дам олиш, сиғиниш учун яратган маконларининг интерьерлари — ички кўриниши билан қисқагина танишиб ўтамиз. Сўнг макон интерьерининг қулайлиги, саранжом-сарийшта, шинам бўлиши учун кўрган чора-тадбирлари, ясаган буюмлари ҳақида фикр юритамиз. Улар фойдаланган кундалик рўзғор, хўжалик буюмларини ишланган материалга қараб бобларга бўлиб кўриб ўтамиз. Олдимишга қўйилган мақсад, бизга археология ва санъатшуносликка доир юзлаб китоб ва мақолалар билан яқиндан танишиб чиқишни тақозо этади. Бу, албатта, мураккаб масала, чунки ҳар бир буюмнинг тузилиши, нақши ҳар бир шаҳарда, ҳар бир асрда ўзгариб турган. Бир буюмнинг эволюцион шаклланишининг ўзиёқ бир неча китобга мавзу бўла олади. Мазкур қўлланмада мавжуд материаллардан келиб чиққан ҳолда даврларни қуйидагича умумийлаштириб оламиз: араблар истилосигача бўлган давр, IX—XII асрлар, XIV—XVI ва XIX асрдан XX аср бошларигача бўлган давр. Мақсадимиз буюмларнинг фақат нақши, тузилишини ифодалагина қолмасдан, уларнинг функционал қулайлигини аниқлашдир. Шунинг учун ҳам биронта ҳунармандчилик касби ҳақида фикр юритар эканмиз, унинг шаклланиши тарихига, буюмнинг технологик таркибига қисқагина тўхтаб ўтамиз. Сўнг ҳар бир буюм тури ҳақида гап кетганда унинг ишлатишга қулай бўлишида шаклнинг аҳамияти тўғрисида фикр юритилади. Шунингдек, тасвирларда композициялар ўрни, буюм нақшларининг роли ва уларнинг рамзий ифодасига ҳам қисқагина тўхталиб ўтилади.

Қўлланма нафақат саноат дизайни, балки санъат тарихига доир материалларни ҳам (қисман) қамраб олган.

Муҳтарам китобхонлардан қўлланма ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни кутамиз, чунки уларнинг қимматли фикрлари кейинги ишларимиз камчиликлардан холи бўлишига катта ёрдам кўрсатади деб умид қиламиз.

¹ Иккинчи китобда XIX аср охиридан ҳозирги кунгача бўлган давр дизайни ҳақида сўз боради.

ДИЗАЙН ҲАҚИДА ИККИ ОҒИЗ СЎЗ

Ҳозирги кунда матбуот саҳифаларида дизайн¹ сўзини тез-тез учратиш мумкин. Архитектура, кийим-кечак, радио-телевизорлар, автомобиллар ҳақида гапирганда ҳам уларнинг дизайнига баҳо бериладиган бўлди. Дизайн нима, унинг луғавий маъноси қандай? Бу саволга И. Ожегов луғатида шундай дейилган: дизайн — машина, хона ички қисми, буюмларни функция (ишлаш) жиҳатидан қулай, иқтисодий жиҳатдан арзон ва гўзал бўлишини таъминлаган ҳолда лойиҳалашдир. Мутахассислиги дизайнер бўлган кишини рассом-конструктор деб изоҳлайди мазкур муаллиф. Италиян архитектори ва дизайнери Джио Понти дизайннинг мақсади — гўзал шакллар, нарсалар дунёсини яратишдан иборат бўлиб, улар цивилизациямизнинг чинакам характерини очиб бериши лозим, деб ҳисоблайди. Демак, дизайнер биринчи навбатда кучли фантазияли рассом, кенг қамровли, лирик табиатли инсон, юқори малакали инженер, технолог, конструктор бўлмоғи лозим.

Дизайн ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида, жумладан, машинасозлик, мебель, халқ хўжалик буюмлари ишлаб чиқариш, тикув-бичув ишларида кенг қўлланилади. Унинг зиммасига буюмнинг функционал вазифасини инобатга олган ҳолда ўша буюмнинг гўзал, ихчам, хизмат учун қулай ва арзон бўлишини таъминлаш юкланган.

Дизайн билан кимлар шуғулланади, деган савол туғилади. Дарҳақиқат, ҳанузгача дизайн билан кўпроқ рассом ва архитекторлар машғул бўлганлар. Жумладан, машҳур дизайнер В. Татлин рангасвир рассом, архитектор, италиян дизайнери Джио Понти архитектор бўлган. Рассом ва архитекторлар ҳамма соҳада дизайнер бўлиб ишлай оладилар. Лекин машинасозликда, самолётсозликда, радио-аппаратураларни ишлаб чиқариш учун, албатта, инженер, конструктор ва технологлар билан ҳамкорлик қилиш керак бўлади. Эндиликда дизайнер тайёрлайдиган

¹ *Дизайн* — инглиз тилида — расм чизиш демақдир.

махсус таҳсилгоҳлар мавжуд. Яқин йиллар ичида ҳар бир соҳанинг дизайнерлари бўлади. Зеро, бизда дизайн мутахассислигига эҳтиёж катта. Республикамиз бозор иқтисодиётига ўтаётган бир пайтда дизайнерлар зиммасига катта масъулият юклатилади. Дизайн касби эгаси давлат, корхона иқтисодиётини ривожлантиришда зарур мутахассис ҳисобланади. Ҳар бир корхона ўз маҳсулотини жаҳон бозорида рақобатга бардошли бўлишини таъминлаши лозим, акс ҳолда бундай корхона ўз маҳсулотини сота олмасдан, иқтисодий тангликка учрайди. Шунинг учун кўпчилик хорижий давлатларда дизайн мутахассислигига катта эътибор берилади.

Ўрта Осиёда дизайн мутахассислигини шакллантириш учун талабаларнинг диққат-эътиборини, биринчи навбатда халқ амалий-бадиий санъатини ўрганишга қаратмоғимиз лозим. Ўрта Осиё халқлари бой маданий, маънавий ўтмишга эга бўлиб, асрлар давомида мавжуд табиий хом ашёларни инobatга олган ҳолда маънавий бой, функция жиҳатидан қулай, тантанавор, кўркем муҳит яратиш йўлида тинимсиз изланишган. Мазкур курс, биринчидан, мутахассиснинг маънавий дунёқарашини ўстиради, уни Ўрта Осиё халқлари маданий ўтмишидан хабардор қилади. Маҳаллий материаллар хусусиятини билишга, буюмларнинг шаклини, нақшларнинг тузилиши ва маъноларини, рангларнинг ишлатилиш жойини ўрганишга замин яратади. Бир сўз билан айтганда, Ўрта Осиё халқлари ўтмиш маданиятини билмаган мутахассис ҳеч қачон янгилик ярата олмайди.

ИЖОД САРЧАШМАЛАРИ

Ўрта Осиёда ҳунармандчиликнинг барча турлари қадим замонлардан буён ривожланиб келган. Бунга археологик ва тарихий маълумотлар, шунингдек, ҳозиргача сақланиб қолган антиқа буюмлар гувоҳлик беради. XV—XVI аср қўлёзмаларида ёзилишича, Ўрта Осиёда 130 дан зиёд ном билан аталувчи ҳунар бўлганлиги ҳам ҳунармандчиликнинг қай даражада ривожланганлигидан далолат беради. Шарқ мамлакатларида савдо-сотиқ дўконлари, ҳунармандчилик устахоналари шаҳарнинг рабoт қисмида (шаҳардан ташқаридаги савдо-ҳунармандчилик зонаси) жойлашган. Ҳунармандчиликнинг ривожланиши, ўз навбатида, шаҳарнинг катталашишига олиб келган, чунки рабoтлар кенгайиб, шаҳар девори ташқарисига кўчган. Натижада шаҳар асрлар давомида рабoтлар ҳисобига кенгайиб, бир

нечта девор билан ўраб олинган. Шаҳар атрофидаги рабoтларда асосан ҳунармандлар яшашган. Ҳунармандчилик тури билан боғлиқ маҳаллаларнинг мавжудлиги бунга гувоҳлик беради. Жумладан, оҳангарлар, мисгарлар, зардўзлар маҳаллаларини кўп шаҳарларда учратамиз. Бундай маҳаллалар шаҳарнинг каттагина майдонини ишғол этган. Жумладан, Термизда X—XIII асрларда оҳангарлар маҳалласи 8 гектар, Марвда кулоллар маҳалласи 12 гектар майдонни эгаллаган. Маҳаллаларнинг ҳунармандчилик турига қараб бўлиниши бу маҳаллада биринчи навбатда бутун ҳунар аҳлини бирлаштирувчи уюшмалар ташкил топганлигидан гувоҳлик беради. Ўрта Осиёда дастлабки ҳунармандчилик уюшмалари X асрда пайдо бўлган. Уюшма ҳар бир санъат мактабидаги кўплаб илғор анъаналарни сақлаб қолиш имконини туғдирган ҳамда юқори сифатли санъат дурдонаси яратишга имтиёз берган. Уюшмадан сўнг корхоналар (цеҳлар) бунёд этила бошлади. Устахона-корхоналар кўп хоналардан ташкил топган. XI—XII асрларда Марв шаҳридаги кулоллар маҳалласининг асосий қисмида йкки кулолчилик устахонаси жойлашган. Қўлёзмаларда ёзилишича, Марвда XII асрнинг биринчи ярмига доир Иноятна номи билан юритилган устахона 450 м² майдонни эгаллаган. Ундаги тўққизта хумдон ҳовлининг жанубий қисмида жойлашган. Бошқа бир устахона 500 м² майдонга эга бўлган. Шунини ҳам айтиш керакки, кўпчилик кулолларнинг ҳовлисида ҳам яна бир-икки хумдон бўлган. Устахоналар сонининг кўплиги бу ерда усталар орасида катта рақобат бўлганлигидан далолат беради. Шу ўринда яна бир далилга мурожаат қиламиз. Тадқиқотчи О. А. Сухареванинг ёзишича, XIX асрда ва XX аср бошида Бухорода ҳунармандлар сони 10—15 минггага етган. Улар оила аъзолари билан шаҳар аҳолисининг 25 фоизини ташкил қилган. Уюшмаларга машҳур уста лавозими — оқсоқол сайланган. Оқсоқол — раҳбар уста уюшма фаолияти ҳақида халқ олдида ҳисобот бериб турган.

Айрим шаҳарларда ҳунармандлар йиғилиб, учрашиб турадиган ҳунармандлар уйи — "такя"лар бўлган. Бу уй клуб вазифасини бажарган. Бошқа шаҳардан келган ҳунармандлар ҳам "такя"да қабул қилинган.

Ҳар бир касб уюшмасининг рисола — дафтари бўлган. Рисола касб-ҳунарга оид низом чақириқлари (қонун-қоидалар)ни ўз ичига олган. Уларнинг барчаси ўз касбини севиш, ҳалол меҳнат қилишга, унга садоқатли, инсофли бўлишга ҳамда шогирдларга мураббийлик қилишга даъват этади.

Ҳунармандлар устахоналари оқсоқол, халифа-уста ва шогирдлардан ташкил топган. Уюшма томонидан ҳунармандлар орасида мусобақалар уюштирилган. Ғолиб чиққан ҳунармандга "ғолиб" унвони берилган. Уюшма ҳар бир корхона, устахона, хоҳ катта — хоҳ кичик бўлсин, маҳсулоти сифатига баҳо бериб турган. Сифат устахона келажагининг кафолати бўлган. Шунинг учун ҳар бир ҳунарманд бутун куч-ғайратини, истисъодини ўз маҳсулотининг сифатли бўлишига қаратган. Ҳунарманд маҳсулоти харидор дидига маъқул бўлмаса ёки кўриниши яхши бўлиб, ишлатилиш жиҳатидан талабга жавоб бермаса, ўша уста ёки дўкон маҳсулоти халқ ишончига сазовор бўлолмаган. Шу ерда бир ривоятни келтирамиз. Қадим замонда бир йигит бухоролик кулол қўлида беш йил шогирд бўлгач, устозидан фотиҳа олиб, мустақил ишлаш учун дўкон очибди. Унинг дид билан ясаган буюмлари жуда нафис чиқа бошлапти. Тез орада бутун шаҳарга донғи кетибди, лекин кўп вақт ўтмай, унинг дўконидан ҳеч ким нарса харид қилмай қўйибди. Ёш уста бунинг боисини билиш учун бир кекса кишидан сўрабди:

— Эҳ, ўғлим, сиз фирибгар экансиз, сиз ясаган буюмлар бир-икки ишлатилгандан сўнг сири кўчиб кетади.

Уста бу камчилигини бартараф қилиш учун кеча-кундуз ҳар қанча изланмасин, барибир ўз хатосини аниқлай олмабди. Шундан сўнг уста яна устозининг қўлига бориб беш йил таълим олгач, ниҳоят ўзининг хатосини тушунади. У устозидан буюмларни сирлашдан олдин пуфлаб чангини тозалашни ўрганмаган экан. Шунинг учун у ясаган буюмларнинг сири кўчар экан.

Бу бир ривоят, албатта, лекин ҳар қандай ривоят мағзида катта маъно бўлади. Бу борада X асрда яшаб ижод этган Шарқ олими Абу Наср Форобийнинг касб-ҳунар эгаллашга бағишланган қуйидаги фикрини эслаб ўтиш ўринлидир: "...Кимки энг гўзал ва фойдали нарсани кашф этиш фазилатига эга бўлса, кашф этган нарсаси чиндан ҳам ўзининг истаги ва бошқа бировнинг истагига мувофиқ бўлса ёки уни бошқаларнинг хоҳишига мувофиқ деб гумон қилинса, кашф ёки ижод этилган нарса ҳақиқатан хайрли ва фойдалидир". Мазкур фикр ҳар бир ҳунарманд юрагидан жой олган. Шаҳарларда ҳунармандлар уюшмаси, катта устахоналарнинг мавжудлиги, уларнинг ўзига хос қонун-қоида рисолаларига эга бўлиши ҳунармандлар маҳсулотининг санъат даражасига етказилишига сабаб бўлган.

Маҳсулоти яхши сотилган устахоналар янада кенгайган. Ҳунармандлар ўз буюмлари шаклини такомиллаштириш, улар-

нинг турини кўпайтириш, буюмнинг ишлатилиш жиҳатидан қулай бўлиши устида изланганлар. Янги форманинг мутаносиблик, композиция жиҳатидан ҳам гўзал бўлишига ва унга жило бериш, уни кўплаб ишлаб чиқариш йўллари ахтаришган. Андазалар, қолиплар яшашган. Хуллас, устахоналар ўз маҳсулотининг арзон, ишлатилиш жиҳатидан қулай, чиройли шаклли ҳамда нафис беағи билан бозор рақобатига бардошли бўлишига ҳаракат қилишган.

I боб МАСКАН


Инсон биринчи навбатда ўзи яшаб турган жой муҳитини ўз дидига мослаштиришга ҳаракат қилади. Чунки у умрининг кўп вақтини шу ерда ўтказди. Қулай ва чиройли муҳит кишига илҳом бағишлайди, уни гўзал ҳаёт кечиришга, гўзаллик яратишга даъват этади. Ота-боболаримиз ҳар қандай шароитда ўзлари яшайдиган, кўп вақтларини ўтказадиган жойларини обод қилишган. Бу борада яшайдиган хоналари, иш жойлари, сиғинадиган жойларидан ташқари ҳатто охиратларини¹ ҳам эсдан чиқаришмаган. Қуйида биз шуларга батафсилроқ тўхталиб ўтамыз.

САРОЙ ВА ҚАБУЛХОНАЛАР

Археологлар Хоразмда милоднинг III асрига доир Тупроққалъа саройини кавлашганда ер қаъридан учта ҳар хил услубда безатилган хонани топишган. Улардаги безаклар хоналарнинг бир пайтлар шоҳлар зали, раққосалар зали, аскарлар зали бўлганлигини ифодалайди. Аскарлар зали киши диққатини ўзига тартади. Хона атрофи супа билан айланттирилган. Супада қўчқор шохига ўхшаш шакл, яъни волюталар жойлаштирилган. Валюталар оралиғида катта ҳажмдаги саркарда ҳайкали жойлаштирилган. Ҳар қайси волюта устида эса кичикроқ ҳажмдаги иккитадан қуролланган аскар ҳайкаллари ўрнатилган (1-расм)².

¹ Ислом дини ўрнатилгунга қадар кенг тарқалган деворлари сюжетли тасвир ва нақшлар билан безатилган гўр қути — остон (ассуарий).

² Қўлланмага киритилган фотосурат, чизма, расм, реконструкция ва бошқа манбалардан олинган расмлар нухасини ҳам муаллифнинг ўзи ишлаган. Бошқа манбалардан олинган фотосуратларнинг муаллифлари аниқ берилмаганлиги сабабли уларнинг номларини қайд этмадик, лекин адабиётлар номини қўлланманинг "Адабиётлар" бўлимига киритдик.



1-расм. Хоразм. Тупроққалъа саройининг аскарлар зали
(чизма-таъмиридан нусха)

Саройлардаги қабулхона ва меҳмонхоналар атрофи пол сатҳидан кўтарилган супа билан айлантирилган. Хонага кирган киши хонанинг исталган қисмидан супага чиқиб ўтириши мумкин. Хонанинг ўрта қисмидаги майдонча оёқ кийимини ечишга мўлжалланган. Тўй-ҳашамларда меҳмонлар хонанинг тўрт девори бўйлаб йўналган супада ўтиришган. Ўртада эса раққосалар ўйинга тушишган. Меҳмонлар олдида ёзилган дастурхон атрофида бир қаторда ўтириб ўртадаги базмни томоша қилишган. Шундай эпизодни Болаликтепа саройи хоналаридан бирида кўрамиз. Хонада 28 нафар меҳмон ва мезбон жуфт-жуфт ўтиришипти, жуфтларнинг бирида эркак киши ёнидаги аёлга энгашиб, унга алланималар деяпти, уларнинг ёнида бир эркак аёлга май қуйилган қадаҳни узатаяпти. Бу манзара Болаликтепа қасри меҳмонхонасидаги деворий сурат. Расмда персонажлар характер, композиция жиҳатидан битта сюжетни, яъни меҳмондорчиликни ифодалайди (2-расм).

Варахша саройи (VII—VIII асрлар) шоҳи қабулхонаси "қизил хона" деб номланган. Сарой девори қизил рангга бўялган. Девор юзаси узунасига ҳамма томонидан уч қисмга бўлинган. Қисмлар баландлиги ҳар хил. Биринчи қисм 1,5—2 метр, ўрта қисм бир метрга яқин, учинчиси 3—5 метр баландликка эга. Биринчи қисмда фил устида бораётган




2-расм. Болаликтепа саройидаги V—VIII асрларга оид деворий сурат (Л. И. Альбаум реконструкциясидан нуска)


қахрамонларнинг қоплонларга найза ураётганлари тасвирланган. Иккинчи қаватда фил, от ва йиртқич ҳайвонларнинг бир томонга қадам ташлаб боришлари, учинчи қаватда дарахт ва қанотли туялар сурати тасвирланган. Хона атрофи бўйлаб супа ўрнатилган. Хона шифти ўрта қисми тўсинларнинг бир неча қаторда бир-бирига нисбатан кўндаланг жойлаштирилиши натижасида гумбаз шаклини олган. Гумбаз ўртасида катта туйнук қолдирилган.

Хона тўрида тўрт томони очиқ ҳашаматли кўшк мавжуд. Кўшкнинг ёйсимон равоқлари тўртта кариатида билан кўтарилган. Кариатидалар қанотли аёл сиймосини ифодалайди. Кўшк остида шоҳ ҳашаматли тахта ўтирибди. Кўшк тўридаги супанинг ўнг қисмига баланд чироқ қўйилган. Супага тўшалган гиламда ўтирган шоҳ хаттоти янги битилган фармонни ўқиётгани тасвирланган. Хона деворларидаги қизил заминда ишланган суратлар кишини ҳайратда қолдиради. Тахти ва кўшкнинг серҳашам нақшлари ҳам хона композициясига улуғворлик бағишлайди (3-расм).

Гуярқалъа ҳокимининг қабулхонаси ҳам диққатга сазовор. Хона ўртасида иккита устун шифт тўсинларини кўтариб турибди. Хона чап томонидаги баланд супа ўртасида оташдон мавжуд. Унинг тўғрисидаги деворда меҳробга ўхшаш бўлинма ўрнатилган. Меҳроб атрофи камонга монанд эгри чизиқли қалин ҳошия билан айланттирилган (4-расм). Супа устида ўчоқ, оташдон ўрнатиш одатини Болаликтепа кўшкидан топилган ашёлар ҳам тасдиқлайди. Тахмин қилинишича, ўчоқ диний вазифани бажарган, яъни муқаддас олов ёқишга мўлжалланган. Ўчоқ тўғрисидаги деворда кенг ва баланд панно назарда тутилган.



3-расм. Варахша сароёи, қизил зал (В. А. Нильсен реконструкциясидан нусха)



4-расм. Гуярқалъа ҳокими қабулхонаси I-II асрлар (Г. А. Пугаченкова реконструкциясидан нуска)

Араблар истилосидан сўнг саройлар, қабулхоналар аввалгидек ҳашаматли қилиб қурилган. Сарой қабулхоналарида тахт ўз моҳиятини сақлаб қолади. Энди унинг беағда кўпроқ ўсимликсимон панно тасвирланади. Тирик мавжудотлар расми ишланмайди. Тахт қариатидалари ўрнига устунлар ишланади. Деворларда ҳам ўсимликсимон ва ҳандасавий нақшлар ишланади. Қабулхона шифтларига рангли нақшлар солинади.

XII асрга оид Термиз саройи деворий ганч безаклари бизгача қисман сақланиб қолган. Нақшлар кўпроқ мураккаб чизиқларни, ҳандасавий чизиқлар тизимини ташкил қилади. Ҳандасавий чизиқлар заминида ҳам турли нақшлар ифодаланган. Саройнинг жанубий деворида ҳайвонлар расми гералдик услубда тасвирланган.

Темур ва темурийлар сулоласи даврида Ўрта Осиёда салобатли, ҳашаматли саройлар қурилганлиги тўғрисида Шаҳрисабздаги Оқсарой обидасининг сақланиб қолган қисми гувоҳлик беради.

XIX асрнинг биринчи ярмида Хивада қурилган Тошқовли саройи биноси икки қаватли бўлиб, баланд айвонлари бўлган. Айвон ва хоналар деворлари нафис ўсимликсимон нақшлар билан тўлдирилган.

XIX аср охирларида Ўрта Осиё Россия томонидан ишғол қилингандан сўнг саройлар ички кўринишида Европа маданиятига хос элементлар пайдо бўлади. Шу ўринда Бухородаги Ситораи Моҳи Хоса саройига қисқагина тўхталиб ўтамиз.


Ситораи Моҳи Хосада подшонинг қабулхонаси "Оқ хона" деб номланган. Мазкур хона ўзининг ҳаддан зиёд гўзал беағди билан ажралиб турган. Хонанинг пардоз ишлари маҳаллий уста Ширин Муродов томонидан бажарилган. Хона деворларининг сифати, безаклари аввалги кўп рангли безаклардан ўзининг оппоқлиги, равшанлиги билан ажралади. Хона деворларидаги ганч нақшлар заминида кўзгу ойналари ўрнатилган. Шунингдек худди Бухородаги уй-жойлардагидек катта-кичик равоқли токчалар мавжуд. Равоқ ичи ҳам ранг-баранг мураккаб муқарнас шарафалар билан тўлдирилган. Бу хонада илк бор кўзгу заминида ўймакорлик ишлари бажарилган. Ганчли нақшлар, токчалар, шарафалар акси кўзгуларга тушади, натижада ниҳоятда улкан, серҳашам ва ҳатто баҳаво кўриниш касб этади. Шунингдек олтин ва биллур қандилларнинг, ранг-баранг шифтнинг акси кўзгуларга тушиб, хонага киши кўзини қамаштирадиган даражада тантанаворлик бағишлайди.

Милоддан аввалги I асрга оид Нисодаги ибодатхона мажмуаси иккита катта хонадан иборат. Улардан биттаси диаметри 17 метрли айлана тархга эга. Ибодатхона девори ички томондан икки ярусга бўлинган. Биринчи ярус девори текис тозага эга. Иккинчи ярус девори биринчи девор юзасидан бироз орқага силжитилган. Улар бир-биридан фигурали сопол шарафа қатори билан ажратилган. Горизонтал қатор ора-орада динлар ва сулолалар нишонлари (эмблема) тасвири билан бўлинган. Иккинчи ярусда девор юзаси бир ритмда ўрнатилган устунлар ёрдамида бир нечта бўлинмага ажратилган. Устунлар орасида токчалар ўрнатилиб, ичига Парфия (Хуросон) худоларининг лойдан ишланган ҳайкаллари жойлаштирилган. Хона ўртасида махсус оёқларга ўрнатилган махсус идишда муқаддас олов ёниб турган (5-расм).


Ўрта Осиёда VIII асрда ўрнатилган ислом дини таъсири меъморчиликда ҳам ўз аксини топди. Собиқ динларга оид таълимотларга кескин равишда барҳам берила бошланди. Биринчи навбатда дин ривожланган марказларда ибодатхоналар йўқотилиб, ўрнига масжидлар қурила бошланди. Бунга Бухородаги Мох, Термиздаги Чор Сутун, Туркманистондаги Данданакон масжидлари гувоҳлик беради. Муслмонлар ҳар куни беш вақт намоз ўқиши шарт. Намозни эса Маккага қараб ўқиш лозим. Шунинг учун масжидларда Макка томон девори меҳроб билан белгиланган. Омма дилига исломни жойлаш, уларни масжидларга даъват этишга меъморлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшганлар. Бунинг учун меъморлар масжид ички ва ташқи кўриниши ва меҳробига эътибор беришган. Меҳроб ўзининг кўркам, "бежирим безаги" билан кишини ўзига жалб қилган. Киши дилида ислом динига нисбатан ишонч, мойиллик уйғотган. Уни масжидга қатнашга даъват этган.

Масжид ва бошқа турдаги иморатларнинг ички ва ташқи безагига IX–X асрлардан бошлаб декоратив элемент сифатида чиройли ҳуснихатли ёзувлар киритилади.

IX–XII асрларда масжид ички ва ташқи деворлари безагида пардозланган безакли ғиштлардан фойдаланилган. Интерьердаги композицияларда девор юзаси бўйлаб ғиштлар арчасимон, шахмат тахтаси юриши йўналишида, жуфт-жуфт қилиб терилган. Шунингдек, композициялар яратишда бир томонига безакли бўртма чизиқлар ишланган ғиштлардан фойдаланилган (6-расм).



5 - расм. Нисодати айлана ибодатхона ички кўриниши (Г. А. Пугаченкова реконструкциясидан нусха)



6-расм. Талхатанбобо масжиди безагида ишлатилган фигурали гиштлар тури (А. М. Прибыткова чизмасидан нусха)

XIV асрдан бошлаб интерьерлар монументал нақш билан безатила бошланди. Ганч девор юзасига ўсимликсимон ва ҳандасавий нақшлар елимли ранглар билан ишланади. Безак композициясининг кўп қисмини зарҳал юритилган нақшлар эгаллайди. Мисол тариқасида Бухородаги XVI асрга оид Хожа Зайниддин ва Баланд маҳалла масжидлари ички безагига қисқагина тўхталиб ўтамиз.

Хожа Зайниддин масжиди гумбази зарҳал юритилган майда ўсимликсимон нақш билан қопланган. Гумбазнинг остки қисми бағаллар, меҳроб ва иккита равоқ юқори қисми мураккаб шарафалар билан безатилган.

Баланд масжиди шифти ёғочдан бўлиб, унинг юзаси кўп бурчакли марказий турунж ва унинг атрофида жойлаштирилган нокка ўқшаш кўп қиррали юлдузсимон

нақшларни ташкил қилади. Масжид деворлари оқ рангга бўялган бўлиб, бўртма ганч чизиқлари ёрдамида ҳар хил бўлинмаларга ажратилган.

XVI асрдан буён масжид хонақоҳи ва айвон деворлари ганч беазаги, ранг-баранг нақшли шифти билан киши диққатини ўзига тортиб келади.


ТУРАРЖОЙ ХОНАЛАРИ

Тураржойлар қадимги шаҳарларда, маконларда бир-бирига туташган ҳолда қурилган. Археологик қазишмалар натижасида очилган материалларни кўздан кечирар эканмиз, асосан икки хил тузилишдаги хоналарни илғаб оламиз. Бир хиллари узунчоқ тузилишли, иккинчи хиллари эса тўғри тўртбурчак ёки томонлари тенг хоналардир. Жумладан, Афросиёб, Варахша, Панжакент шаҳарлари маҳаллаларида квадрат шакли уйлар кўпроқ учрайди. Бундай хоналарда меҳмон кутилган. Шундай турдаги хоналардан бирини тадқиқотчи В. Л. Воронина таъмири мисолида кўриб ўтамиз. Панжакентдаги уй тарҳда квадрат тузилишида бўлиб, хона атрофи бўйлаб супа ўрнатилган. Хона марказида тўртта устун жойлаштирилган. Устунлар оралиғига ёғочлар бир неча қаторда бир-бирига нисбатан кўндаланг равишда шундай жойлаштирилганки, натижада

шифтнинг ўрта қисми гумбаз ҳолатига келган. Гумбазнинг ўртасида очиқ туйнук бўлган (7-расм).

Илк ўрта ва ўрта асрлардаги турар хона бурчаги персонажлар, амалий санъат буюмлари, ип газлама маҳсулотлари билан безатилган, буни Болаликтепа деворий суратлари, археологик материаллар асосида (8-расм) тасаввур қилишимиз мумкин.

Ислом дини ўрнатилгунга қадар тураржойларда ҳам саждагоҳлар бўлган. Бунга Далварзинтепадаги ва қадимий Панжакентдаги саждагоҳли хоналар ми-




7-расм. Панжакентдаги қадимий хона ички кўриниши. (В. А. Воронина реконструкциясидан нусха)



8-расм. Илк ўрта ва ўрта асрларга оид турар хона бурчаги
(муаллиф реконструкцияси)

сол бўла олади. Саждагоҳ меҳроби хонага кириш эшигига яқин ерда жойлашган. Унда ҳам меҳроб икки ёни нақшин-қор устун ҳамда усти равоқ ҳошия билан чегараланган. Хона эшигидан кираверишда девор тўсиқчага дуч келинади. Эшикдан кирган киши чап томонга бурилиб, равоқли деворча орқали хонанинг асосий қисмига ўтади.

Табиийки, тураржойлар давр ўтиши билан уй эгаси томонидан бузилиб, қайтадан қурилган. Жанг-жадаллар оқибатида вайронага айлантирилган. Шунинг учун ҳам ўрта аср турар хоналари ички тузилиши ва безағи ҳақида маълумотлар бизгача кам етиб келган. Шу ўринда Панж ва Вахш дарёлари оралиғидаги Хуттал воҳасида археологлар томонидан топилган X—XI асрларга доир уйлар ҳақида тўхталиб ўтамиз. Мазкур уйларда хона деворлари бўйлаб супалар ўрнатилган. Деворлари ўймакорлик билан ишланган нафис ганч нақшлар билан безатилган. Юқори қисмида барглр билан бирлаштирилган устунлар расми чизилган (9-расм). Нақшда оқ, кўк, қизил ранглр ишлатилган. Қизиғи шундаки, устунлар расми билан хона девори юзасини қисмларга бўлиш одати ҳозирги кунгача Қоратегин




9-расм. Хуттал уйларида хона безаги.
X—XI асрлар (Э. Ғуломова
реконструкциясидан нусха)

тоғ қишлоқларида сақланган. Мазкур нақш заминида хонага худди маъмурий бинолардагидек тантанаворлик, са-лобат бахш этиш, уни табиат манзараси билан боғлаш орзуси ётади. Олимларимизнинг айтишларича, XIX—XX асрларда қурилган уйларда ўрта аср уйларининг тузилиши, бе-заги сақланиб қолган.


XIX асрда ҳамда XX аср бошларида қурилган уйларни барпо қилишда табиат инжиқликлари, табиий ашёларнинг

мавжудлиги инobatга олинган. Асрлар давомида тажрибада кўриб ўтилган анъаналарнинг ижобий томонлари қабул қилинган. Тураржойлар шаҳарларда, ҳатто тоғ қишлоқларида қишки ва ёзги қисмларга бўлинган. Ёзги хоналар баланд, катта ҳамда қуёш чиқадиған томонга қаратиб қурилган. Жумладан, Бухородаги ёзги хоналар шимолга, қишки хоналар пастқамроқ бўлиб, жануб ёки ғарбга қаратилган. Бухоро уйларидаги меҳмон кутадиған жой ҳам кишини ўзига жалб қилади (10-расм). Бундай жой хонанинг бир қисмини худди антресолга (токчага) ўхшаған ҳолда эгаллайди ёки хона бир томонида шоҳнишин токча шаклида ўрнатилган. Унинг тўғрисидаги тор девор уч-тўрт бўлинмага (тахмон ва токчабанд) тақсимланган. Ҳовли томонга қараған деворда деразалар, унинг қаршисидаги деворда токчалар ўрнатилган. Хона поли сатҳи пешгоҳ ва пойгоҳга бўлинган. Пойгоҳ бироз пастроқда бўлиб, унинг бир бурчагида ташнов (обрез) жойлашган. Хона пойгоҳи деворида мўри ўрнатилган. Иқлим шароити оғир бўлган тоғ ҳудудларида ёзги ва қишки хоналар умумийлаштирилган. Натижада уй битта катта хонадан иборат бўлиб қолади. Бунга тоғли Бадахшондаги уйларни мисол қилиб олиш мумкин. Хона катта майдонни эгаллайди (томонлари 7x7, 8x8, 9x9, ҳатто 10x10 м). Хона ўртасида кичкина пойгоҳ қолдирилиб, атрофи супалар билан ўралган. Супалар вазифасига қараб



10 - р а с м . Бухоро шаҳридаги поҳнинли хона (муаллиф чизмаси)

ҳар хил баландликда бўлади. Хона ўртасидаги шифт тўсинларнинг кичрайиши ва бир-бирига нисбатан диагонал ўрнатилиши натижасида гумбаз шаклини олган. Ўртада эса кичкина туйнук қолдирилган. Туйнукдан хонанинг ҳамма бурчагига ёруғлик тушган. Хона туйнуги



11-расм. Тоғли Бадахшондаги уй ички тузилиши. XIX аср (М. Мамадназаров чизмасидан нусха)

тўғрисидаги полда обрез — ташнов қолдирилган. Туйнукдан тушган ёмғир суви тўғри ташновга оқиб кетган (11-расм).

XIX аср ва XX аср бошларида Ўрта Осиё шаҳарлари ва айрим қишлоқларида хона шифти ва деворлари нақшу нигорга тўлдирилган. Ўсимликсимон ва ҳандасавий нақшлар композицияси бир нечта стандарт-андоза тусига кириб қолган нақш элементларидан тузилган. Жумладан, Фарғона шаҳарлари наққошлари "гул", "банди гул", "марғўла", "барг", "шобарг", "ислими", "ислими печон", "нохуни паланг", "бодомча лола" каби элементлардан яхлит нақш ва композиция тузишган.

ХОНА ҚИСМЛАРИ¹

Меҳроблар. Ўрта Осиёда ислом дини ўрнатилгунга қадар ибодатхоналар, тураржойларда ўчоқ қаршисида меҳроблар бўлган. Ўчоқда муқаддас ҳисобланган олов ёқилган.

Меҳроб ўзининг нақшу нигори билан бутун хона композициясида асосий элемент (доминант) ҳисобланган. Мисол тариқасида Юқори Зарафшоннинг қадимий Гардани Ҳисор шаҳарчаси харобаларидан топилган VII—VIII асрларга оид саждагоҳ — меҳробни кўриб ўтамыз. Унинг икки томонида ҳошияли девор ёнидан нақшинкор устунлар кўтарилган. Улар юқорида равоқ билан бирлаштирилган. Меҳробнинг деворига пастқамгина "таштак", яъни олов ёниб турадиган ўчоқ ишланади. Ўчоқ — "таштак" баъзан

¹ Хона қисмларидан айримлари меъморчиликка тегишли бўлса ҳам уларга алоҳида тўхталиб ўтамыз, чунки улар хона интерьерини гўзал, шинам муҳит яратишда асосий бўлиб хизмат қилади.

тўғри тўртбурчак шаклида, баъзан тақасимон кўринишда бўлган. Меҳробнинг ён устунчалари танаси пойкурси, кўзаги ва каллалар (капителлар) билан боғланган. Токчанинг юқори қисми ўсимликсимон нақшлар билан безатилган (12-расм).


Шунга ўхшаш меҳроб Далварзинтепа ва Панжакентдаги уйларда ҳам бўлган. Хоналардаги меҳроб ўзининг нақшу нигори, ўчоқ супачалари билан хонага тантанаворлик бағишлаган. Бу эса меҳроб қаршисида ўтирган кишини ғайри-табiiй ҳолатга туширган.

Ўрта Осиёда ислом дини ўрнатилгандан сўнғ ҳам диний обидаларда меҳроблар ўз қадр-қийматини йўқотмади. Дастлаб қурилган масжидларда ҳатто жуда ҳашаматли меҳроблар ишланган эди.


Қадимий меҳроблардан айримларига тўхталиб ўтамиз. Афросиёбдаги IX асрга оид масжид меҳробининг ички девори юзасида ингичка ганчли чизиқчалар ёрдамида ўсимликсимон нақш ўйилган. Меҳроб бурчакларига нақшинкор устунчалар қўйилган. Устунчалар кўзаги, пойкурси қисмларига эга бўлган. Ундаги безаклар Самарқанддаги нақшинкор ўчоқлар нақшларини эслатади.

XI асрга оид Данданакон масжиди меҳробига ганчдан чуқур ўйиб нақшлар ишланган. Шунингдек, гиштлардан ҳар хил шакллар кесиб, уларни ҳар хил йўналишда жойлаштириб, чиройли композициялар яратишган.

Гилдан ишланган меҳроблар ҳам бўлган. Ашт қишлоғидаги масжид харобаларида сақланиб қолган меҳроб X—XI асрларга оид бўлиб, гилдан ишланган. Равоқ шаклидаги меҳроб тўртбурчак ҳошия ичига олинган. Меҳроб устида девор юзаси яна битта ҳошияли равоқ билан айлантирилган. Равоқ атрофи ҳошия ичига олинган қуш қанотига ўхшаш тасвирлар билан айлантирилган (13-расм). Зарафшон дарёсининг юқори оқимидаги Қум қишлоғининг Гузари Миёна маҳалласидан XIX аср бошларига доир ёғоч меҳроб топилган. Меҳроб баландлиги 310 см, кенглиги 168 см. Меҳроб бўлинмаси ички қисмининг баландлиги 200 см



12-расм. Юқори Зарафшон. Гардани Ҳисор шаҳарчасидан очилган VII—VIII асрларга оид меҳроб (Ю. Ёқубов реконструкциясидан нусха)



13-расм. Ашт қишлоқ масжиди. XI асрларга оид гил меҳробнинг бир бўлаги

ва кенглиги 125 см. Меҳроб юзаси ёғочларнинг тик, қия, ётиқ йўналиш натижасида ҳосил бўлган квадрат ва учбурчаклардан терилган. Уларнинг ичи балиқ думига ўхшаш, учбаргли турунж, ромб каби нақшлар билан тўлдирилган.

Тахмон ва токчалар. Уйларда жиҳозларни сақлаш учун тахмон токчалар ўрнатиш одати қадимдан мавжуд. Араб сайёҳи Ибн Батута 1333 йили Урганчда бир бойникида бўлганида, меҳмонхона деворларидаги кўплаб токчаларга зарҳал юритилган идишлар ва эрон идишлари қўйилганлигини ёзиб қолдирган. Дарҳақиқат, XII—XIII асрларга оид Қават қалъа яқинида Каптархона номли обиданинг сақланиб қолган уч деворида 150 дан зиёд токча бор. Токчабанд девор тасвирини Низомий "Ҳамса" сига ишланган миниатюраларда ҳам кўрамиз. Жумладан, "Гўдак Искандарни Филиппга кўрсатмоқдалар" (504 ав) миниатюрасида деворнинг бир қисмида 22 та ҳар хил катталиқдаги токча бўлиб, уларнинг равоқлари ҳам ҳар хил жимжимадор чизиққа эга. Токчаларга кўзача, жом, коса ва бошқа чиройли мис, сопол буюмлари қўйилган. Мазкур далиллар қадим даврларда тураржой меъморчилигида меҳмонхона, хона бе-загига катта эътибор берилганлигидан далолат беради.


Хона деворида токчабандли бўлинмалар қўйиш анъана сифатида бизгача етиб келган. Бухоро, Самарқанд, Тош-

кент, Қарши, Шаҳрисабз, Наманган, Андижон, Фарғона, Хўжанд, Ўратепа, Исфара ва ҳатто Зарафшон дарёси юқори оқими тураржой меъморчилигида шундай хоналарни тез-тез учратиш мумкин. Шаҳарларда уйлар асосан синч девордан қурилган. Синч деворда чуқур токчалар ўрнатиш қийин эмас. Токчалар ҳар хил катталиқда бўлган. Шунингдек, дераза ва эшиклар оралиғидаги бўлинмалар ҳам токчабанд қилинган. Тахмон ва токчаларнинг гўзал ва шинам бўлишига алоҳида эътибор берилган. Бунинг учун катта токчаларнинг юқори қисми равоқ шаклида ишланиб, ранг-баранг мураккаб шарафалар билан безатилган. Токчалар оралиғидаги бўлинмани ҳам равоқ шаклидаги нақш билан чегаралаб, ичига қийғос очилган ранг-баранг гуллар чизилган. Токчалар усти ганчдан жимжимадор нафис равоқчалар шаклида ишланган. Равоқчалар атрофида эса майда нафис нақшлар ўйилган ва рангли ўсимликсимон нақшлар чизилган. Умуман хона деворларига қараб баҳри дилингиз очилади. Улар хона саранжомлиги ҳамда гўзаллигини таъминлаган (14-расм).

Тахмон токчалари ҳар ерда ҳар хил жойлашган. Наманганда бир томон девори юзаси бутунлайича токчабанд қилинган хонани учратиш мумкин. Жумладан, XX аср бошида қурилган Муҳаммад Содиқ деган кишига тегишли уйнинг асосий хонасидаги девор юзаси беш бўлинмадан иборат бўлиб, унда 77 та ҳар хил катталиқдаги токча мавжуд. Самарқанд, Бухородаги хоналар тўри девори уч бўлинмага ажратилган. Ўртадагиси кўрпа-тўшак тахлашга мўлжалланган — тахмон, икки ёнидаги бўлинмалар эса токчабанд қилинган. Тошкентда кўрпа-тўшак тахлайдиган бўлинма битта ёки иккита бўлиши мумкин. Битта бўлган тақдирда у ўртадаги бўлинмани эгаллайди. Икки ёндаги бўлинмаларда иккита ёки тўртта катта токчалар жойлаштирилган. Тошкентда хона ён деворларида битта ёки иккита бўлинма майда токчабанд қилинган, қолганлари катта-катта токчалардан иборат. Токчалар ичида сиёҳ ва пушти рангда қийғос очилган гулдаста расми тасвирланган.

Тахмонлар усти равоқ шаклида ишланган. Айрим хонадонларда равоқнинг юқори қисми равоқли косачалардан ташкил топган мураккаб ҳажмдаги шарафалар билан безатилган.

Токчасиз хоналарда девор юзасидан хона томон чиқарилган токча (полочка) ўрнатиш одати бўлган. Бундай токчалар хонанинг орқа ва олд деворларига ўрнатилган. Улар деворнинг одам бўйи баландлигида жойлаштирилган




14-ра с м . Самарқанддаги гураържой меҳмонхонасидаги токчабанд бўлинма (муаллиф чизмаси)

ва бир нечта равоқчали кичик токчалардан ташкил топган. Айрим ҳолларда уларнинг композициясида ҳам муқарнас қўлланилган. Бундай девор юзасидан чиқарилган токчалар Қарши ва Хива тураржойларидаги хоналарда кўп учрайди (15-расм).

Ўрта Осиё шаҳарларида хона девори, шифти бадий безагига катта эътибор берилган. Девор баланд, лекин саёз токчабўлинмаларга ажратилиб, ҳар бирининг ичи нақшу нигори тури билан 3—4 ярусга бўлиниши мумкин. Бундай хонада токча шаклидаги бўлинма фақат декоратив безак вазифасини бажарган. Ундан ташқари бўлинмалар ичидаги нақшлар ҳам ҳар хил бўлган. Мисол учун Бухоронинг ёзги хоналаридан бирини олиб қарасак, унда девор юзаси еттита баланд бўлинмага бўлинган. Ҳар бир бўлинма нақшу нигори билан учтадан ярусга (қисмга) тақсимланган. Улар ичидаги катта гулдаста ярим доира шаклида ҳамма томонга ёйилган, чизиқли токчабанд, зич жойлаштирилган доирасимон нақшлар ярусларда ҳар хил композицияда жойлаштирилган. Бўлинмаларнинг усти майда равоқли косачалардан тузилган муқарнас билан безатилган.

Хона деворига ганч ўймакорлиги ва рангли панноларнинг биргаликда ишланган ҳоллари ҳам учрайди (16-расм). Тошкент тураржойларидаги ганч панно чока пардоз услубида ишланган ўсимликсимон нақшдан иборат. Айрим




15-расм. Қарши. Турар хона деворидаги бўртма токча (В. Л. Воронина чизмасидан нусха)

¹ Панно — деворга ишланган яхлит композицияли нақш ёки сюжетли сурат.



16-расм. Самарқанд турар уйи айвонидаги нақш. (муаллиф ва Маҳмуд Аҳмедов чизмаси)

панноларда гул тасвирининг асосини чиройли ёзувлар ташкил қилади. Мисол тариқасида Ўратепа шаҳридаги хона деворидаги паннони кўриб ўтамиз. Панно гулдаста шаклида бўлиб, юқори қисми маркази доира ичига олинган "ё фаттоҳ" ёзувини ташкил қилади. Ёзув марказий саккизбурчак нақшдан йўналган ўқларда тўрт марта қайтарилиб ёзилган. Доира атрофидаги учбурчаклардан ҳамма томонга нафис баргли гуллар тарқалган (17-расм).



17-расм. Ўратепа. XIX асрга оид уй деворидаги нақш (Н. А. Белинская чизмасидан нусха)

Шуни айтиш кераки, тахмон, токчабанд деворлар ҳар бир шаҳарда оммавий тарзда ишланган. Катта токчалар пастга, кичкинালари юқорига ўрнатилган. Токчаларнинг жимжимадор равоқ тахтачалари қолипда ишланган. Уста девор бўлинмалари баландлиги, кенглигига қараб композиция яратган. Токчаларнинг қизил, кўк, яшил рангларга бўялиши ҳам токчабанд девор композициясини бойитиш ва



қўйилган буюмларнинг токчада яхши кўринишини таъминлаган.

Безакли ўчоқлар. Маълумки, оловни қадим замонлардан буён барча халқлар муқаддас ҳисоблаган. Ибтидоий одам ҳаётига бағишланган бадиий асарлардан оловни топиб келиш, унинг ҳамма вақт ёниб туришини таъминлашга ҳаракат қилганликларини билиб оламиз. Борди-ю, жамоа хоналарида олов ўчиб қолса, навбатчини жамоа ризқ-рўзини барбод қилган жиноятчи сифатида ўлимга маҳкум этишган. Оловга бўлган эътиқод динларда ҳам ўз ўрнини топган. Жумладан, оташпарастлик динида оловга бўлган эътиқод асосий ўринни эгаллаган. Хоналардаги муқаддас ўчоқлар, оташдонлар бунинг яққол далилидир.

Оловга бўлган эътиқод Ўрта Осиёда ислом дини ўрнатилгандан сўнг ҳам ўз моҳиятини йўқотмайди. Буни ўчоқлардаги безаклардан билсак бўлади. Ўчоқ умуман безаксиз ишланса ҳам бўлади. Чунки унинг устида ҳамма вақт қозон ёки чойжўш туради, остида эса ўтин қаланиб ўт ёқилган. Унинг ички томони деворлари қоп-қора бўлиб қолади. Шундай бўлишига қарамасдан, ўчоқлар деворларига ўйма нақшлар ишланганлиги археологик материаллардан маълумдир. Шу ўринда Афросиёбда олиб борилган қазилмалардан топилган безакли ўчоқлар нақшларининг хилма-хиллиги билан диққатга сазовор. Уларнинг аксариятининг доирасимон қисми кенглиги 30—35 см, баландлиги 23—25 см, олд деворчалари юзалари 10—12x23—25 см ни ташкил қилади. Нақшу нигори, ғояси жиҳатидан оддийроқ ва мураккаб, бир ярусли ва икки ярусли композицияга эга. Безаклар ўсимликсимон, ярим айлана, ромб, юракка ўхшаш тасвирлардан ҳамда дарахт, товус, қуш, дон уюмлари, ўсимликсимон нақшларга тўлдирилган устун, қавариқ юзали девор, тувакли гуллардан ташкил топган. Икки ярусли ўчоқ яруслари безаги алоҳида-алоҳида композицияларга эга. Бир сўз билан айтганда, безаклар композицияси боғ манзараси, ойдин кеча, қуш ноласи, севги, сарой каби сюжетлардан иборат (18-расм).


Олимларнинг таъкидлашларича, безакли ўчоқлар IX—XII асрларда яратилган бўлиб, улар йўқолаётган қадимий анъаналарни ўзларида мужассамлаган. Ўчоқларга нақш чизиш анъаналари ҳозирги кунда ҳам узоқ тоғ қишлоқларида сақланиб қолган. Жумладан, Қоратегин, Дарвоз қишлоқларида наврўз айёмида ва бошқа байрамларда ўчоқларни нақшлар билан безашади.

Мўрилар. Ота-боболаримиз қадимдан хонадаги мўриларга ҳам гўзаллик ато этишга ҳаракат қилишган.



18-расм. Самарқанд ўчоқлари.
X—XIII асрлар (Л. И. Рempel
чизмасидан нусха)

Фарғона водийсида мўри уч (гумбазли, қашқарча, нўғайча) турга бўлинган. Гумбазли мўрида олди очиқ тарҳда ярим айлана шаклидаги деворча кўтарилиб, юқори қисми гумбаз тариқасида ёпилади. Очиқ қисми жимжимадор равоқча кўринишга эга, гумбаз қисми эса қавариклардан ташкил топган бўлиши ҳам мумкин. Қашқарча мўрининг учбурчак шаклидаги олд деворчаси усти текис ёпилиб, очиқ қисми оддий равоқ кўринишга эга бўлади. Нўғайча мўри тўғри тўртбурчак шаклида, девор юзасидан бўртиб чиққан бўлиб, равоғининг устки қисми ярим айлана кўринишга эга (19-расм).



19-расм. Мўри тузилиши: 1. Марғилонча гумбазли мўри;
2. Қўқонча гумбазли мўри; 3. Қашқарча мўри; 4. Нўғайча мўри
(В. Л. Воронина чизмасидан нусха)


Тоғларда ҳам қишки хоналарда мўрилар ўрнатилган. Жумладан, Қашқадарё, Сурхондарё тоғ қишлоқларида қишки хонанинг пойгоҳ томонида асосий девордан 1—1,5 метр хона томон силжитилган ҳолда иккинчи ингичка девор қурилган. Иккинчи деворнинг ўртаси пол сатҳидан 80—100 см баландликда очиқ қолдирилган. Икки девор оралиғида ўчоқлар мавжуд, устида эса мўри қолдирилган. Мўрининг икки ёнида хонага қаратилган токчалар жойлаштирилган. Мўрининг умумий кўриниши шаҳар уйларидаги токчабандли тахмонга ўхшаб кетади.

Устун. У хона интерьеридида конструктив вазифани бажарган. У калтароқ тўсинлар билан майдони кенг хона томини ёпиш имконини берган. Устун хона томини икки, тўрт ва ундан ортиқ қисмга бўлган хариларнинг кесишган жойларида ўрнатилган. Сарой ва диний обидаларда устунлар сони тўрт ва ундан зиёд бўлган. Тураржой хоналарига кўпинча бир ёки иккита устун қўйилган. Қоратегин ва Дарвоз воҳасида (ҳозирги кунда ҳам) учта, Тоғли Бадахшонда бешта устун ўрнатилган. Устунлар хонанинг ҳамма томонидан кўринарли бўлганлиги сабабли унга безак беришган. Устун учун қадимдан ёғоч ишлатилган. Ёғоч устунни намдан асраш учун у тошдан ишланган пойкурсига ўрнатилган. Айрим маъмурий ва диний обидаларда гиштан ёки тошдан терилган устунларни кўрамит. Улар кўндаланг қирқимда томонлари тенг тўғри тўртбурчак ёки айлана тузилишга эга. Устунлар асосан пойкурси, кўзаги, тана, калла (капитель) каби қисмлардан ташкил топган. Қадимий устунлар тузилишини Афросиёбдан топилган ўчоқчалардаги нақшлардан, безаклардан билиб олсак бўлади. Уларнинг аксарияти пойкурси, кўзаги, тана, калла каби асосий қисмлардан ташкил топган. IX—XII асрларга оид устунлар Хива, Афросиёб ва Юқори Зарафшонда ҳозиргача сақланиб қолган. Уларнинг кўзаги, калла қисмларига ҳандасавий ўсимликсимон мураккаб нақшлар ўйиб ишланган. Айримларида худди сопол, кандакорлик, матодагидек зооморф нақшлар солинган. Жумладан, Оббурдондан топилган устуннинг калла қисмидаги илон танаши ва бойўғли боши шакллари ҳар хил ўсимликсимон нақшлар билан биргаликда келади.

XIV—XV асрларда устун танаси бўйлаб ўрама ўйма нақшлар ишланган. Бундай устунларни XX аср бошларида ҳам учратиш мумкин бўлган. Ўрта Осиё меъморчилик мактабларида устунларнинг қисмлари катта-кичиклиги, кўриниши, кўзаги қисмининг нокка, мис қозонга, кўзага ўхшашлиги ва нақшларнинг мураккаб ёки оддийлиги ёхуд

яхлитлиги билан бир-биридан фарқланган. Жумладан, Фарғона водийсида, Самарқандда устуннинг калла қисми мураккаб тузилишдаги йиғма муқарнас шарафалар билан безатилган. Ўрта Осиёнинг тоғ меъморчилигида пойкурси, кўзаги, калла қисмлари оддий ҳандасавий шаклларга ўхшатиб ишланган устунлар ҳам учрайди. Уларнинг калла қисми юқорига кенгайган жом ва устига ўрнатилган куб ёки тўғри тўртбурчак ва бир-бирига бирлаштирилган бир неча қатор ромб, пирамида, конус шаклида ишланган. Устун қисмлари катта яхлит барг ёки гул нақши, майда-майда ўйиқчалар ва ҳар хил катталиқдаги ҳалқалар билан безатилган. Шунингдек, пойкурси, кўзаги, калла қисмлари ажратилмаган оддий устунлар ҳам учрайди. Лекин улар ўрни ҳар хил кенгликдаги ҳалқачалар ёки кўп қиррали ромб, саккизга ўхшаш шакллар билан белгиланган.

Ўрта Осиёда устуннинг пойкурси, кўзаги, тана, калла каби қисмларга бўлиниши заминида уни одам қоматига қиёслаш рамзий маъноси ётади. Шу билан бирга, устуннинг қисмларга бўлиниши унинг мустақамлигини таъминлаш ҳамда ундаги ёриқларнинг камайишига, яъни олдини олишга ёрдам беради. Устун ўзининг асосий вазифасидан ташқари қисмларининг мутаносиблиги ва ўйма нақшларининг сержилолиги билан хона интерьерига тантанаворлик бағишлаган (20-расм).



20-расм. Устун қисмлари ва номлари (В. Л. Воронина чизмасидан нусха)

Боша — устуннинг устига ўрнатилган. У асосан шифт хариларидан устунга тушаётган оғирлик кучини камайтириш, аниқроғи тарқатишга мўлжалланган. Шу билан бирга, боша ўзининг безаги билан уфққа нисбатан тик ўрнатилган устун ва горизонтал йўналишдаги шифт харилари оралиғида бадий мувозанатни яратишга имкон берган. IX—X асрларга оид Оббурдон, Сангистон, Урмитан, Чоркуҳ бошаларида қуш боши, тумшуғи, балиқ ва илон думи тасвири ишланган. XIV—XV ва XX аср бошла-

рида боша тузилиши ярим мадохил нақшига ўхшатиб ишланган. Сурхондарё тоғ қишлоқлари, Қоратегин ва Тоғли Бадахшондаги бошалар кўпроқ мавҳумлаштирилган қўчқор шохига, қушга монанд тузилишда учрайди.

Шифт безаклари. Шифт хонанинг бошпанаси, иморатнинг асосий қисмларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз шифтга сержило-серзавқ безак беришган. Шифт хона муҳитининг композицияси ва конструкциясида асосий омил бўлиб хизмат қилади. Ўрта Осиё меъморчилигида қадимдан тўсинли шифт қўлланилган. Тўсинли шифт калтароқ ёғоч тўсинлар билан устунлар ёрдамида катта хона юзасини қисмларга бўлиб ёпиш имконини беради. Олимлар археологик изланишлар давомида обидалар шифтининг қисмларини топишган. Шунга асосан обидаларни таъмирлашган. Жумладан, Г. А. Пугаченкованинг чизма таъмирида милoddан олдинги III—II асрларга оид Нисодаги квадрат зал шифти харилари ёрдамида бўлинмаларга ажратилган. Ўртадаги бўлинма чорхона услубида ишланган. Чорхона-тўсинлардан тузилган квадратлар қурилмаларнинг юқорига қараб кичрайиб бориши ва бир-бирига нисбатан кўндаланг ўрнатилиши натижасида ҳосил бўлган ўртаси очиқ гумбазга ўхшаш томдир. В. А. Нильсен VII—VIII асрларга оид Варахша саройи қизил хонаси шифти чизма таъмирини яхлитлигича чорхона услубида ифодалаган. В. Л. Воронина Панжакентдаги VII—VIII асрларга оид уйнинг меҳмонхонаси шифти тасвирини бўлинмаларга ажратиб, тўртта устун оралигини чорхона шаклида тиклаган. Шу билан бирга шифт қисмларга бўлиниб, ўрта қисми оддий туйнук шаклида очиқ қолдирилган шифтлар ҳам мавжуд. Буни Г. Пугаченкованинг I—II асрларга оид Гуяқалъа ҳокими қабулхонаси, В. Нильсеннинг V—VIII асрга оид Жумалоқтепа кўшкни меҳмонхонаси ва бошқа обидалар таъмирида яққол кўрамыз.

Дарҳақиқат, археологик материаллар билан танишар эканмиз, хона деворларида дераза ўрнини кўрмаймиз. Демак, хонани ёритиш ва ҳаво алмаштириш, тутун чиқариш каби чораларни фақатгина шифтда очиқ туйнук қолдириш йўли билан ҳал этишганига ишонч ҳосил қиламиз. Юқоридаги таъмирлардагидек туйнуқларнинг оддий ва чорхона услубида ёпилганлигини тоғ меъморчилигида кенг қўлланилган туйнуқлар тури тасдиқлайди. Жумладан, "чорхона" услуби ҳозирги кунда ҳам Тоғли Бадахшон халқ меъморчилигида кенг қўлланилади. Оддий туйнук қолдириш услуби Юқори Зарафшонда, Нурота тоғ меъморчилигида XX аср бошларида ҳам кенг қўлланилган.

Ўрта Осиёда V—VI асрлардан бошлаб хона томини гумбаз билан ёпиш услуги юзага келади. Гумбаз IX асрдан бошлаб асосан диний ва фуқаро иморатларида (айниқса ҳаммомларда) кенг қўлланилган. Гумбаз қурилмаси (конструкцияси) асрлар давомида шаклланиб боради. XVI асрга келиб ўзаро кесишган равоқлар устига ўрнатилган гумбазлар пайдо бўлади. Бундай гумбаз жуда катта хоналарни ёпиш имконини беради. XVI асрда нафақат диний обидаларда, ҳатто савдо тоқларида ҳам шундай гумбазлар қўлланилади.


XIII—XIV асрларда хона гумбази сержило рангларда нақш билан безатила бошлайди. Кўҳна Урганчдаги Тўрабекхоним, Самарқанддаги Шоҳизинда ансамбли, Турканоға, Қусам ибн Аббос мақбаралари фикримизнинг ёрқин далилидир. Гумбаз юзасини нақш-нигорлаш XX аср бошларигача давом этади.

Асрлар давомида тўсинли шифт ўз мавқеини йўқотмай келди. У турар уй, сарой, маҳалла масжидларида сақланиб қолган. Ўрта асрларда ҳам тўсинли шифт хона сатҳининг катта-кичиклигига қараб 4, 9, 12, 15 ва ундан ортиқ қисмларга бўлинган. Шифт юзасидаги бўлинмалар оддий ва мураккаб ёки бой композицияда бўлиши мумкин. Оддий бўлинмалар тўғри тўртбурчак, квадрат тузилишида бўлади.

Бой композиция шифт хариларининг турлича йўналиши, жойланиши натижаёсида юзага келади. Жумладан, хариларнинг хона деворларига нисбатан кўндаланг, қияроқ ўрнатилиши натижасида ҳар хил кўринишдаги, катталиқдаги ромб, учбурчак, олтибурчак каби композициялар яратилган.

Ҳандасавий юзаларнинг бир-бирига нисбатан жойланиши, катта-кичиклиги чиройли композициялар яратиш имконини беради. Жумладан, шифт ўртасида катта квадрат ёки бурчаклари девор марказига йўналтирилган катта ёки кичик квадрат, бурчакларида эса учбурчак юзалар ва шифт маркази бўйлаб қатор жойлаштирилган бир нечта ромб ёки учбурчакларни, деворга тик йўналтирилган квадратларни яратиш мумкин бўлган. Айрим жойларда шифтнинг бурчаклари хона деворларига нисбатан тик йўналтирилган кайвон шаклида, қолган қисмидан биров кўтарилган ҳолда келади.

Шунингдек, сарой, масжид, хонадон шифтнинг марказий бўлинмасида безак сифатида ичкарига бўртиб кирган — қубба ёки гумбазчалар — ҳавзақлар ишланган. Ҳавзақлар атрофи бир неча қатор йиғма муқарнас шарафалар билан безатилган. Шарафалар қатори юқори томон кичрайиб борган (21-расм).



21 - ра с м. Бухородаги Боло-Хавз масжиди шифти

Ўрта Осиё хонадонларида васса шифт, кабза шифт, ламба шифт турлари кенг қўлланилган. Васса шифт энг оддий шифт бўлиб, у тўсин вассалардан ташкил топган.

Кабза шифтда хона шифти девор атрофи бўйлаб бир ёки икки қатор хари билан айлантирилган. Унинг тўсинларига икки томонидан марказга қараб йўналган лола мадохил нақши ўйиб ишланган. Бухорода тўсин ўрта қисми қирқимда айлана ҳолатига келтирилиб, морпеч — ўрама нақш билан ўйиб безатилган.

Бухоро ва Қаршида васса ўрнига квадрат тахтачали юзалар ҳам ишлатилган. Шунингдек, шифт тўсинлари оралиғида вассалар билан тўғри тўртбурчак юзачалар ўрин алмаштирилган ҳолда келиши ҳам мумкин. Бундай шифтлар айниқса Қашқадарёда кўп учрайди. Фарғона водийси шаҳарларида, Тошкентда тўсинлар текис тахтачалар билан қопланган ва ингичка ёғочлар билан шифт марказидаги бўлинмада кўп бурчакли турунж, даврагул нақшлари ҳам ишланган уйлар мавжуд. Хивадаги уйлар шифтига ўймакорлик ва наққошлик безаклари берилмаган.

Ўрта Осиё халқ меъморчилигида шифт атрофи мураккаб йиғма муқарнаслардан ташкил топган шарафалар билан айлантирилган. Масжидларда эса шифт қисмлари атрофи бўйлаб ҳам шарафалар қўлланилган.


Тоғли Бадахшон халқ меъморчилигида хона шифти бир нечта бўлинмадан иборат. Улардан биттаси чорхона услубида ишланган. Бу ерда чорхона уч хил кўринишда учрайди. Биринчисида шифт марказий қисми, яъни бешта устун, Қоратегин ва Дарвозда тўрт ва учта устун оралиғидаги бўлинма чорхона услубида ишланган. Иккинчи турида чорхона шифтнинг марказдан четдаги бўлинмаларидан бирида ишланган. Учинчисида хона бутунлай чорхона услубидаги шифт билан ёпилган (Қалъайи Ҳусайн қишлоғидаги Ҳазрати Султон Журадо макбараси).

Кўп шаҳарларда ва Фарғона водийсининг тоғ қишлоқларида, қисман Юқори Зарафшонда шифтнинг тўсин ва вассаларининг ҳамма қисми сержило рангли бўёқларда бўялган. Ранглар илгарилари тухумдан тайёрланган, XIX аср охирларида елимли бўёқлар, XX асрда мой бўёқлардан фойдаланишган. Самарқанддаги кабза шифтларга сариқ, жигарранг, кўк рангларда гул ва иккита мадохил нақши ишланган. Тошкентдаги яшил ёки кўк рангли вассалар заминида оч кўк, оч яшил рангларда мадохил нақши

ишланган. Қашқадарёда вассалар қизил рангда ёки жуфт-жуфт ҳолда қизил, кўк, сариқ ранглarda бўялган. Васса ўрнида қўлланилган кичик-кичик квадрат тахтачалар юзасига ҳар хил барглар нақши ишланган.

Шифтнинг бундай безак тури Бухоро ва Шаҳрисабзда кенг қўлланилган. Фарғона, Тошкент меъморчилигида кўп учрайдиган тахта билан қопланган шифтнинг ҳар хил рангга бўялган ҳандасавий юзалари заминда ўсимликсимон ва гуллар нақши ишланган. Иккала безак тури Самарқандда ҳам учрайди.

Самарқанддаги уйларнинг шифт тўсинлари марказига қизил рангли заминда яшил рангда ўсимликсимон нақшлар, ён томонларига яшил рангли заминда қизил рангли атиргуллар, унинг ниҳол ва барглари сариқ рангда ишланган (22-расм). Тошкентда тўсиннинг кўк ва бинаф-



22-расм. Каттақўрғон. Тураруй меҳмонхонаси. Кабза шифтнинг бир қисми (муаллиф чизмаси)

ша рангли заминига гул ниҳоллари ва барглари сариқ, оч яшил ранглarda бўялган. Шунингдек, сариқ заминда бинафша, кўк, яшил ранглarda ишланган ўсимликсимон нақшлар учрайди.

Умуман, ота-боболаримиз қадимдан хонада баҳорни эслатувчи муҳитни сақлашга ҳаракат қилишган. Шунинг

учун ҳам шифтга, деворларга ҳар хил гул ва ўсимлик-симон нақшлар ишланган. Шифт безаги сержило рангли композициялари билан кишига эстетик завқ беради. Хонанинг ёзда салқин, қишда эса иссиқ туюлишига кишини ишонтириш ҳиссини пайдо қилади.

Эшик безаклари. Эшик тузилиши қадимдан деярли ўзгармасдан бизгача етиб келган. Бунга археологик материаллар ҳам гувоҳлик беради. Ислом дини ўрнатилгунга қадар Бухорода эшик юзасида одам сурати ишланганлиги ҳақида бухоролик тарихнавис Муҳаммад Нарӣшахий X асрда ёзиб қолдирган.

Ўрта асрларга оид миниатюраларни кўздан кечирав эканмиз, улардан икки табақали сернақш эшикларнинг юқориги бўлинмасида араб алифбосидаги ёзувларни кўрамиз. Бу XI—XII асрларда худди меъморчилик, амалий санъат буюмлари безагидагидек эшикларда ҳам шу даврда ёзув ишлатилганлигидан далолат беради. Эшик безагидаги ёзув нақш сифатида ҳатто асримиз бошларига қадар ҳам қўлланилган.

Шаҳарларда эшик ясаб сотадиган махсус устахоналар бўлган. Эшиклар катталиги жиҳатидан асосан хонадон ва ундаги дарча (дераза ўрнида) ҳамда масжид, мадрасаларга мўлжалланган.


Эшиклар асосан "бағдоди" — икки табақали, юзасига ўймакорлик нақши солинган ва "увайди" — текис юзали ва кўпинча бир табақали бўлган. Увайдининг юзаси занжира нақши билан бўлинмаларга бўлинган. Бўлинмалар марказида доирасимон ва бурчакларида чорак доира нақшлари ўйилган. Бағдоди эшикнинг ҳар бир табақаси уч бўлинмага бўлинган. Юқоридаги ва пастдаги бўлинмалар "китоба" ёки "дила" дейилади, улар бир хил катталиқдаги квадрат юзага эга. Ўртадаги бўлинма узунчоқ бўлган. Қизиғи шундаки, бағдоди эшик бўлинмаларини осонликча алмаштириш мумкин, чунки китобаларни эшик асоси (каркаси) — "кавзи" ва "бози" деб аталувчи юқори, ўрта ва ён синчлари атрофи қирраси бўйлаб айлантирилган ариқчага ўрнатиш учун уларнинг атрофи юпқа қилиб ишланган.

Юқоридаги ва пастдаги китобаларга қийғос очилган гул, даврагул ёки марказида катта кўп қиррали яхлит тузилишдаги нақшлар ўйилган. Шунингдек, юқоридаги бўлинма юзаси араб алифбосидаги чиройли ёзув билан тўлдирилган бўлиши мумкин.

Бухоро, Самарқандда ишланган эшикларда "гирехи чоркалид"— тўрт калитгли гирех, "турунжи давраш занжира"— кўп қиррали айлана атрофи занжир нақши билан айлантирилган композиция, "гирехи чоркунжа"—тўртбурчакли нақш, "гули ҳамеша баҳор"— ҳамма вақт баҳордагидек очилиб турувчи гул нақши, "сарбухори"— ичи ҳандасавий нақшлар билан тўлдирилган катта баргсимон нақш, "даҳи панчнок"— марказидаги ўн қиррали доира атрофи бўйлаб жойлаштирилган олти бурчакли нокка ўхшаш нақш ва бошқалар кўп учрайди (23-расм). Мазкур нақшларнинг кўпчилигини Нурота, Шаҳрисабз, Китоб, Қаршида, айримларини Тошкентдаги эшикларда ҳам кўриш мумкин. Шу билан бирга Тошкентда ўзига хос "меҳробгул", "қўчқор шохи", "қушсурат", "ислими" каби нақшлар ҳам мавжуд.

Хивада эшик бир ёки икки табақали бўлган, лекин улар худди увайди эшикларидек текис юзага эга ва бу юза кенг занжира нақшлар билан қисмларга бўлинган. Бўлинмалар юзасига сержило ўсимликсимон, ислими ва ҳандасавий нақшлар ўйилган (Хивадаги Жума масжид 1788—1789 йиллар, Хонқадаги Саид ота масжиди 1766 йил ва бошқалар). Умуман, увайди эшиклари ҳам ўзининг нақшу нигори билан киши кўзини қувонтиради. Уларнинг юзасида даврагул, турунж каби нақшлар дид билан жойлаштирилган. Бу нақш эшикнинг бутун юзасига жозиба бахш этган. Масалан, Панжакентдаги XI—XIV асрларга оид Муҳаммад Башаро мақбарасининг икки табақали эшиги текис юзага эга. Лекин унинг юқорироқ қисмида умумий кўриниши анорга ўхшаш, лекин ичи олти бурчакли ва олти учли юлдузлар билан тўлдирилган нақш ишланган. Бу нақш жозибаси туфайли эшик композицияси худди санъат асаридек киши эътиборини тортади.

Нақшинкор панжаралар. Бундай панжаралар Ўрта Осиё меъморчилигида хусусан, Хоразмда III асрга оид Тупроққалъа саройида қўлланилган, VIII асрга оид Варахша саройида ганчдан ишланган панжара топилган. Ундаги панжара тешиклари ўсимликсимон тузилишга эга. Ғиштли панжара IX—X асрга оид Исмоил Сомоний мақбарасининг гумбази гардишида ўрнатилган. Панжара XI—XII асрларда Работи Малик карвонсаройи, Бухоро намозгоҳи ва Ўзгент мақбараларида ишлатилган. Самарқанддаги Шоҳизинда комплексидаги (XI аср) Қусам ибн Аббос сағанасида ёғоч панжара мавжуд. Тошдан ишланган панжарани Самарқанддаги XV—XVI асрларга оид обидаларда кўраимиз.



23-расм. Нуротанинг Синтаб қишлоғидаги бағдоди эшик табақасининг бир қисми (Д. Нозилов, Р. Мадаминов чизмаси)


Панжара хона ҳавосини тозалаб туриш имконини берган ҳамда хонада ёруғликни таъминлаган, обидалар айвонларида чегара, ёзги хоналарга кириш учун эшик вазифасини ҳам бажарган. Панжара масжид, мақбара каби гумбаз билан ёпилган обидаларнинг гумбаз гардиши остидаги конструктив қисмига бир қатор айлантириб ўрнатилган. Шунингдек, деворлардаги равоқли бўлинмаларда жойлаштирилган. Хонадонларда эса эшик устидаги тобадонда жойлаштирилган.

XIX асрда ҳам панжаралар ёғочдан, ганчдан, тошдан ишланган. Ёғоч панжараларда майда-майда ёғочларнинг уфқ чизиғига нисбатан тик ва параллел бирлаштирилиши натижасида жимжимадор катакчалар бунёд этилган. Катакларнинг катта-кичиклиги, ўрин алмашиши билан панжара композицияси бойитилган. Шунингдек ёғочларнинг қия бурчакда йўналиши натижасида квадрат, ромб, кўпбурчак, учбурчак, салиб (крест) ва даврагулга ўхшаш мураккаб нақш композициялари бунёд этилган. Ёғочларнинг ўзи ҳам кўндаланг кесимда кўп қиррали, яъни ўртасидан бўртиб чиққан чизиқча ўтган ва икки ёни ичкарига қия ҳолда йўналган бўлиши мумкин. Ёғоч панжара қисмлар бир-бирига "кута-кута" услубида, яъни ҳар хил бурчакларда бирлаштирилган. Ёғоч панжаралар ўймакорлик йўли билан ҳам бажарилган. Улардаги нақшлар кўпроқ ўсимликсимон ислими композицияга эга.

Ганч панжаралар қолипда қўйилган. Улардаги катаклар катта-кичик, тўғри ёки ётиқ бурчакда бўлиши мумкин. Шунингдек, доиралар устма-уст ўрнатилган, катаклар ичига олинган, ичига юлдузсимон кўп бурчакли ва гул нақшлари жойлаштирилган композицияларда ҳамда юлдузсимон, кўпбаргли гул, қўчқор шохига монанд нақшлар ишланган (24-расм). Мавҳумлаштирилган одам тасвири ҳам учрайди. Жумладан, Сурхондарёнинг Вахшивор қишлоғида Сўфи Оллоёр масжидида мавҳумлаштирилган одам тасвири мавжуд.

Кўпинча оқишроқ ёки сарғишроқ рангли ганч панжара конструктив чизиқлари ўртасида кўк рангли ингичка чизиқ юрғизилган. Бу чизиқ панжара композициясини янада нафис ва сержило қилиб кўрсатади. Бундай безакли панжараларни ўрта аср миниатюраларида ҳам кўрамиз.

Панжаралар ғиштдан, металл (темир, мис)дан ва мрамар тошдан ҳам ишланган. Тош панжаралар кўпроқ Ғазғон усталари томонидан ишланган. Панжаралар хона интеръерига ёруғликни киши бадига тегмайдиган даражада майин таратган ҳамда девордаги токчалар, безаклар ва шифтдаги




24-расм. Сурхондарёнинг Вахшивор қишлоғи масжидидаги гангли панжара

нақшлар билан композицион бирикиб, ажиб тантанаворлик бағишлаган. Масжид, мадраса каби обидаларда ёруғлик нурининг гумбаз остидаги кўпбурчак, айлана гардишидан нақшинкор панжаралар орқали майин сочилиб турганлиги сабабли хона гумбази киши кўзига баланд бўлиб кўринади.

ХОНА ЖИҶОЗЛАРИ

Тахтлар. Ҳашаматли тахт тасвири қадимий обидаларнинг деворий суратларида ўз ифодасини топган. Жумладан, Варахша саройи хоналаридан бирининг жанубий деворида шоҳнинг тахтда ўтиргани тасвирланган. Тахт оёқлари қанотли туя шаклида ўйиб ишланган. Тахт суянчиғига ёйилган шойи юзасидаги расмда қанотларини ёзган бургутлар доира ичига олинган. Тахт қисмлари нафақат подшо саройларидан, балки, бадавлат хонадонларга тегишли харобалардан ҳам топилган. Панжакентдан топилган V—VIII асрларга оид кариатида — ёғоч ҳайкалчалар фикримизнинг исботи бўла олади. Ҳайкалча нафис ишланган нозикқомат раққоса сиймосини ифодалайди. В. А. Нильсеннинг фикрича, бу устунчалар уй эгаси дам оладиган тахт шифтининг тўрт бурчагидан ушлаб туради, у зодагонга жаннат гўзалликларини эслатиб турган. Тахтлар оддий устунчалардан ҳам ясалган. Устунчалар худди хона устунларидек тагкурси, капител—калла, кўзаги қисмлардан ташкил топган бўлиши мумкин.

Тахт XX аср бошларигача ҳукм суриб келган, лекин қадимий тахт бизгача сақланиб қолмаган. Уларнинг айрим қисмларини учратиш мумкин, холос. Жумладан, Душанба шаҳрида Беҳзод номидаги республика тарихий — ўлкашунослик музейида Тожикистоннинг жанубий қисмидан топилган тахт-курси суянчиғи (25-расм) сақланмоқда. Суянчиқ икки қисмга бўлинган. Пастки тўғри тўртбурчак қис-



25-расм. Тожикистоннинг жануб қисмидан топилган тахт-курси суянчиғи (М. Рўзиев чизмасидан нусха)

ми ўз навбатида яна учта горизонтал қисмга бўлинган. Юқори қисми равоқ шаклида ишланган. Суянчиқ ўртасига дарахт тасвири ўйиб ишланган. Дарахт новдасидан икки ён томонга тўртта (ҳар томонга иккитадан) шохча бўртиб чиққан. Шохчалар учи гул тасвири билан тугатилган. Суянчиқдаги дарахт расми ҳаёт дарахти рамзини ифодалаган бўлса, ажаб эмас. Суянчиқ юқори қисмида иккита ярим ой тасвири ишланган. Уларнинг устки ва пастки қисмида салиб (крест) тасвири жойлаштирилган саккиз бурчак нақш ишланган. Суянчиқ остида 13 рақами сақланиб қолган. М. Рўзиев курсини 1763 ёки 1883 йилларга оид деб ҳисоблайди, ундаги ой ва юлдуз тасвири ислом дини рамзини билдиради, деб таъкидлайди. Тахт турларини ўрта аср миниатюраларида кўрамиз. Уларнинг кўпчилигида тахтлар бошпанасиз тасвирланган. Жумладан, "Нўшобага Искандар расмини олиб келдилар" деб номлаган миниатюрада саркарданинг пасткамгина тахтда ўтиргани тасвирланган. "Султон Ҳусайн ва ёш жангчи" миниатюрасида тахт баландроқ оёқларда бўлиб, уч томони деворча билан айлантирилган. Тахт устига гиламча ёйилган. Мазкур тахт ўзининг кенлиги, оддийлиги билан кўпроқ ёғоч сўрини эслатади. "Баҳром шерларни енгиб, тожга эга бўлди" миниатюрасида орқа планда ишланган қурилма киши диққатини ўзига тортади. У олд томондан жавонга ҳам, тахтиравонга ҳам ўхшаб кетади. Қурилма оёқчаларга эга. Усти қавариқли равоқча шаклида ишланган. Мазкур қурилманинг пастки қисми қизил парда билан тўсилган. Ўрта қисми сўрига ёйилган гиламни эслатади. Юқори қисмига сиёҳ рангли соябон ўрнатилган. Мазкур қурилма тахтиравон бўлса, ажаб эмас. У нафақат ўтириб, балки ётиб дам олишга ҳам мўлжалланган.

Шунга ўхшаш тахтиравонларни "Искандар ва етти дарвеш" миниатюрасида кўрамиз. У бироз тикроқ композицияга эга. Тахтиравон очиқ жойга ўрнатилган. Очиқ жойларга ўрнатилган тахтни "Фарҳод Хусрав ҳузурида", "Шерларни енгиб тожга эга бўлган Баҳром тахтда" миниатюраларида ҳам кўрамиз. Мазкур тахтлардан биринчиси соябонсиз, иккинчиси матоли соябонга эга. Иккинчисида ёғоч ҳам мавжуд.

Тахтлар асосида сўрилар юзага келган бўлса керак, деган фикр туғилади. Юқорида айтганимиздек, "Султон Ҳусайн ва ёш жангчи" миниатюрасида тахт ўзининг катталиги жиҳатидан сўрига ўхшаб кетади. Унда бир киши бемалол ётиб дам олса бўлади. "Амир Темурнинг амир Саидали Ҳамадоний билан бўлган баҳсда енггани" миниа-

тюрасида хонада пол сатҳидан 40–50 см кўтарилган сўрини кўрамиз. Унда икки киши баҳаво, кенг сўрида бемалол ўтириб, суҳбат қураётгани тасвирланган. Мазкур расмлардаги тахт ва сўрининг ўхшашлигидан улардан бири замирида иккинчиси яратилганлигини сезиб олиш мумкин.

Курсилар. Ўрта Осиёда Овруподагидек стол атрофида стулда ўтириш одати жорий қилинмаган. Бунинг боиси шуки, Ўрта Осиё меъморчилигида хона атрофи бўйлаб ёки хонанинг бир қисмини супа сўрига ўхшатиб кўтариш одати бўлган. Чунки хонага кирган меҳмон оёқ кийимини ечиб, супага чиқиб ўтирган. Қолаверса, Ўрта Осиёнинг иссиқ иқлим шароити ҳам хом ғишдан, пахсадан кўтарилган супага гилам, шолча, бўйра ёйиб ўтириш имконини берган.

Шундай бўлишига қарамасдан, Ўрта Осиё ва Шарқ халқларида сўнгги ўрта асрларда курсилар ҳам онда-сонда ишлатилганлигига миниатюралар гувоҳлик беради. Жумладан, XVI асрга оид "Фарҳод Хусрав ҳузурида" миниатюрасида Фарҳоднинг курсида ўтирганини кўрамиз. Мазкур миниатюрада курси лавҳа тузилишига эга. XVI асрнинг II ярмига оид "Лочин кўтарган йигит" миниатюрасида йигит олтибурчакли курсида ўтирипти. Курсининг оёқчалари бор. Ҳамма томони нақш билан тўлдирилган.

Кўп бурчакли курсини "Қайс билан Лайли севгиси қиссаси" миниатюрасида ҳам кўрамиз. Мазкур асардаги курсининг оёқлари баланд, атрофи пастқамгина деворча билан айлантирилган. Қизиғи шундаки, "Фарҳод Хусрав ҳузурида", "Лочин кўтарган йигит" миниатюраларида дала, очиқ жой тасвирланган. Бунга "Қайс билан Лайли севгиси қиссаси" миниатюрасидаги айвон деворида боққа чиқиш эшиги борлиги гувоҳлик беради. Бундан, шундай курсилардан кўпроқ боғ ҳовлида, овда, дала жойларда фойдаланилган деган фикрга келиш мумкин.


Хонтахталар. Меҳмондорчилик жараёни тасвирланган қадимий деворий суратларда хонтахта тасвирланмаган. Лекин миниатюраларда хонтахта тасвирини учратиш мумкин. Жумладан, "Меҳмон сеҳрли боғда" миниатюрасидаги хонтахтанинг оёқчалари бор. Хонтахта устига учта чинни кўза қўйилган. Шундай хонтахтани "Вакил сифатида келган Искандарга Нўшоба унинг расмини кўрсатмоқда" миниатюрасида ҳам кўрамиз. Мазкур миниатюрада ҳам хонтахта учта чинни кўза билан тасвирланган. Ҳар иккала миниатюрада боғ манзараси тасвирланган.

Тагкурси. Тахмонларнинг пастки қисми пол сатҳидан бироз кўтарилган. Уларга айрим ҳолларда кўрпа-тўшак тахлаб қўйилган. Кўпинча тахмонга кўрпа-тўшак тахлаш

учун махсус пастқамгина тагкурсилар ишланган. Бундай тагкурсилар жойхоб дейлиб, Бухоро воҳасида кенг қўлланилган. Курси оёқлари жимжимадор қилиб ўйилган. Улар устига сандиқ ҳам ўрнатиш мумкин бўлган.

Бешик. Одатда, хонадонда биринчи фарзанд туғилганда унга атаб бешик тўйи ўтказишган. Бешик ҳар бир хонадоннинг тўридан жой олган. Унинг қадим замонлардан буён кенг қўлланганлигига Самарқанддан топилган X—XI асрларга оид бешик тувақлари гувоҳлик беради. Бешик ўзининг вазифасидан ташқари яна хона кўринишига файз киритиб, ўзига хос гўзаллик бағишлайди. Урта Осиёнинг деярли ҳамма жойида бешик бир хил тузилишда бўлган, лекин нақшу нигори, безак қисмлари билан ажралиб турган. Кўпчилик жойларда бешик қисмлари кўк, қизил, яшил рангларга бўялган. Тоғли туманларда бешик қисмларига ўйиб майда нақшлар ишланган.

Сандиқ. Қадимда кўп жойларда кат деб номланган. Унинг қадим замонлардан бизгача етиб келганлигига шубҳа қилмасак бўлади. Лекин қадимий катлардан биронтаси бизгача сақланиб қолмаган. Кат ясаш услуби эса ҳанузгача узоқ тоғ қишлоқларида мавжуд. У асосан тах-



26 - расм. Сурхондарёнинг Чош тоғ қишлоғидан топилган қадимий сандиқ (муаллиф чизмаси)


монга сиғадиган қилиб ишланган ва устига кўрпа-тўшаклар тахланган (26-расм). Кат юзаси бир нечта бўлинмага бўлинган. Бўлинмалар асосан уч ёки тўртта катта юзага эга бўлиб, улардан биттаси бир нечта кичик юзачаларга тақсимланган. Кичик тахта юзачалар атрофи бўйлаб бўртиб чиққан ингичка чизиқлари билан қути кесакиси ариқчаларига суриб киритилган. Бу кат олд қисмидаги бир нечта тахтачани олиш имконини беради. Бунинг учун юза тахтачаларидан биттаси ён томонга тортиб чиқарилади, сўнг лозим бўлганда бир нечта тахтача олинади. Ёпишда тахтачалар жой-жойига суриб қўйилади. Охирги тахтача ёғоч калит билан қулфланади. Бундай катнинг қулайлиги шундаки, унинг эшигини очиш учун устидаги кўрпа-тўшакларни олишга умуман ҳожат йўқ. Кат тахтача бўлинмалари юзаларига доирасимон, кўп баргли турунжлар ўйилган. Тахтачалар атрофи занжира — ингичка йўл-йўл нақшлар билан айлантирилган.

XIX аср охирларида сандиқ юзасини тунука билан қоплаб, унга нақш ишлаш анъанаси пайдо бўлган. Бу анъана ҳозирги кунда ҳам ривожланиб бормоқда.

Сандал. Ўрта Осиё халқлари қиш кунларини сандал атрофида ўтказишган. Сандал хонанинг катта-кичиклигига қараб хона ўртасига, бурчагига ўрнатилган. Сандал томонлари тенг тўрт оёқли курсидан иборат. Унинг устига кўрпа, чойшаб ёпиб қўйилган. Сандал қадим замонларда ҳам бўлган. Унинг келиб чиқиши оловхоналарга бориб тақалади.


Сабояк. Идиш-товоқ учун таглик хонанинг бир бурчагига қўйилган. Сабояк кичикроқ қути бўлиб, баланд ва мустаҳкам оёқларга ўрнатилган. Оёқлари ердан анча кўтарилган, пастки қисми ўйма белбоғчалар билан айлантирилган. Қутининг ўзи уч қисмга бўлиниб, ҳар бир қисмида биттадан айлана нақш ўйилган. Атрофи занжира нақшлар тизими билан айлантирилган. Қадимий сабоякларнинг аксарияти усти очиқ бўлган. Асримиз бошларида сабоякларни сандиққа ўхшатиб ишлаш кенг тус олган.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш учун ёғочдан ясалган қутилардан фойдаланилган (27-расм). Улар доира ва тўғри тўртбурчак шаклида бўлган. Шундай қутилар Тоғли Бадахшоннинг Ванч, Язғулом воҳалари қишлоқларида олиб борилган изланишлар натижасида тадқиқотчи В. Л. Воронина томонидан топилди (28-расм). Қутиларнинг деворлари, қопқоғига ўймакорлик қилинган. Қути қопқоғига тортиб очиладиган эшикча ҳам ўрнатилган.




27-расм. Қорақалпоғистоннинг Хўжайли тумани ҳудудидан топилган сабояк

Кули ёки Хамба. Ўрта Осиёнинг тоғ қисмида кули ёки хамба деб номланган лойдан ишланган идиш кенг қўлланилган. Улар ҳар хил катталиқда бўлган. Кичикроқлари сомонли лойдан ясалган, каттароқларининг оёқлари пастки юзаси ёғочдан, тахталардан терилган. Кулида ун, буғдой, гуруч, мева-чевалар сақланган. Кулиларнинг



28-расм. Тоғли Бадахшон. Ванч, Язгуломда кўп учратилган ёғоч қутилар (В. Л. Воронина чизмасидан нусха)

олд девори юзасига ҳар хил нақшлар ишланган. Кўпроқ ўсимликсимон нақшлар, ромб, қўчқор шохига ўхшаш расмлар солинган. Кулининг устки деворида ва олд деворининг пастроғида туйнукчалар бўлган. Дон юқоридаги туйнукдан солинган, лозим бўлган пайтда пастдаги туйнукдан олиниб турилган (29-расм).




29-расм. Гилдан ясалган қутилар: а.) Кангур тумани Кули Сўфиён қишлоғи; б.) Ховалинг тумани Шаҳриминг қишлоғидан топилган (Е. М. Пешерева чизмасидан нусха)

Кулилар хонанинг пойгоҳ қисмида олд девори хона тўрига қаратиб жойлаштирилган. Айрим жойларда кули тахмон билан биргаликда хона деворига қапиштириб ишланган. Шундай кулини Пском дарёси ёқасида жойлашган Кафт-кумуш қишлоғида Е. М. Пешерева учратган.

Кули деворлари юқори томони ичкарига едирилган ҳолда кўтарилиб борган, оёқлари анча баланд бўлган. Улар хона саранжомлигини таъминлайди. Шунингдек, ўзига хос гўзаллик бағишлайди.

Чироқхоналар. Иккита тошдан ишланган чироқхона Бухородаги Чор Бакр мазорида сақланган. Улар кўпроқ XIII—XVI асрларда қурилган мақбаралар моделини эслатади. Уларнинг усти қавариқли гумбаз шаклида ишланган. Бу эса Самарқанддаги Гўри Амир мақбараси гумбазига ўхшайди. Бурчаклари эса обидалардагидек гулдаста



30-расм. Бухоронинг Чор-Бакр мазоридаги XVI асрга оид чироқхона

– устунчаларга ўхшатишган. Чироқхоналар узоқ ўтмишга эга (30-расм). Ўрта Осиёда қадим замонлардан буён оловхоналар бўлган. Улар асримизнинг бошларида ҳам узоқ тоғ қишлоқларида сақланган. Оловхоналар кўйинчалик эркаклар йиғилиб суҳбат қурадиган жойга айланган. Оловхона ўртасидаги ўчоқда ўт ёқиб, атрофида давра қуриб ўтиришган. Ислом дини ўрнатилгач, оловхона йўқолиб, ўчоқлар ўрнига чироқхоналар юзага келган бўлса керак, деб тахмин қилади Л. И. Ремпель. Бизнингча, ўчоқ ўзича, чироқхона ўзича алоҳида-алоҳида ривожланган бўлса керак. Чунки умумий ўчоқдан ташқари хонанинг қолган қисмини ҳам ёритиш лозим бўлган. Ёритгичлар жуда оддий бўлган. Тоғли Бадахшонда яқин йилларгача сақланган чироқдонлар бунга мисол бўла олади (чироқдонлар ҳақида иккинчи бобда батафсил тўхталамиз).

ФУНКЦИЯ ВА БЕЗАК

Ота-боболаримиз хона ички композициясини яратишда ҳар бир элементнинг бажарадиган вазифасининг қулайлиги, гўзаллигини биринчи ёки иккинчи даражали эканлигини, рамзий ифодаларини ҳам эътиборга олганлар. Мисол учун Тупроққалъа саройининг аскарлар залини олиб қарайлик. Девор атрофи бўйлаб жойлаштирилган қўчқор шохига ўхшаш волюталар мардлик рамзини ифодалаган. Волюталарнинг катта ҳажмда ишланиши аскар учун довураклик хусусияти биринчи ўринда туришини билдирган. Аскарлар саркардасиз ёки саркарда аскарсиз бўлмайди, деган маъно ётади. Уларнинг бир-биридан фарқини билдириш учун саркарда ҳайкаллари оддий аскарлардан каттароқ қилиб ишланган.

Қадимий Нисо шаҳридаги квадрат сарой ва айлана ибодатхона интерьерлари композициясида кўп масалаларни ижобий ечишга ҳаракат қилинган. Уларнинг иккаласида ҳам иккинчи ярусда ритм билан токчалар ичида ҳайкаллар жойлаштирилган. Шу ўринда ҳайкаллар нега биринчи ярусда эмас? деган савол туғилади. Дарҳақиқат, нега иккинчи ярусда? Аввало шуни айтиш керакки, ҳайкаллар ўша даврда халқнинг диний эътиқодларига биноан худоларни ифодалаган. Уларни банд билан бир хил баландликда ўрнатиш мумкин эмас. Қолаверса, биринчи ярусга ўрнатилган ҳайкалларни хонанинг ҳамма жойидан кўриб бўлмайди. Айниқса, хонада одам кўп бўлганда. Ҳайкалларнинг равоқли токчага олиниши ҳам ўзига хос

рамзий ифодага эга, яъни равоқ Коинотдаги камонни, яъни осмонни ифодалаган. Ҳайкалларнинг токчага ўрнатилиши, токча орқа деворининг тўқ қизил рангга бўйлиши замирида худоларнинг зим-зиё коинотда ҳам шуъла таратаётгандек бўлиб туриши каби маънолар ётади. Худого мурожаат қилиб тепага қараган кишига қоронғи токчалардан оппоқ худолар ҳайкаллари қайси дардинга дармон бўлайлик, — деб боқаётгандек туюлади.




Милоддан аввалги I асрга оид Холчаён саройидаги барельефда девор сатҳидан бўрттириб ишланган ҳайкаллар шоҳ, унинг оила аъзолари, аъёнлари, саркардаларига бағишланган композиция ҳам хона уч девори (кириш эшиги қаршисидаги ва икки ён девори)нинг юқори қисми бўйлаб йўналган горизонтал бўлинмада жойлаштирилган. Шунинг учун ҳам саройга кирган киши диққатини биринчи навбатда мавзули барельеф бўлинмаси ўзига тортади. Мазкур сарой интерьерида шоҳга бағишланган ҳайкаллар мажмуаси асосий ўрин тутади, улар учун хона деворининг юқори қисмида горизонтал бўлинма ажратилган.

Сарой ибодатхоналаридаги хона ўртасида одам кўкраги баландлигидаги оташдонларда муқаддас олов ёниб турган. Нисодаги айлана ибодатхона муқаддас оташдонлари бунга мисол бўла олади. Мазкур ибодатхонада муқаддас олов билан боғлиқ айрим расм-русмлар жамоа томонидан тик турган ҳолда бажарилган бўлса керак. Хонадонларда эса муқаддас олов билан боғлиқ расм-русмларни оила аъзолари хотиржам ўтириб ижро этишган. Бунга ўчоқ атофидаги супалар гувоҳлик беради. Ўчоқлар ҳам супа баландлигида бўлган. Деворга қапишган супага ўрнатилган муқаддас ўчоқ киши диққатини жалб қилиши учун унинг рўпарасидаги деворга безакли меҳроб ишланган.

Халқ тафаккурида диний ақидалар ҳамма вақт алоҳида ўрин эгаллаган. Шунинг учун ҳам хоҳ аввалги динларга, хоҳ ислом динига мансуб ақидаларни бажаришга мўлжалланган элементлар бўлсин, улар хона композициясида асосий элемент вазифасини ўтаган. Шунинг учун унинг тузилишига, безагига алоҳида эътибор берилган. Масжиддаги меҳроб ҳам фикримизнинг исботи бўла олади. Меҳроблар тарҳда уч-беш қиррали қилиб ишланган. Шунингдек, меҳробнинг юқори қисми кўп қиррали шарафалар билан тўлдирилган. Бу тадбирлар нафақат безак вазифасини ўтаган, шунингдек хонада акс-садони кучайтиришга ёрдам берган. Товуш меҳроб синиқ қирраларига урилиб, хонақоҳнинг ҳамма томонига жаранглаб қайтган.

Бухородаги ёзги хоналар, Самарқанд ва бошқа шаҳар меҳмонхоналарининг ҳовли томон девори деразалари пол сатҳидан бироз кўтарилган. Деразалар бағдоди эшиклар билан тўсилган. Ёзда дераза эшиклари очилганда меҳмонлар кўз олдида ҳовлидаги манзара пайдо бўлади. Меҳмон ўзини худди боғда ўтиргандек ҳис қилади.

Хона деворларидаги токчалар ҳам функционал вазифасидан ташқари ўзининг гўзаллиги билан киши эътиборини тортади. Катта-кичик оддий токчалар девор юзасига тик ва ётиқ ҳолда жойлашган, жимжимадор контурли, майда нақшли, замини нафис рангли равоқчалар билан қопланган, бу ҳол уларга бутунлай жозибали кўриниш бағишлаган. Токчабанд девор ва тахмонлар жойланиши, олд, орқа ва ён деворларида ўрин алмашиши жиҳатидан оммавий тус олган бир неча хил композицияни ташкил қилган (31-расм).



31-расм. Тошкентдаги хона деворларида токча ва тахмонларнинг жойланиш схемалари (В. Н. Манаква чизмасидан)

Ён деворлардаги токчалар пастдан 50—70 см, тўрдаги деворда эса 30—40 см юқоридан бошланган, бу биринчидан, деворга суяниб ўтиришга шароит яратади, иккинчидан, токчаларнинг юқори томон майдалашиб боришига қарамасдан, уларнинг хонанинг барча бурчагидан яққол кўринишини таъминлайди. Шунинг учун токчалардаги буюмларни бир қарашда англаб олиш мумкин ҳамда пастдагиларини тик турган ҳолда, кўп энгашмасдан, юқоридагиларини эса курси қўймасдан олиш мумкин.

Тоғли Бадахшондаги уйларнинг меҳмон кутадиган супаларида киши худди замонавий стул баландлигида ўтиргандек бўлади. Оштон — ўчоқ ёнларидаги супаларда ўтирган хонадон аъзолари ҳамда хўжалик буюмлари меҳмон ўтирган жойдан кўринмайди, чунки бу супалар меҳмон ўтирадиган супалардан икки баравар баланд ҳамда тахта панжара билан тўсилган. Супалар деворчасига ўрнатилган токчалар ҳам хона саранжомлигини таъминлайди. Умуман, Тоғли Бадахшондаги уйларда паст-баланд супалар бутун хонани эгаллайди. Бу ерда мебелга ҳожат йўқлиги яққол сезилади.

Хона пойгоҳи ўз функционал вазифаси билан киши онгига шундай таъсир кўрсатганки, киши ҳеч вақт оёқ кийимини ечмасдан, тўғридан-тўғри пешгоҳга ўтмайди. Мўри ва ўчоқларнинг хона пойгоҳи деворида ўрнатилишидан мақсад, биринчидан, хонага эшикдан кирадиган совуқ ҳавони қайтариш бўлса, иккинчидан, хона асосий қисмининг тоза бўлишини таъминлашга қаратилган. Мўрилар безаги ҳам назардан четда қолмаган.

Хонанинг ҳар бир жиҳози функционал вазифасига қараб ҳар хил материалдан ишланган. Дон сақлайдиган қутилар гилдан ишланган, сабзавот қутилари ёғочдан ясалган. Уларнинг хонага қараган қисми безаклар билан бойитилган.

Бешиклар худди ҳозиргидек, ўзининг тузилиши, баландлиги билан онанинг ўтирган ҳолда ўз фарзандини бешикка ётқизиши, ечиб олиши ёки эмизишига қулайлик яратган. Бешикнинг устки ёғоч суянчиғи суяниб бола эмизишга, ундаги ҳалқалар бола қўл-оёғини боғлашга, ранг-баранг бўёқли ҳалқалар чақалоқ фикрини чалғитишга ҳамда бешик оёқларининг ёйсимонлиги уни тебратишга қўл келган. Кундалик ҳаётда курсидан кўп фойдаланадиган халқларда бешик оёқлари баланд қилиб ишланган. У онанинг курсида ўтириб, чақалоқни белашига мўлжалланган. Шундай бешиклар осетинларда ҳозир ҳам мавжуд.

Умуман олганда хонадаги ҳар бир жиҳознинг нафақат функция жиҳатидан қулай бўлишига, балки ўша жиҳоз композициясининг гўзал, сербезак бўлишига ҳам алоҳида эътибор берилган.

Мазкур бобда ҳозирги замон меъморлари, дизайнерлари ижодига мансуб тадбирлар халқ меъморчилигида, амалий санъатида қадимдан мавжудлигига гувоҳ бўлди. Масканларнинг ички тузилишида, унинг қисмларида ҳамда

жиҳозларида функционал қулайликка, элементлардан композиция яратишга, бадиийликка интилиш яққол сезилади. Хуллас, бунга қуйидаги тадбирлар туфайли эришилган:

— баланд саройларда деворий суратлар композициясининг хона ҳамма қисмидан кўринишини таъминлаш;

— хона интервьерини функциясига қараб ҳайкаллар композицияси билан боғлаш;

— ҳайкаллар билан хона интерьерини, деворлари мутаносиблиги ечимини тўғри топиш;

— ҳайкаллар, сюжетли тасвирлар ёрдамида хона функциясини белгилаб бериш;

— X—XII асрларда маъмурий, диний обидалар безагида пардозланган безакли ғиштлардан бежирим, кўркам композицияларнинг яратилиши;

— IX—XII асрларда нафақат ганч, балки оддий гилдан бой безакли нақш ва композицияларнинг яратилиши (меҳроб);

— X—XI асрларда тураржой деворларида бир ритмда¹ ишланган устунлар тасвири билан девор юзасининг бўлинмаларга бўлиниши ва бўлинмаларнинг нафис ўсимликсимон нақшлар билан безатилиши;

— хона элементларининг функционал вазифасидан ташқари уларни бадиийлаштириб, интерьер композициясини бойитишга қаратиш (меҳроблар, ўчоқлар, мўри ва бошқалар);

— XII—XIII асрларда хона саранжомлигини таъминлаш учун хона деворида тахмон ва токчалар ўрнатишни кенг йўлга қўйиш;

— тахмон, токчалар яратишда стандарт – доимий ишлатилган бир хил қисмлардан фойдаланиб, уларнинг бадиийлигини ошириш.

XIX—XX аср бошларида тураржойлар шифт ва деворларини ўсимликсимон ва қийғос очилган гуллар тасвири билан безаб, унда ҳаммаша баҳор фаслини эслатувчи муҳитнинг яратилиши (меҳмонхона, хона);

— нақшларда стандарт – андоза тусига кириб қолган нақш қисмларидан яхлит нақш ва композиция тузилиши;

— хона полини функциясига қараб пешгоҳ, пойгоҳ, супа қисмларига тақсимлаш;

— шифт тузилишининг маълум турларга бўлиниши ва уларнинг хари, тўсин, вассалар ёрдамида муайян андозада териши;

¹ Ритм — бир хил нақшнинг бир маромда қайтарилиши.

— конструктив қисмлар (хари, тўсин, васса) ёрдамида шифт композицияси монументаллигининг таъминланиши;

— эшикларнинг конструктив жиҳатдан "бағдоди", "увайди" турларига бўлиниши;

— бағдоди эшикларида китобаларнинг осонликча алма-шиниши, тузилиши ва ҳажми жиҳатини стандартлаштирилган китоба ва кесакилардан эшикларнинг оммавий сон-да терилиши;

— увайди эшиклар юзасининг битта марказий доира-симон, анорга ўхшаш, турунж ёки мадохил каби нақш билан бойитилиши;

— хона интерьерини ёритишда ва бадиий беагани оширишда қўйма ва йиғма декоратив панжараларнинг қўлланилиши;

— хона жиҳозларининг қулай ва гўзаллигини таъминлаш (тахт, тагкурси, сандиқ, хўжалик қутилари);

— хона жиҳозлари, хўжалик буюмлари беаги билан интерьер бадиийлигини ошириш.

II боб

ХЎЖАЛИК БУЮМЛАРИ

ЁҒОЧ БУЮМЛАР

Ўрта Осиёда ёғоч ўймакорлиги қадимдан ривожланган. Бунга Панжакент ёғоч кариатидалари, иморат ёғоч қисмлари беаги (V—VIII асрлар), Юқори Зарафшон тоғ қишлоқларида сақланиб қолган устун ва устунбошалар (IX—XI асрлар), Самарқанддаги Қусам ибн Аббос масжиди ёғоч қисмлари (X—XI асрлар) гувоҳлик беради.

Панжакентдан топилган ёғоч ўймакорлигида ишланган "Ов жараёни", "Оилавий сурат" каби сюжетли тасвирлар кишини лол қолдиради. Ёғочдан уй-рўзғор буюмлари ҳам ишланган. Бунга Исфарадан милод аввалига оид ёғоч рўзғор буюмлари топилганлиги гувоҳлик беради. Буюмлар дастали кўзачалар, қопқоқли коса, лаганлардан ташкил топган. Сўнгги ўрта асрларда мис, сопол буюмлар кўп миқдорда ишланган, ёғоч рўзғор буюмларига бўлган эҳтиёж камайди. Ўрта Осиёнинг узоқ тоғ қишлоқларида XX аср бошларида ҳам ёғочдан рўзғор буюмлари ишланган. Ёғочга ишлов беришда қўл ва сув билан ҳаракатга келадиган махсус қурилмалардан фойдаланишган. Ёғоч идишларни бир-икки минут тутунда тутишган, сўнг унга ёғ суришган. Ёки бир дақиқа қайноқ ёққа ботириб олишган. Сўнгра минерал ранг билан бўяшган.


Қопқоқли идиш. Қирғизистоннинг жануб қисмида кўпроқ учрайди. Бундай идишларнинг баландлиги 25—30 см. Улар нок, конус, цилиндр шаклида бўлиб, ости текис ва тувакка ўхшаш бўлиши мумкин. Бундай идиш Ўшдаги Қорабулоқ маконидан топилган идишларни эслатади.



32-расм. Тоғли
Бадахшондан топилган ёғоч
чўмичлар (А. К. Писарчик
чизмасидан нусха)


Қошиқлар. Тоғли Бадахшонда ҳанузгача бир неча турдаги ёғоч қошиқ ва чўмичлар ишланади. Қошиқлар болаларга ва катта ёшдагиларга мўлжалланган ҳолда ясалди. Шунингдек суюқ овқат пишириш, шопиришу чун чўпилар ишланган. Ёш болаларга мўлжалланган қошиқлар дастаси ушлашга қулай қилиб от боши тузилишида ёки ўсимликсимон нақшлар шаклида ишланган. Бундай қошиқлар ўзининг манзарали безаги билан ҳам қулай, ҳам тугалланган композицияни ташкил қилади (32-расм).

Чинниқоплар. Ўрта Осиёда нафақат кўчманчи қабилалар, балки ўтроқ халқлар рўзғорида чинни қоплар бўлган. Чунки шаҳарликлар ҳам ёз ойларида ўз чорбоғларига, тоғликлар дара ичкарасидаги боғларига кўчиб чиқишган. Бир жойдан иккинчи жойга кўчиш пайтида чинни коса, чойнак, пиёлаларнинг синмаслиги учун чинниқопларга жойлашган. Чинниқоплар ёғочдан, чармдан ясалган. Чинниқоплар чинни буюм ҳажмига мослаштириб ишланган. Жумладан, чойнак учун ишланган чойнаққоп ўртасидан иккига бўлинган. Ўртасига чойнак қўйилгандан сўнг олд ва орқа қисмлари бўртиб чиққан дасталари чарм банд билан маҳкам боғланади (33-расм). Коса, пиёла қоплари ҳам худди шу услубда ишланган. Улар икки қисмдан иборат. Бир қисми юзаси текисроқ, иккинчиси коса тузилишига монанд ишланган. Коса, пиёла, чойнаққоплар белга осиб юришга ҳам мўлжалланган. Ёғочдан ишланган чойнаққоплар юзасига ҳар хил нақшлар ўйиб ишланган. Чинниқоплар усти кўпинча чарм билан қопланган. Улар устига ҳар хил (учбурчак, ўсимликсимон) нақшлар туширилган.



33-расм. Қашқадарё. Бошчорбоғдаги Уста Аннамаҳмад ишлаган чойнаққоп


Лавҳлар. Қадимий деворий суратларда хонтахта лавҳ тасвирини учратмаймиз, лекин лавҳ қадимдан бўлганлигига шубҳа қилиш мумкин эмас. Чунки қадимий деворий суратларнинг аксариятида меҳмондорчилик, тўй-томоша ов жараёни каби сюжетлар тасвирланган. Борди-ю, деворий суратларда мактаб, дарс қилиш жараёни тасвирланганда эди, унда албатта лавҳ ишланган бўлар эди. Лавҳ суратини сўнгги ўрта аср миниатюраларида кўрамиз. Жумладан, "Лайли ва Мажнун мактабда". Мактаб миниатюраларида лавҳ ва ўқитувчи олдида ёғочдан ишланган сандиқчани кўрамиз. Сандиқчалар китоб, дафтар, қаламдон солиш учун



34-расм. Қашқадарёнинг Сумак тоғ қишлоғидан топилган лавҳ (муаллиф чизмаси)

мўлжалланган. Лавҳ яшаш учун яхлит ёғоч бири иккинчиси ичига киритилган иккита юпқа тахтача шаклига келтирилади (34-расм). Лавҳ тахтачалари йиғма бўлиши ҳам мумкин. Тахтачаларга айланасимон, җандасавий, ўсимликсимон нақшлар ўйилади. Айрим лавҳларда доира шаклидаги нақшлар тахтача асосий қисми билан новдачалар ёрдамида бириктирилган. Бундай услуб қийғос очилган гулни ва унинг новдачасини эслатади. Лавҳ чиройли ва функционал жиҳатдан жуда қулай ишланган. Ўқувчилар лавҳни худди китоб сингари қўлтиқ остига солиб ўқишга боришган.

Қаламдон — ўқув қурол-аслаҳаларини сақлашга мўлжалланган қути. Қаламдон тасвири Шарқ миниатюраларида ҳам учрайди. Улар ёғочдан юпқа кесиб ишланган.



35-расм. Тоғли Бадахшоннинг Ба-Рушон ва Хуф қишлоқларидан топилган ёғоч чироқлар (М. С. Андреев чизмасидан нусха)

Шунингдек, қаламдон ғилофи елим билан пресслаб ишланган бир неча қават қоғоз билан ҳам қопланган. Қаламдонлар ҳар хил (катта-кичик) ҳажмда бўлган. Уларнинг умумий тузилиши бир-бирига ўхшаш. Айримларининг қопқоғи юқорига очилган, кўпчилигида қаламдон қути ғилофга узунасига киргизилган. Қаламдон усти ҳар хил рангли, ўсимликсимон, гулсимон нақшлар билан безатилган. Нақшлар сариқ, қизил, қора, сиёҳ рангдаги замин устига чизилган. Гуллар тилла ёки бронза кукунига ўрик ва олча елими қўшиб тайёрланган бўёқлар билан ишланган. Қаламдонлар юзасига баъзан чиройли ёзувлар ҳам битилган.

Чироқдонлар. Тоғли Бадахшонда ёғоч чироқдонлар кўп ишланган. Улар кичкина қурилмадан иборат бўлиб, хона устунининг юқори қисмига ўрнатилган. Чироқдон қурилмалари кўпинча икки-уч қисмдан иборат бўлган (35-расм). У пилик ўрнатиладиган икки-уч туйнукчали асос ва устунга осиб қўйиладиган тахтачадан ташкил топган. Чироқдон асосида икки-уч томондан пилик ўрнатишга мўлжалланган туйнукчалар бўлган. Уларга узунлиги 0,5–1,5 метргача узунликдаги ёғоч пиликлар ўрнатилган. Ёғоч пиликлар махсус ёққа ботириб қўйилган. Пилик секин-асота ёниб тугагандан сўнг ўрнига янги пилик ўрнатилган.

Чироқ учун таглик бир неча ҳалқали даста сифатида ҳам ишланиши мумкин. Шундай тагликни Нуротанинг Устук тоғ қишлоғида учратдик.

СОПОЛ БУЮМЛАР

Сопол буюмлар Ўрта Осиёда қадим замонлардан буён ишлаб келинган. Этнографик маълумотларга қараганда, қадим даврларда ҳар бир хўжалик ўзига керакли сопол буюмларни ўзлари ясаган. Бу одат узоқ тоғ қишлоқларида ХХ аср бошларига қадар сақланиб келган. Қизиги шундаки, тоғларда сопол буюмларни кўпроқ аёллар ясаган. Аёллар орасида кулолчилик санъати билан шуғулланувчи марказлар бўлганлиги олимларимиз томонидан аниқланган. Шундай марказлар юқори Зарафшондаги Яғноб дараси қишлоқларида, Тоғли Бадахшондаги Вохон, Ишкошим, Хуф, Шуғнон, Рўшон дараларидаги қишлоқларда мавжуд бўлган.

Сопол табиий ашёлардан ишланган. Тупроқ элакдан ўтказилган, лой қоришмасига айлантирилиб, айрим жойларда 10—20 кунгача сақланган. Тоғларда буюмлар қўлда ясалган. Бироз қотгандан сўнг унга даста ва жўмракларини



36-расм. Бинкат. VI асрга оид қадаҳ

ўрнатишган. Тайёр буюмлар сояда қуритилган. Сўнг суюқ гил билан сайқал берилган, ўйиб нақш ишланган ва хумдонда пиширилган. Шаҳарларда кулолчилик чархи махсус қурилмаларга ўрнатишган. Уста ўтирган жойида бир оёғи билан чархни ҳаракатга келтириб, буюм ясаган.

Илк сопол буюмлар бироз дағалроқ қоришмалардан ишланган. Гилни пиширишга ҳам деярли аҳамият беришмаган. Шунингдек, ранг ишлатиш услублари заиф бўлган. Шундай бўлишига қарамасдан, буюм формаларига алоҳида эътибор берилган. Масалан, Бинкатдан топилган VI асрга оид сопол қадаҳ ҳам киши диққатини ўзига тортади. Қадаҳ ҳозирги замон дастали ликопчаларини эслатади (36-расм). Унинг дастаси бузоқ бошига ўхшатиб ишланган.

Самарқанддан IX—X асрларга оид пиширилган гилдан ишланган қушча, кунгура ичига олинган қуш, лола мадохил каби нақшларни сопол буюмларга тушириш учун ишланган тамға-қолипчаларнинг топилиши шу давр кулолчилигида бўртма тамғали нақш ҳам қўлланганлигидан далолат беради.


Г. В. Шишканининг фикрича, IX асрдан бошлаб Самарқанд кулолчилиги устахоналарида иқтидорли рассомлар ишлай бошлашади. Дарҳақиқат сопол буюмлардаги расмларнинг композицияси, улардаги чизиқларнинг нафислиги, уйғунлиги бундан далолат беради.

Самарқанд сопол буюмлари икки йўналишда шаклланди. Биринчисида буюм юзасига ортиқча безак берилмай, бутун композицияни биронта нақш билан ифодалашга, иккинчисида буюмнинг кўп қисмини расм ва нақшли замин билан тўлдиришга интилишган. Афросиёбда идиш замини оч кўк (ҳаво) рангга бўялган. IX аср охиригача бўлган даврга оид буюмлар кўплаб топилган.

Ўрта Осиёда сирли сопол X асрда кенг ишлатила бошланган. Сирли сопол буюмлари ишлаб чиқариш мактаблари асосан Самарқандда, Шош вилоятининг Бинкат,

Фарғонанинг Ахсикет шаҳарларида ривожланган. Сирлаш учун табиий ўсимликлардан ишқор олинган.


Самарқанд сирли сопол буюмларида (коса, пиёла, лаган) ҳар хил қуш ва мавжудотлар (каптар, хўроз, тустовуқ, от, тоғ эчкиси, шер, балиқ)нинг чопаётгани, учаётган пайти, бош қисми акс эттирилган. Шунинг учун тасвирларда динамикани, ҳаракатни кўрамиз (37-расм). Улар кўпинча ён томондан тасвирланган. Шунингдек одам, овчи расмларини учратиш мумкин. Бу V—VII аср кулолчилилик санъатининг ҳатто IX—X асрларгача ўз таъсирини йўқотмаганлигидан да-



37-расм. Самарқанд. X—XII асрларга оид идишлардаги тасвирлар (Ш. Тошхўжаев чизмасидан нусха)

лолат беради. Шунинг ҳам айтиш лозимки, V—VII асрларда қушлар, йиртқич ҳайвонлар тасвири реалистик тарзда ишланган бўлишига қарамасдан, улар декоратив безакнинг бир бўлагини ташкил қилган. X—XII асрларда эса Самарқанд кулолчилилик буюмларида қушлар, йиртқич ҳайвонлар тасвири буюм бадиий безагида мустақил элемент вазифасини бажара бошлайди, яъни буюмнинг юзасини асосан эгаллайди. Бу тадбир буюм безагида назарда тутилган тасвирни биринчи планга чиқариш ва композиция яхлитлигини таъминлашга қаратилган.

Ўсимликсимон нақшларга ҳам алоҳида эътибор берилган. Жумладан, анор ва анор туби шохчасини кўп учратиш мумкин. Улар идиш юзасида мустақил ҳолда ҳамда идишнинг чегараларида ёки расмлар чегарасида расм композициясини тугатувчи элемент сифатида ҳам келиши мумкин. Шунингдек, тўлқинга ўхшаб бир нуқтадан ҳамма томонга тенг ёйилган нақшлар буюмнинг, кўпроқ лаганнинг марказий қисмини эгаллаган. Лаган гардиши эса кўп баргли



38 - расм. Самарқанд. XII асрга оид сирланган сопол идишлар юзасидаги гирих, турунж, бахт гирихи, бодом гули каби нақшлар (Ш. Тошхўжаев чизмасидан нусха)

ўсимлик, анор барги ёки равоқчали нақшлар билан айлантирилган (38-расм). Айлана нақшлар ҳам кенг ишланган. Улар идиш юзасининг ўрта қисмини бутунлай эгаллаган. Бундай композиция бир нечта айлана нақшлардан тuzилган бўлиши мумкин. Кўпинча ўртадаги ромб шакли нақши атрофида тўрт айлана тасвирланган композицияни учратамиз. Тўртта, бешта, олтита узун баргли нақшлар ҳам идишнинг марказий юзасини эгаллаган. Бундай композициялар кўпроқ идишнинг қора рангда бўялган заминига ишланган.

Ёзувлар ҳам сирланган буюмларда кенг қўлланган. Улар ликопчалар ўртасида ва гардишида ҳам учрайди. Ёзувлар оддий куфий, гулларга ўхшаб ёйилган куфий дастхати ҳамда бадийлаштирилган насхи дастхати услубида ёзилган.

Г. А. Пугаченкованинг таъкидлашича X—XI асрдан бошлаб Мовароуннаҳрда кулолчилик буюмларига бўлган эҳтиёжни таъминлаш учун рассом-кулоллар билан бир қаторда оддий кулоллар ишлаган маҳсулотлар ҳам истеъмолга чиқарила бошланади. Шунингдек оммавий маҳсулот ишлаб чиқаришда нақш андозаларидан фойдаланиш билан бирга қолипда босма нақш тамғалашга ҳам эътибор берила бошланади.

XII асрда Марв кулолчилик устахоналарида қолипчилик безак бериш усули кенг қўлланилган. Буюмларнинг кенг юзаси қолипда қуйилган. Жумладан, косанинг ярим бўлаги бир қолипда, иккинчиси бошқа қолипда қуйилган. Сўнг улар бирлаштирилган. Кўзаларнинг қолипларда қуйилган қисмлари сўнг чархда, қўлда ишланган жўмрак,

даста каби бўлаклари билан бирлаштирилган. Бўлақлар орасидаги дарзлар ички томондан лой билан жипслаштирилган ва силлиқлаштирилган. Мазкур услубнинг қулайлиги шундаки, у буюм юзасига осонгина нақш тушириш имконини берган (39-расм). Марв кулолчилик буюмлари безагида ранг ўрнига ўйма нақшларнинг юзага келишида меъморчиликнинг таъсири бўлган, чамаси. Чунки X—XII асрларда Ўрта Осиёда, шу жумладан Туркменистонда меъморий обидалар безагидаги композициялар ганч ва безакли ғиштлардан ишланган.



39-расм. Марв. XII асрга оид сопол идиш

XIV—XVII асрлар кулолчилигида тантаналарга мўлжалланган буюмлар етакчи ўринни эгаллайди. Безакларда иссиқ тонлар — рангли бўёқлар ўрнига нафис нақшлар оқ заминда равшан кўк рангда ишланади. Шунингдек сиркор безак сифатида кошин¹ ишлатила бошлайди. Кошин юзасига гул, мева, қуш, балиқ тасвирлари ишланади.

Археолог Д. Мирзааҳмедовнинг ёзишига қараганда, XVII аср иккинчи ярми XVIII аср биринчи ярмида Бухорода ишланган сопол буюмларининг сифати XV—XVI аср сополларидан анча ортда қолади. Уларда бироз дағаллик сезилади. XV—XVI асрларда кенг қўлланилган кошин буюмлар камаяди. Оч қизил, жигарранг, сариқ ва оқ ранглар айрим буюмларда умуман ишлатилмайди. Буюмлар усти жуда юпқа сирланган. Кўпчилик буюмларга умуман нақш берилмайди. Шунингдек, "босма" нақшлар пайдо бўлади. Унда турунж, айланма ҳаракатдаги горизонтал нақш, ислими нақшлар қўлланилади. Кейинчалик эса тирнаб нақш

¹ Кошин — ширали лойга кварц қуми қўшиб тайёрланади ва хумдонда пиширилади. Устига ҳар хил рангда сир суриб, иккинчи марта пиширилади.

чиқариш кенг жорий қилинди. Рангли нақшлар пиёла, коса ички деворларида қўлланилади. Фақат қимматбаҳо идишларнинг ташқи томонига ишлов берилади.

XVIII—XX асрларда иқтисодий аҳволнинг бироз яхшиланиши, сиёсий барқарорлик туфайли сопол буюмларнинг сифати ҳам яхшиланади. XVII аср иккинчи ярми — XIX аср ўрталарида Бухоро сопол буюмларида яна кошин ишлатила бошлайди. Оч сариқ, қизғиш ранг, оқ ангоб, оч кўк, ҳаво ранг, яшил, сариқ, оч қизғиш, феруза ва тўқ қизғиш ранглар, глазур ишлатилади. Коса-пиёлаларнинг ҳам ички, ҳам ташқи томонига нақшлар ишланган. Бошқа турдаги идишларга эса фақат ички безак қўлланган.

XVIII асрдан то XX аср бошига қадар сопол сифати анча яхшиланади. Нақшлар дид билан танланган нафис рангларда ишланади.

Олимларнинг фикрича, XIX аср иккинчи ярмида Риштон-Фарғона кулолчилик маркази Ўрта Осиёда асосий ўринни эгаллайди. XIX аср ўрталарида Риштон кулоллари сопол бадийи безагига янги йўналиш киритадилар. Улар ўз сопол буюмларини Хитой селадон чиннисига ўхшатиб чиқара бошлайдилар. Сопол буюмларнинг феруза ва оқ рангда сирланган юзасига кўк ва тўқ-қизғиш рангларда майда нафис нақшлар ишланади. Риштон буюмлари ташқи девори безагига катта эътибор берилади. Шунинг учун ҳам халқ риштон сопол буюмларини "тантанали" буюм намуналари қаторида кўришган ва тўй-ҳашамларда улардан фойдаланишган. Ўша пайтда Риштоннинг Чиннигарон кўчасида 130 та кулолчилик устахонаси бўлган. Шу устахоналарнинг маҳсулотлари Ўрта Осиёнинг барча шаҳарларида сотилган.

Хум. Археолог Ю. Ёқубовнинг ёзишича, Ўрта Осиё кулоллари ўз маҳсулотларини ҳажми жиҳатидан уч турга бўлганлар. Масалан, хум, нимхум (ярим катталиқдаги хум), хумча (кичик ҳажмдаги хум). Бундай бўлинмаларнинг илк ўрта асрларда ҳам бўлганлигидан Гардани Ҳисор, Қум шаҳарчаларидан топилган хумлар гуи ҳлик беради. Мазкур шаҳарчалардан топилган хумларда уларнинг ҳажми ёзиб қўйилган. Тадқиқотчи Е. Пешереванинг ёзишича, катта хумга 20 пақир сув кетган, бундай хумни "думашка"— икки "мешли" (қўй терисидан тикилган сув ташигич) хум дейишган. Нимхум — "якмашка" бир мешли хумчада эса ёғ, қатиқ сақлашган.

Катта хумларда буғдой, сув, вино ҳам сақланган. Вино сақланадиган хум икки марта пиширилган. Бир марта шундайлигича, иккинчи марта сирлаб пиширилган. Уларни ерга

кўмиб, оғзини маҳкам ёпиб ташлашган. Кўзалар тузилиши асрлар давомида ўзгаришсиз сақланиб келган. Жумладан, милоднинг биринчи асрига оид Самарқанд кўзаларининг тузилиши IX асрга доир кўзаларга жуда ўхшайди.


Сут-қатиқ кўзачалари. Тоғ ҳудудларида чорвачилик ривожланганлиги сабабли сут, қаймоқ, қатиқ, ёғ сақлаш учун турли ҳажмдаги кўзачалар ясалган. Улар тик, пастқамроқ, қорни кенг, бўйни узун, бир ёки икки дастали бўлган. Аксариятининг оғзи катта ишланган. Кундалик рўзгорга ажратилган ёғни сақлаш учун кружкага ўхшаш дастали кичкина идиш ясалган.

Сув ташиш кўзалари. Сафарга отланган кишиларга мўлжалланган кўзалар бир томони текис, иккинчи томони гумбазга ўхшаб кўтарилган. Текис томони йўловчи белига, ён томонига осиб қўйилган. Унинг оғзи кичкина, иккита дастаси бўлган. Кўзачалар тузилиши асрлар давомида ўзгармаган. Шундай тузилишдаги кўзача IV—I асрларда Хоразмда, III—IV асрларда Чирчиқ ва Бўзсув каналлари оралиғида, VII—VIII асрларда Варахшада, IX—X асрларда Пайкандда бўлганлигини археологик материаллар тасдиқлайди. Улар юзасига нақш қолипда ишланган.

Тожикистоннинг Қоратегин, Ховалинг тоғ воҳаларида далага сув ташиш учун "қил-қилак" номли кўзача ишланган. Кўзача айнан ошқовоққа ўхшайди. Баландлиги 25—30 см. Оғзи кичкина, дастаси бор. Оғзи кичкина бўлганлиги сабабли сув қил-қил товуш чиқарган. Шунинг учун қил-қилак деб номлашган.

Сув ичадиган идишлар. XX аср бошига қадар пиёла ва косадан ташқари сополли махсус дастали идишлардан фойдаланилган. Дастали идиш ҳозирги кружкага ўхшаб кетади. Тошкент воҳасидан V—VIII асрларга доир дастали идишлар топилган. Улар бокалга ўхшаб деворлари тик, доирасимон шаклда кўтарилган. Идиш туби текис, ёйсимон кўринишда бўлган. Шунингдек жўмракли идишлар ясалган.

Ичимлик сақланадиган идишлар. Дастурхонга ичимлик қўйиш учун ўрдакка ўхшаш формадаги идиш қўлланилган. Мазкур тузилишдаги идишга қадим замонларда кўпроқ шароб қўйилган (40-расм). Унинг тузилиши функция жиҳатидан қулай бўлганлиги сабабли XX аср бошларигача ўзгармасдан келган. Жумладан, VII—VIII асрларга доир ўрдаксимон идиш — Мунчоқтепа маконидан, X асрга доир шундай идиш Қалъаи Қаҳқаҳадан (41-расм), X—XII асрларга доир ўрдаксимон идиш Самарқанддан топилган.




40 - расм. Зооморф тузилишли сопол идишлар: 1,2. — Қоратегин; 3— Искандарқўл; 4— Файзобод; 5— Искандарқўл, Саритог қишлоғи; 6— Ховалинг; 7— Дарвоз; 8— Ургутнинг қадимий гўрқўргони; 9— Мунчоқтепа (X—XII асрлар) дан топилган (Е. М. Пешерева чизмасидан нусха)

Шундай идишлар XX аср бошларида Самарқандда, Ғиждувонда, Риштонда ва тоғ ҳудудларида ясалган.

Товоқлар қуюқ овқат тортишга мўлжалланган. Товоқлар катта кичиклиги ва деворларининг тик, ётиқроқ ёй шаклида кўтарилганлиги билан ажралади. Шаҳрисабзда товоқлар каттакичиклигига қараб товоқча, шоҳ-косача, шоҳкоса, Самарқандда эса шокоса деб номланган. Тошкентда девори ярим доира шаклида кўтарилган ҳолда ишланган товоқлар кўп учрайди.

Косалар. Бир литргача суюқлик учун мўлжалланган идиш коса деб юритилган. Косаларнинг тузилиши ҳар хил бўлган. Деворлари тик ёки ётиқроқ ҳолда кўтарилган, лаби текис қирқимли ва баланд таянчга эга бўлиши мумкин. Самарқандда баланд оёқли коса "косаи пошнадор" дейилиб, унда қатиқ сузиб дастурхонга қўйишган. Ғиждувонда меҳмонларга ва оила аъзоларига байрам кунлари овқатни




41-расм. Қалъаи Қаҳқаҳа. IX асрга оид сирланган сопол сув баланд оёқли косага сузишган (42-расм). Риштонда мева сақлаш учун қопқоқли коса ишланган.

Пиёла. Афросиёбдан топилган XI асрга оид пиёлалар ичида чуқур ва саёзлари учрайди. Уларнинг чуқурлиги инобатга олинмаган ҳолда саёз пиёла лаби эгилган, чуқур пиёла лаби тик тугатилган бўлиши мумкин. XVIII асрга



42-расм. Гиждувон сопол буюмлари: 1—2—баланд оёқли косалар; 3—муз солинган қатиқ ёки сувга мўлжалланган идиш; 4—5—косалар; 6—икки-уч кишига суюқ овқат сузишга мўлжалланган идиш; 7—қуоқ овқат сузиладиган идиш (Е. М. Пешерева чизмасидан нусха)



43-расм. Афросиёб. Қўш деворчали сирланган сопол сиёҳдонлар (Г. В. Шишкина чизмасидан нусха)

панжарали бўлган IX асрга оид сиёҳдон Бинкатдан ҳам топилган. Унинг ҳамма қисми яшил рангга бўялган.

Сиёҳдонлар композицияси ранг билан ҳам бойитилган. Уларнинг ички девори тўқ рангга бўялган. Бу эса ташқи девор конструкциясининг баҳаво кўринишига ижобий таъсир кўрсатган.


Чироқлар. Сополдан ишланган чироқлар ўзининг тузилиши билан металл чироқлардан ажралиб туради. Афросиёбдан топилган чироқларни археолог Г. В. Шишкина 17 турга бўлади. Чироқларнинг оддийроқлари ётиқроқ қайиқча ёки кавуш формасида бўлиб, бир-биридан чўзинчоқлиги, катта-кичиклиги, дасталарининг формаси ва жойланиши билан фарқ қилади. Бундай чироқлар тури еттита. Яна еттита тури бир кавушли бўлиб, улар тўрт қисмдан (ликопча, таянч, боғич, даста) ташкил топган (44-расм). Улар қадақ

доир Бухоро пиёлаларининг аксарияти ичи чуқур ва лаби ташқари томонга эгилган.

Сиёҳдонлар. Кичкина бўлишига қарамасдан, ўзига хос кўринишга, безакка эга. Афросиёбдан топилган сирли сопол сиёҳдонлар фикримизнинг исботи бўла олади. Бу сиёҳдонларни бир, икки ва беш ўйиқчали турларга бўлиш мумкин. Кўпчилигида сиёҳ турадиган ўйиқча атрофи ташқи безакли деворча билан айлантирилган (43-расм). Ташқи девор ўзининг жим-жимадор, ромбсимон, тоқчасимон, учбурчак доира каби туйнукчалари орқали сиёҳдоннинг ички девори билан боғланиб, сержило композиция яратади. Ташқи девори

(бокал) тузилишига эга. Қолганларида чироқ учта кавушдан иборат бўлиб, иккитасининг вертикал дастаси мавжуд.

Чироқлар безакдан холи эмас. Дастали жимжимадор чироқнинг асосий қисми қавариқли юзалар ва учбурчак нақшлар билан тўлдирилган. Кўп кавушли чироқларда кавушлар оралиғида тойчоқ боши ҳайкалчалари жойлаштирилган.



44-расм. Афросиёб. Сопол чироқлар
(Г. В. Шишкина чизмасидан нусха)

Чироқдон (таглик). Чироқ ўрнатиш учун қўчқор тасвири тузилишидаги тагликлар ҳам бўлган. Шундай тузилишдаги милод аввалига оид тагликдан иккитаси Булоқбоши маконидан (ҳозирги Қўшрабод ёнида) топилган. Иккаласида ҳам таглик икки томони қўчқор бошига монанд қилиб ишланган. Қўчқорчаларнинг бел қисмида ёғ қуйиш, пилик ўрнатиш учун қайиқча тузилишидаги ўйиқча мавжуд.

МЕТАЛЛ БУЮМЛАР

Металл Ўрта Осиёда жуда қадим замонлардан буюм, безак буюмлари ишлашда қўлланилган. Жумладан, милодгача III—II минг йилликларда металлдан безакли буюмлар ишланган. Амалий санъатда асосан мис ишлатилган. Ўрта Осиёда мис Қурама тоғларининг жануби—ғарбий қисми ва Нурота тоғларидан олинган. Қадимда мисгарлар соф мисни совуқ ҳолда ишлатишган, кейинчалик мис ва қалай қотишмасидан ҳосил бўлган бронзани ишлатганлар. Мис буюмлар икки усулда — мисни эритиб қуйиб ёки болғалаб ясалган. Мис буюмлар бир неча мутахассис қўлидан ўтган. Жумладан, мисгар—мис идишларнинг ички ва ташқи сиртларини қалайлаган, рихтгар—идиш дастаси, қопқоғини, жўмрак ва бошқа қисмларини ясаган, кандакор — нақш ўйиш ишларини бажарган.

Эллинизм даврида Ўрта Осиёга грек санъатига хос сюжетлар кириб келади. Улардан айримлари шу ерда маҳаллий усталар томонидан грек санъатига хос услубда ишланган. Жумладан, милод бошларига оид идишлардан бирида Эврипид драмасига доир жанр ўз ифодасини топган. Идиш ўртасида учишга шайланган бургут расми атрофида одамлар тасвирланган.

Л. И. Ремпелнинг ёзишича, VI—VIII асрларда Ўрта Осиёда металл буюм ишлашда янги, ўзига хос хусусиятларга эришилади. Сўғд, Хуросон ва Хоразм мактаблари юзага келади. Уларга Фарғона водийси ва Шимолий Туркистон қўшилади. Бу мактабларда маҳаллий анъаналар қўшни мактаблар таъсирида шаклланади. Шу ўринда битта мисол келтирамиз. Эрмитажда сақланаётган кумуш кўзада қанотли туя расми тасвирланган. Унда қадимий Хоразм ёзувлари мавжуд. Кўҳна Хитой қўлёзмаларида айтилишича, Бухоро шоҳлари қанотли туя тасвирланган тахтларда ўтиришган. Бу фикр Варахша деворларида қисман сақланиб қолган тасвирларда ҳам ўз ифодасини топган.

IX—X асрларда кандакорлик санъатига ҳам ислом динининг таъсири катта бўлган. Буюмлар юзасида ўсимликсимон

нақш билан араб дастхати ишлатиш одати кенг тарқалган. Маворауннаҳрдан топилган X асрга оид Хумортегин жоми, Хуросондан топилган тумшуғида шохча тишлаган қуш тасвири ишланган кўзача, Хоразмда XII асрда ишланган идиш бунга мисол бўла олади. Охириги идиш юзасида базмда ўтирган эркак расми атрофида ёзувлар ҳам бор.

X—XII асрларда бадийий металл буюмлар кенг омма талабини қондиришга мўлжаллаб ишлаб чиқарилган. Буюмлар бир-бирига ўхшаб кетади, лекин уларнинг ҳар қайсисида ўзига хос бадийийлик сақланади. Ёзув безагида араб дастхати ва ўсимликсимон нақшлар бўлиб, идишнинг кўп қисмини эгаллайди. Жумладан, Кўҳна Аёздан топилган XII асрга оид дастали бронза идиш юзаси қатор ҳалқа безак билан айлантирилган. Қаторлардан иккитаси ёзувлар билан тўлдирилган (45-расм).

XI—XIII асрларда Ўрта Осиё кандакорлик мактабларида ёзув кенг қўлланилган, бу эса мактаблар орасидаги кескин фарқнинг йўқолишига сабаб бўлган. Мавзули (сюжетли) тасвир бутунлайича йўқолмайди. У янгича мазмунга эга бўлади. Кўп сюжетлар қадимий буюм тасвирларидан олинади. Қадимий эпосларга оид саҳналар XI—XIII аср тасвирий санъатининг фольклор жанрига хос хусусиятни эгаллаб, лирик-романтик шеърят жанрига яқинлашади.

Кандакорлик санъати топилган XII асрга оид бронзали идиш XIV—XV асрларда мўғуллар истилосидан сўнг айрим жойларда сақланиб қолган, лекин Амир Темур ва темурийлар даврида барча жойларда авж олган.

Кандакорлик санъати XVI—XIX асрларда темурийлар даври санъатига хос услубда ривожланди. Халқ амалий санъати билан бойитилиб, янги, ўзига хос мактаблар ва йўналишлар касб этди. Кандакорлик ишлари бажарилган мис буюмлари кенг истеъмолга киради. Буюмларнинг турлари ва шакллари кўпаяди. Айрим буюмларга жуда кўплаб майда нақшлар ишланади. Шу билан бирга нақшсиз бу-



45-расм. Кўҳна Аёздан топилган XII асрга оид бронзали идиш


юмлар ишлаш ҳам кенг тарқалади. XIX асрда ва XX аср бошида ишланган бир хил буюмлар шаклида қисмлар мутаносиблигига амал қилинмаганлиги, ортиқча безак элементларининг мавжудлиги сезилади (обдаста, дастшуй, ўсмажўшак ва бошқалар).

Зооморф идиш. Панжакентдан топилган VIII асрнинг биринчи чорагига оид идиш зооморф тузилишга эга. У кўпроқ туя кўринишини эслатади. Баландлиги 22 см. Унинг учта оёғи бор. Олдингилари ҳайвон оёғига ўхшатиб ишланган. Бўйни узун, туя бўйнига ўхшаб кетади. Иккита қулоғи бор. Идиш оғзи гардиши танасидан бироз кўтарилган ва ҳалқа дастали қопқоқ билан ёпилган. Унинг дастаси ҳам оддийроқ. Идиш дастаси, оғзи, қопқоғи, оёқлари бироз архаик тузилишда ишланган бўлишига қарамасдан, унинг умумий композицияси функционал вазифасига тўлиқ жавоб беради. У мум қолипда қуйилган (46-расм).

Мис қозон. Мисол тариқасида Хожа Аҳмад Яссавий масжиди ичидаги қуйма қозонни кўриб ўтамиз. У ярим сферик тузилишда бўлиб, цилиндрга ўхшаш тагкурсига эга. Қозоннинг ташқи юзаси беш қатор нақш ва ёзувлар билан тўлдирилган.

Биринчи қатор (юқоридан пастга) кенг ёзувли юзани ташкил қилади. Унда пайғамбаримизнинг: "Кимки Аллоҳ сарчашмасидан баҳраманд бўлиш учун иморат қурса, у одамнинг мартабаси баланд бўлади. Аллоҳ унга жаннатда ҳовуз қуради" деган ўғитлари бор.


Иккинчи қатор юзаси нисбатан торроқ бўлиб, у 20 қисмга бўлинган. Улардан ўнтасида навбатма-навбат кичкина қубачалар, қолган ўнтасида дасталар ўрнатилган. Қисмлар юзасида ўсимликсимон нақшлар, муборакбод сўзи куфий услубида тоза юзада ўн марта, ислими нақшли юзада саккиз марта, қолган иккитасида уста Абд ал-Азиз Шарофиддин Табрзий ўғли уста Абдул Азиз томонидан 1399 йилда ишлангани ёзилган. Учинчи қатор юзасида "ал-мулк Аллоҳ" сўзи 22 марта қайтарилган. Тўртинчи қатор кенглиги қозоннинг қарийб ярим баландлигини эгаллайди. Қаторнинг юқори қисмида ўнта учбурчак шаклида-



46-расм. Панжакент. Зооморф идиш

ги ислими нақши ва қолган қисмида 20 та қуббачалар жойлаштирилган. Қозоннинг пастки қисми ингичка қатор билан тугатилган.

Чироқлар. Энг қадимий чироқдонлар бизгача сақланиб қолмаган, лекин VIII асрнинг биринчи чорагига оид чироқ Панжакентдан топилган. У дастали, кўриниши оддий. Пастки қисми тиркагичсиз




47-расм. Кўп ўйиқчали чироқ


тўнтарилган ликопчани эслатади. Шунга ўхшаш чироқлардан Ҳиндистонда диний маросимларда фойдаланишган. Ўрта Осиёда XI—XII асрларга оид чироқларнинг тури кўп бўлган. Кўп хоначали (47-расм), тўғри тўртбурчак шаклида, қопқоғи майда нақш билан безатилган, айлана шаклдаги таянчли, дастали ва бошқа чироқлар ҳақида маълумотлар бор. Баланд таянчли чироқ Ўрта Осиёнинг кўп жойлари (Ахсикет, Данданакон, Лағмон)дан топилган. Улар бир нечта қисмдан иборат. Пастки қисми, оғзи пастга тўнтарилган, ярим доира идишга ўхшаб кетади. Унинг учта оёғи бўлиб, улар қуш тасвирига ўхшатиб ишланган. Чироқнинг юқори қисми ликопча бўлиб, 38—60 см баландликдаги даста билан бирлаштирилган. Мазкур чироқлар қолипларда бронзадан қуйилган (48-расм). Айрим жойларда мураккаб тузилишдаги дастали чироқ учрайди. Жумладан, Тороздаги¹ (Қозоғистон) чироқларнинг пастки қисми икки дастали кўзага ўхшаб кетади (49-расм). Эрмитажда сақланаётган XI—XII асрларга оид бронза чироқлар нафис тузилишга эга. Улар пойкурси ҳисобига тик (вертикал) композицияни ташкил этади. Ёғ сақлайдиган қисми қопқоқча билан ёпилади. Қопқоқча ва дасталарнинг устки қисмига қушча ҳайкалчаси ишланган.

Туркистондаги Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасидан XIV—XV асрларга оид олти бронзадан ясалган чироқ топилган. Улар мураккаб кўринишга эга. Чироқларнинг ҳар қайсиси ўн ва ундан зиёд ҳалқасимон қисмлардан иборат. Ҳалқалар пастдан юқори томон ингичкалашиб

¹ Тороз — ҳозирги Жамбул.




48-расм. Тоҷикистоннинг
Лағмон шаҳарчаси. XI—XII
асрларга оид чироқ
(Б. А. Литвинский,
В. С. Соловьевлар
реконструкциясидан нусха)




49-расм. Қозғистон. VIII—X
асрларга оид чироқ

боради. Уларнинг юзаси ўсимликсимон нақш ва чиройли сулс услубидаги ёзувлар билан тўлдирилган. Ҳалқалар ярим доира, кўп қиррали, ётиқроқ қирқимга эга. Ёзувларда Амир Темур ҳақиға бағишланган дуолар битилган ва чироқни Тождидин Исфағоний ўғли Иззаддин томонидан 739 йил рамазон ойининг йигирманчи куни ясалгани ёзилган. Шунингдек, ҳалқалар тўрт баргли ўсимликсимон учбурчак, доира шаклида очилган гул ва ўсимликсимон нақшлар билан тўлдирилган. Мазкур чироқларнинг кўринишлари уларнинг бажарадиган вазифаларини яққол ифодалайди. Улар бебаҳо амалий санъат дурдонаси даражасига кўтарилган (50-расм).

Ўсмажўшак. Хосияттепадан топилган VIII асрга оид иккита ўсмажўшак қозонга ўхшаш бронза идишчадан ва узунчоқ тарновдан иборат. Биттасининг дастаси қайчи



50-расм. Туркистон.
Хожа Аҳмад Яссавий
мақбарасидаги чироқ




51-расм. Ўсмажўшак
(муаллиф чизмаси)

дастасига, иккинчисиники уч баргли гулга ўхшайди. Қадимий ўсмажўшаклар оёқсиз бўлганлиги учун фойдаланмаётганда уларни қўлда ушлаб туриш лозим бўлган. XIX асрга оид ўсмажўшак учта оёқчага ўрнатилган. Идиш юқоридан қараганда қанот ёзиб учаётган қушни эслатади (51-расм). Унинг бўйни узун ариқчали тарнавани эслатади. У қош бўяйдиган чўпни қўйишга мўлжалланган. Ўсмажўшакнинг ҳажми каттароқлари ҳам бўлган. Шунингдек мураккаброқ тузилишдагиси ҳам учрайди.

Сатил – мис пақир (челак). Ўзбекистон санъат музейида Бухорода ишланган XIX асрга доир сатил сақланмоқда. Сатил узунчоқ тузилишга эга. Унинг умумий кўриниши қавариқли. Жарқўрғон минорасини эслатади. Сатил 16 та ёйсимон қавариқдан ташкил топган. Қавариқли сатил пастки ва юқори қисми доира ҳалқа шаклида тугатилган. Сатилнинг тузилиши унинг функциясига тўлиқ жавоб беради. Сатилнинг узунчоқлиги, яъни диаметрининг кичиклиги унинг сув ташишга қулай бўлишини таъминлайди.

Қавариқли бўлиши, биринчидан, сувнинг чайқалишига тўсқинлик қилса, иккинчидан, сувнинг салқин сақланишига ёрдам беради. Чунки сатил юзасидаги қавариқлар қуёш нури тик тутишдан сақлайди.

Сиёҳдон. Мунчоқтепадан топилган XI—XII асрларга оид бронзали сиёҳдон деворида ислими нақшлар ёрдамида доиралар ишланган. Учта доира марказига чордона қуриб ўтирган хаттот расми ишланган. Доиранинг қолган қисми ҳам нақшлар билан тўлдирилган. Расмга тўлдирилган доиралар атрофи ҳам нақшлар билан ажратилган ва бурчакларида чордона қуриб ўтирган одам тасвири ифодаланган (52-расм).



52-расм. Мунчоқтепадан топилган бронзали сиёҳдон нақши (XI—XIII асрлар)

Мазкур сиёҳдон қопқоғининг қубба қисмига ҳам одам ва баргсимон гул расмлари навбатма-навбат ишланган.

Ўзбекистон Фанлар академияси музейидаги сиёҳдон ҳам тарҳда айлана тузилишга эга. Қопқоғининг ўрта қисми қубба шаклида кўтарилган. Сиёҳдон деворига равоқ остида оёқларини чордона қуриб, кўлида қалам ушлаб ўтирган хаттот расми ишланган.

Тожикистонда ўрта асрларга оид Шаартуз шарчасидан топилган бронза сиёҳдон девори бўйлаб айлантирилган кенг ҳалқа учта доирани ташкил қилади. Доиралардан иккитасига ўтирган аёл сурати ишланган. Улардан биттасида аёл олдинга, иккинчисида ён томонга қараган.

Мискоса. Қопқоқли ва қопқоқсиз бўлади. Қопқоқли мискоса тасвири ўрта аср миниатюраларида ҳам учрайди. Шундай қосани "Барбод Хусрав ҳузурда саз чалмоқда" миниатюрасида кўрамиз. Бухоро усталари томонидан XX аср бошларида ишланган мискоса қопқоғининг ўрта қисми гумбаз шаклида кўтарилган. Унинг ўртасига хўроз ҳайкалчаси уланган. Коса гардиши ва таянчи ўсимликсимон нақшли ҳалқа билан айлантирилган. Қопқоқ юзаси бутунлай ўсимликсимон нақш билан тўлдирилган.

Дастшўй. Тузилиши унинг функциясидан келиб чиққан. Дастшўй қўл ювиш учун қўлланилган. У катта оғизли думалоқ идишдан ва воронқасимон доира қисмлардан ташкил топган. Дастшўй оғзи панжарали қопқоқ билан ёпил-




53-расм. Бухоро. XIX асра оид дастпуй

ган. Унинг ўрта қисмида қубба шаклидаги дастачаси мавжуд (53-расм). Дастшўй доира қисмининг кенг ва бироз ўртага нишаб қилиб ишланишидан мақсад — сувнинг ташқарига сачрамасдан, идишга тез оқиб тушишини таъминлаш бўлган. Дастшўй безагига катта эътибор берилган. Унинг доирасимон қисми гардиши саккизбурчак ёки ёсимон тузилишда ишланган. Саккиз бурчак дастшўй — Хива усталари, ёсимон қавариқ гардишли дастшўй Қарши кандакорлари томонидан кўпроқ ишланган. Қарши кандакорлари ишлаган дастшўйлар ўзининг ёсимон тузилиши ва юзасидаги бир неча қатор ёсимон ҳалқалари билан қийғос очилган атиргул тасвирини эслатади.

Обдаста (офтоба, қумғон). Ҳар жойда ҳар хил тузилишда ишланган. Қарши кандакорлари ишлаган обдасталар узун жўмраги, қопқоғининг кенг ва ётиқлиги, доира шаклидаги идишининг бироз ётиқроқлиги билан ажралиб туради. Хива офтобалари қоринчаси нокка ўхшаб юқорига ингичкалашиб боради. Улар дастасиз, қопқоғи ҳам ихчам ишланган. Қўқон офтобаларининг думалоқ қисми кўпроқ тарвуз кўринишига ўхшаб вертикал қавариқсимон юзаларга бўлинган. Уларда жўмрак ғоз бўйнига ўхшаш тузилишга эга. Қўқон мисгарлари обдаста (офтоба)ни уч турга (бодомча, қашқарча, қанотли) ажратишади. Бодомча — бўйи новча, асосий қисми бодомга ўхшайди. Қашқарча — кичикроқ, қорни юмалоқ, нақшли ва нақшсиз бўлади. Қанотли — қорни япалоқ, пошнаси энли бўлади. Ўрта Осиёдаги обдасталарни шакли ва безагига қараб "Жаъфари обдаста", "Гулдор обдаста", "Тўғри жўмракли обдаста", "Эгри жўмракли обдаста", "Ўрдак обдаста", "Товус обдаста" каби турларга бўлиб чиқишган.

Мистовоқ — юзи ёйиқ ва кенг идиш. Қўқон мисгарлари мистовоқни уч турга бўлишган: Лавхури — лаби қайтарилган. Дулава — тузилиши лавхуридагидек, лекин лаби қайрилмаган. Қошиқлик — гардиши йўнилган, унга қошиққа ўхшаш гуллар солинган. Бундай улкан мистовоқларнинг юзаси майда ўсимликсимон, ҳандасавий нақшлар билан тўлдирилган.

Чойжўш — чой қайнатиладиган мис идиш. Улар ҳар жойда ҳар хил тузилишда бўлган. Қўқонда чойжўш бироз тик композицияга эга. Унинг қорни қавариқли гумбаз шаклида ҳам ишланган. У кўпроқ саримсоққа ўхшаб кетади. Фарғона чойжўшлари катта-кичиқ ва кўп қиррали. Дастасининг пастки қисми орқага эгилиб, илон бошига ўхшатиб тугатилган. Чойжўшларда жўмраклар бўлмаган.



54-расм. Бухоро. Чойжўш

Унинг жўмраги чойжўш тана-
 насидан учбурчак қирқими-
 да атиги бир сантиметр
 кўтарилган ҳолда юқорига
 йўналган. Фарғона чойжўш-
 ларининг қопқоғи қуббали
 гумбаз тузилишида ишлан-
 ган. Гумбаз юзаси майда
 нақшлар ва кичик тешикча-
 лар билан безатилган. Чой-
 жўшларнинг ҳамма қисми
 ўсимликсимон нақшлар би-
 лан тўлдирилган (54-расм).


Исириқдон — чуқурроқ
 идишдан иборат. У тўртта
 оёқчага эга. Идиш қопқоғи
 ўртаси очилмаган лола ёки
 пахта кўсагига ўхшаш тузи-
 лишга эга. Исириқдон қопқоғи панжара шаклида майда
 тешикчалардан ташкил топган. Тутун тешикчадан
 ташқарига тарқалган.

Чилим — асосан катта-кичиклиги билан фарқ қилади.
 У қовоққа ўхшайди. Ичига сув солинади. Унинг сархона-
 сига тамаки солинган ва юқорида ён томондаги найчадан
 чекилган.

Чилимларнинг кичикроқ ҳажмда, оддий нақшу нигорсиз
 мисдан ишланган турлари бўлган. Шунингдек бой нақшу
 нигорли чилимлар ҳам учрайди (55-расм). Нақшли чилим
 ҳажми каттароқ бўлиб, у икки қобиқдан ташкил топган.
 Ташқи қобиқ ўртаси тик йўналишда кенг очиқ
 бўлинмалардан ташкил топган. Чилим ўртаси бир ёки
 икки горизонтал белбоғ билан тортилган. Чилим тешик-
 чалари атрофи жимжимали доиралар билан ўралган.
 Шунингдек, пастки ва юқори қисми, белбоғи кўзгули,
 қимматбаҳо тошли, юраксимон, доирасимон шаклли тақин-
 чоқлар билан безатилган.

ШИША БУЮМЛАР

Археологик маълумотлар шишанинг Ўрта Осиёда ми-
 лоддан аввалги икки мингинчи йилларда ҳам мавжуд
 бўлганига гувоҳлик беради. Қуйи Зарафшонда Замонбобо
 маконидан топилган шиша тақинчоқлар бунга мисол
 бўлади. Бу даврга доир топилдиқ шиша идиш турларининг
 турли-туманлиги ва кўп ҳудудларда мавжудлиги милодгача
 шишасозлик санъати ривожланганлигидан гувоҳлик бе-



55-расм. Чилим

ради. Ўрта Осиёда шишасозликнинг ривожланишига элли давлатларининг таъсири бўлган, албатта.

Археологлар томонидан очилган устахоналар ҳам Ўрта Осиёда илк ўрта асрларда шишасозлик саноати ривож топганига яққол далилдир. IX—XIII асрларга келиб, шиша ишлаш саноати янада авж олди. Афросиёб, Панжакент, Қува, Ахсикет, Қувасойдан мазкур даврга оид кўплаб шиша ишлаш устахоналари топилган. Ўрта Осиёда шиша буюм ишлаш марказлари Туркменистоннинг Нисо ва Марв шаҳарларида, Тожикистоннинг жануб қисми — Хулбукда, Фарғонанинг Ўзгент шаҳрида, Термизда, Бухоро вилояти-нинг Варахша шаҳрида, Қозоғистоннинг жануби — Торозда бўлган.

Ўрта Осиёда IX асрда шиша усталари қум ва ишқорли ўсимлик кулидан, кейинчалик шўрланган қум ва тупроқдан фойдаланишган. Археологларимиздан А. Абдуразоқов, М. Безбородов, Е. Давидович ва бошқалар топган шиша буюмлар синигининг аксарияти сопол, мис буюмларга ўхшаб кетади. Қизиғи шундаки, айрим буюмлар ўзининг тузилиши билан ҳозирги замон буюмларига жуда ўхшайди (56-расм). Улардан айримларига тўхталиб ўтамиз.

Икки дастали кўзача (флакон). Уларнинг уч хил тузилишдаги тури Туркменистондаги Нисо шаҳри харобаларидан топилган. Биринчиси икки дастали нокка ўхшаш тузилишидаги кўзачадир. Унинг пастки қисми учлироқ қилиб ишланган. Иккинчи турида идиш тузилиши пастдан



56-расм. Хулбук. Шиша идишлар (Е. А. Давидович чизмасидан)

юқорига торайиб боради. Учунчисида идиш елкалари қир-раси ёй шаклида эгилиб, пастга қараб бирданига торайиб борган. Идиш юзаси ботирилган доирачалар билан безатилган. Кўзачалар сариқ, яшил, оқ кўпикли шишадан ясалган.

Шиша кўзача (графин). Хулбукдан топилган идиш ҳозирги замон графинини эслатади. Идиш девори қалқонсимон ва доирага ўхшаш нақшлар билан тўлдирилган. Графинга ўхшаш шиша кўзачанинг бўйин қисми Туркменистоннинг Ҳовуз Хон қалъа шаҳарчаси харобаларидан топилган. Унинг узун бўйни думалоқ қисмига ёй шаклида эгилиб, қўшилиб кетади. Идиш бўйни бўртиб чиққан ҳалқачалар, танаси тўлқин йўналишдаги ҳалқалар (бўртма чизиқ) билан безатилган. У яшил рангдаги, кам кўпикли шишадан ишланган. Графинга ўхшаш шиша идиш Самарқанддан ҳам топилган.

Ликопча (тарелка). Уларнинг умумий кўриниши ҳозирги ликопчалардан фарқ қилмайди. Улар ҳар хил катталиқда бўлган. Хулбукдан топилган ликопча диаметри 24—25 см, Пойканддан топилган диаметри 48 см ни ташкил қилади. Улар гардишидаги доира кенглиги 2,8—4,0 см.

Коса. Катта-кичиклиги, деворларининг тик ёки қия тушгани билан ажралган. Коса гардиши 10—18 см, баландлиги 2—10 см гача бўлган. Кўп учрайдиган косаларнинг диаметри 11—16 см, баландлиги 4—5 см. Уларнинг девори кўпинча қия шаклда пастга тушган.

Қулоқли идиш (кружка). Кулдортепадан ҳозирги темир кружкага ўхшаш дастали идиш топилган. Қулоқли идиш юпқа кўкишроқ ва майда кўпикли шишадан ясалган.


Товоқлар. Хулбук харобасидан топилган товоқлардан биттасининг гардиши ҳалқалар билан айлантирилган. Қулдортепадан товоқ қопқоғи топилган. Бу топилмалар ўрта асрларда шишадан қопқоқли товоқ ишланганлигидан далолат беради.

Стакан. Хулбукдан ҳозирги стаканга ўхшаш идиш топилган. Унинг юқори қисми бешта ҳалқа билан, пастроғи учта ҳалқа билан айлантирилган. Панжакентдан ҳам бир нечта шундай идиш топилган. Айримлари сариқ, кўк-яшил рангли шишалардан ишланган.

Пиёла. Кенг тарқалган. Катта-кичиклиги ва тузилиши билан ажралган. Уларнинг диаметри 6—12,6 см, баландлиги 4—8 см ни ташкил қилган. Пастки қисми худди стакан, кружкалардагидек текис ёки ёйсимон тузилишдаги пиёлалар кўп учрайди.

Қадаҳ. Кўриниши, тузилиши билан ҳозирги бокал ва қадаҳлардан кам фарқ қилади. Уларнинг бир неча тури Афросиёбдан топилган. Уларнинг барчаси узун оёққа эга. Оёқ даста вазифасини ҳам бажарган (57-расм). Ҳар хил турдаги қадаҳларни қадимий деворий суратларда ҳам учратиш мумкин. Жумладан, қадаҳ ушлаб турган одам тасвири қадимий Панжакент деворий суратларида учрайди. Расмда қадаҳ оёғи пастга томон кенгайиб тушган.

Қошиқ. Косондан топилган VIII—IX асрларга оид қошиқлар узунлиги 29 см, дастаси ҳозирги жимжимадор, дастали қиммат қошиқларни эслатади. Қошиқ дастаси ўрта қисмида иккита тасмани айлантиргандек уч доира ҳосил қилинган. Сўнг яна қўшилиб, барг шаклида тугатилган. Дастаси морпеч — ўрама нақш билан безатилган қошиқ Самарқанддан ҳам топилган.



57-расм. Қува-1 ҳамда Тошкент-2 музейида сақланаётган шиша қадаҳлар

Шишадан сиёҳдонлар, тувак, сумаклар ҳам яшашган.

Сиёҳдонлар Афросиёбдан, Қувадан, Қалъаи Муғдан топилган. Шиша сиёҳдонлар ҳажми кичкина бўлган. Жумладан, Қува ва Қалъаи Муғдан топилган сиёҳдонлар баландлиги 2,3—2,5 см, диаметри 2,5—2,7 см, Афросиёб сиёҳдонлари баландлиги 3,5—4,5 см, диаметри 4,5—5 см атрофида бўлган. Шунинг учун ҳам улар ганчдан, ёғочдан ишланган ўйиқчали махсус таянчга ўрнатилган.

ТОШ БУЮМЛАР

Қимматбаҳо мармар тошлар Ўрта Осиёнинг бир қанча жойларидан қазиб олинади. Жумладан, оқ, оч сариқ ва қора мармар тоши Молғузор тоғ тизмасидан, нафис пушти ранг мармар Нурота тоғ тизмасининг Ғазғон конидан, кварцит — қумтош Чотқол, Қурама тоғ тизмаларидан, нефрит Хўтан, Ёркент шаҳарлари атрофидаги Куэн Лун тоғ тизмасидан, лазурит — кўк рангли минерал тош Бадахшон (Помир) тоғларидан олинган. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 34 та катта ва кичик мармар кони бор. Мармар конларида қатлам-қатлам бўлиб ётган табиий тошларни кесиб олишда биринчи навбатда олинadиган тош бўлаги чизиқлар билан

белгиланади. Белгиланган чизиқлар бўйлаб ҳар 10—20 см да темир поналар қоқилган. Борди-ю, олинадиган тош қатлами қалин бўлса, худди шу услубда ён томонидан ҳам маълум қалинлик белгиланиб, пона қоқиб чиқилган. Натижада поналар чизиги бўйлаб ҳосил бўлган дарзлар темир лом — мисран ёрдамида кенгайтирилган ва қатламдан ажратилган тош бўлаги кўтарилган, сўнг ёғоч таянчлар устига суриб қўйилган. Сангтарошликда паркор (циркуль), бигиз — бир учи ўткир металл таёқча, қалам — искана, ранда — икки томони ўткир икки дастали асбоб, зоғнўл — учлари игнасимон асбоб, тешаи зоғнўл — бир учи оддий тешага ўхшаш, иккинчи учи игнасимон асбоб, тешаи гурсумба — бир учи тешадек, иккинчиси болға сингари дастали асбоб, метинча — ёғоч болға, кўба — ёғоч дастали катта темир болға, темир пона, мисран — темир лом каби асбоблардан фойдаланишган.

Ҳар қандай буюмнинг аввал хомаки формаси ишланган. Сўнг буюм юзасини силлиқлаштириш учун унга тез-тез ҳўлланган кигиз парчаси ёки жилвирли тош бўлаги билан ишлов берилган. Оддий тош бўлакчаси билан ишлов берилганда буюм юзасига қум тўкиб туриш лозим бўлган. Энг охирида тош юзасига искана ва ёғоч метинча билан нақш ўйилган.

Ўрта Осиёда қадим замонлардан буён мрамор ва бошқа турдаги тошлардан ҳайкалтарошлик, бино безаги, безак буюмлари ва уй-рўзғор буюмлари ясашда фойдаланилган. Жумладан, Эски Термиздаги (Айритом) Гандхор ҳайкалтарошлик мактабига оид горельеф услубида (текис сатҳда бўрттириб) ишланган "Улуғ мўъжиза" мавзуидаги композициянинг бир бўлаги топилган. I асрга оид Амударё ёқасидаги Айритом саройининг оҳактош фризи бўлакларида куй чалаётган аёл ҳайкали тасвирлари фикримизнинг исботидир. I — III асрларга оид Фаёзтепа шаҳарчаси харобаларидан тошдан ишланган бургут грифон ҳайкалчаси топилган. Зооморф сюжет обида конструктив қисмларида ҳам сезилади. Бунга Султон-Уизтоғдан (Қорақалпоғистон) топилган милоддан олдинги V—IV асрларга оид одам юзли қўй ҳайкалчасига монанд қилиб ишланган тош капитель мисол бўла олади. Шунингдек, табиий тошлардан, мураккаб барглardan ва эчки шохидек бурама валюталардан ташкил топган мураккаб тузилишдаги капительлар ҳамда устма-уст қаланган бир нечта доира ва квадрат тоштахта (плита)лардан ташкил топган устун пойкурсилари яшанган. Бунга Термиз, Холчаён, Шимолий Бақтрия ва Жану-

бий Тожикистондан топилган калла —капитель ва пойкур-силар ёрқин далилдир.

Лазуритдан (ўртача қаттиқ кўк рангли минерал тош) ҳар хил тақинчоқлар ясалган. Бу тошни қадимий мисрликлар "осмон тоши" деб аташган. Тақинчоқларда одам юзи барельеф услубида ишланган бўлиши ҳам мумкин.

Ўрта асрларда тошдан идиш-товоқлар ҳам ясалган. Бунга Тожикистон ҳудудида Кофирқалъа шаҳарчаси харобаларидан топилган икки дастали тош идиш мисол бўла олади.

XV—XVI асрларда табиий тошлар меъморий обидаларни безашда кенг қўлланилган. Самарқандда Бибиҳоним ва бошқа обидаларнинг пойдевори тоштахта (плита)лар билан қопланган. Улар нафақат бино ҳуснига ҳусн бағишлаган, балки бино пойдеворининг мустаҳкам бўлишига ҳам ёрдам берган. Шунингдек гумбазли обида шаклидаги чироқхоналар ясалган.

Мармар ва қимматбаҳо нефрит тошларидан сағана қабртошлари ясалган. Амир Темур қабридаги сағана тоши ҳам нефритдан ишланган. Юпқа нефрит тош бўлаги ойна каби ёруғликни ўтказган.

XIX асрда ва XX аср бошларида тош ўймакорлиги санъати Хива, Бухоро, Самарқанд, Нурота ва Ғазғонда ривожланди. Мармар, қумтош, оҳактошлардан панжара, ташнов, тарнов каби иморат қисмлари, эшик устидаги равоқ, пойустун каби конструктив қисмлар ясалган. Асосан Хивада тўрт томони ўйма нақшли пойустун яшаш кенг жорий қилинган. Бундай пойустунлар маъмурий, диний ва тураржой айвонларида кенг қўлланилган. Ғазғонлик, нуроталик усталар томонидан мармар қабртошлари, тарнов, ташнов, пойустунлар, иморат пештоқи бурчаклари учун безакли устунчалар кенг ишланган. У ишлатилиш жойига қараб, маълум бир катталиқда, оммавий фойдаланишга мўлжалланган ҳолда ишланган. Ғазғон усталари тошдан устунлар ҳам ясаганлар. Самарқанд, Бухоро, Нурота, Ғазғон сангтарошлари ҳар хил ҳажмдаги лаган, коса, пиёла, ликопчалар ишлашган. Улар юзасига ҳар хил ёзув нақшлар ҳамда расмлар ўйишган.

Шуни айтиш керакки, тошдан ясаладиган буюм бир неча қўлдан ўтган. Аввало, махсус мутахассис тош йўнувчилар томонидан конлардан тош олинган. Бадиий буюм, иморат конструктив қисмининг хомаки ишланган вариантини оддий усталар бажаришган. Охирги навбатда хомаки ишланган тош буюмга ўймакор усталар нақш ўйиб ишлов берганлар.

Дўкон растасида, жавонда турган бирон буюмга қарар эканмиз, биринчи навбатда, кўзимизга унинг шакли ташланади. Сўнг синчковлик билан қараб, унинг безакларини кўра бошлаймиз. Унинг функционал қулай, ноқулайлигини ишлатиб кўргандагина билиб оламиз. Буюмларда нақшлар диний ақидаларга, анъаналарга кўра давр ўтиши билан ўзгариб турган. Лекин буюм хоҳ сопол, хоҳ металл бўлсин, шакли унинг вазифасидан келиб чиққан ҳолда ўзгарган. Чироқлар форма жиҳатидан узун таянчли, кичик ликопчага ўхшаш ёки косачали бўлиши мумкин. Узун таянчли чироқларнинг ўзи бир неча хилда учрайди. Уларни икки асосий турга бўламиз. Биринчисида таянч анча баланд бўлиб, унинг пастроғида чойнак дастасига монанд икки дастача ўрнатилган. Бу дастачаларнинг роли камроққа ўхшайди. Чунки улар анча пастда бўлганлиги сабабли кўтаргандан чироқнинг устки қисми лопиллаб кетади. Уни катта вертикал таянчнинг тепароғидан кўтариш қулайроқ. XI—XII асрларда ишланган шундай чироқларни иккинчи турга киритса бўлади. Уларда майда дастачалардан воз кечилган. Бир жойдан иккинчи жойга олганда таянчдан ушланади.

Ликопча шаклидаги таянчли чироқларнинг барча турларида даста мавжуд. Кавуш шаклидаги чироқларда ҳам дасталар бор. Бундай мис, сопол чироқлар токчаларга, хона ўртасидаги устунлардаги махсус чироқдонларга қўйилган. Шунинг учун Тоғли Бадахшонда устун танасига ўрнатиш учун махсус қурилмалар назарда тутилган. Юқори Зарафшондаги қадимий устунларда 1,5 метр баландликда чироқ қўйиш учун устун танасидан чиқарилган махсус таянчлар бўлган.

Кавуш шаклидаги чироқларнинг баландда туриши учун ёғочдан баландлиги 50—60 см ли тагликлар яшашган (58-расм).

Кўп хоначали чироқлар тузилиши ҳам ишлатилган материалга қараб ўзгарган. Масалан, сополдан ишланган осма чироқлар 3—4 кавушли бўлган. Металлдан ишланганлари эса 10—15 хоначали бўлиши мумкин. Улар ҳозирги замон қандилларини эслатади. Сарой, ибодатхона ўртасидаги шифтга осиб қўйишга мўлжалланган.

Илк ўрта асрларда ишланган буюмлар чиройли шаклли, лекин уларнинг айримларида функция жиҳатидан бироз ноқулайликлар мавжуд. Жумладан, VI асрга оид дастали қадаҳни олиб кўрайлик. Унинг шакли чиройли. Идиш деворидаги туёқли ҳайвон, тоғ эчкиси бўлса керак, тасвири



58-расм. Нуротанинг Устук тоғ қишлоғидан топилган чироқ учун ёғоч таянч унинг даста қисмига ҳам ўтган. Натижада даста ҳайвон бўйни ва боши вазифасини ўтаган. Функция жиҳатидан қараганда, идиш дастаси калта, яъни ушлашга ноқулай. Ичидаги суюқлик кенг томонидан қуйилади, яъни суюқлик

бирданига кўп миқдорда қўйилиб кетиш эҳтимоли бор. Қолаверса, суюқлик солинган идиш фақат ушлаб туришга мўлжалланган, чунки пастки қисми таянчсиз ишланган. XI—XII асрларга оид қадаҳларда бу камчиликлар сезилмайди. Жумладан, шиша қадаҳлар узун, нафис даста — ўққа ва доирасимон таянчга эга. Қадимий қадаҳларнинг айрим нуқсонлари VIII асрга доир ўсмажўшак тузилишида ҳам сезилади.

Хўжалик буюмларининг ҳам шакли, тузилиши уларнинг функционал қулайлигидан келиб чиққанлиги яққол сезилади. Хоҳ металлдан, хоҳ сополдан ишланган буюмлар бўлсин, уларнинг тузилишига, дастасининг жойланишига, жўмрагининг формасига алоҳида эътибор берганликларини кўрамиз. Жумладан, оғзи кичкина ва чуқур идишларда даста пастроққа ўрнатилган. Бу билан идиш ичидаги суюқликни қўйиш осон бўлади. Катта ҳажмдаги узун идишларнинг дастаси юқорида жойлашади. Бу идишларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириб қўйишга мўлжалланган. Идиш ичидаги суюқликни бошқа идишга олишда бир қўл билан дастадан ушлаб, иккинчи қўл билан идиш остидан кўтариб қўйиш мумкин, холос. Вазасимон идишларда даста узун бўлиши мумкин. Узун даста идишни кўтаришда ҳам, ичидаги суюқликни қўйишда ҳам қўл келган. Чунки даста юқорисидан ушлаб уни кўтариш, даста пастроғидан ушлаб ундаги суюқликни қўйиш мумкин. Бунга XII асрга доир Қонқа шаҳри (Тошкент вилояти) харобаларидан топилган идиш гувоҳлик беради. Мискўзаларда ҳам шу тадбирларга амал қилинган.

Дастасиз, графинга ўхшаган узун бўйинли кўзалар ҳам топилган. Улар кўтаришга ёки ичидаги суюқликни қўйишга қулай бўлган. IX—XI асрларга оид шундай кўзалар Бунжикат харобаларида учратилган. Шундай тузилишдаги кўзалар шишадан ҳам ишланган.

Жўмракли кўзалар Риштонда XIX аср ва XX аср бошларида ҳам ишланган. Жўмрак ўрнатиш кўза тузилишига боғлиқ. Асосан кенг елкали кўзаларнинг бир елкасига ўрнатилган. Шундай кўзалар ичидаги сувни тугаётган, яъни охириги томчисини ҳам кўзани кўп эгмасдан ёки остидан кўтармасдан жўмрагидан қўйиб олса бўлади. Жўмракни торроқ вазасимон идишларда ҳам кўриш мумкин. Бундай идишларнинг жўмраги уларнинг оғиз қисмига ўрнатилган. Афросиёбдан топилган идиш фикримиз исботи бўлади (59-расм).


Сув танқис жойларда сув ташишга қулай тузилишдаги кўзалардан кўпроқ фойдаланишган. Шунинг учун ҳам

Риштонда ишланадиган кичик диаметрли узунчоқ кўзани асосан қишлоқ аҳолиси сотиб олишган. Бундай кўзаларни хуржунга солиб ёки дасталаридан боғлаб, от-уловнинг икки томонига ташлаб, сув ташиш қулай бўлган.

Коса, пиёлаларнинг формаси ҳам асрлар давомида силлиқланиб келган. Коса ва пиёлалар лаби ташқарига бироз эгилган ҳолда ҳам учрайди. Лаби ташқарига эгилган пиёла чой ичишга қулайроқ, албатта. Ундан ташқари бундай идиш лабни куйдирмайди. Коса ва пиёлаларнинг пастки қисми, таянчи қирқимда ўйиқча шаклида ичкари томон ёйсимон чизиқда кўтарилган. Бундай идишни ушлашда катта бармоқ унинг лабига, ёйсимон таянч қисми қолган бармоқлар устига қўндирилган. Ёйсимон таянч қирраси бармоқ бўғинига яхши ўрнашган. Шунингдек, коса таянчини ёйсимон ўйиқча шаклида ишлаш идиш оғирлигини камайтириш, қолаверса бироз бўлса ҳам лойни тежаш имконини берган.

Сиёҳдонларни айтмайсизми! Улар сополдан, металлдан бир ва кўп ўйиқчали қилиб ясалган. Бир ўйиқчали сиёҳдон ҳажми кичик бўлади, албатта. Унга бироз бўлса ҳам салобат бағишлаш учун у панжарали деворча (қути) ичига олинган. Бу эса ўз навбатида сиёҳдонга тантанавор кўриниш ҳам бағишлаган. Вазифа жиҳатидан бир-бири билан боғлиқ буюмлар нақш тузилиши жиҳатидан бир-бирини тўлдирган. Жумладан, қаламдонни олиб қарайлик. У, биринчидан, жуда қулай, ичига бир нечта қалам сиғади. Иккинчидан, жуда гўзал, қўлингиздан қўйгингиз келмайди. Лавҳ ҳам ихчам, қулай ва чиройли кўринишга эга. Сиёҳдон, қаламдон, лавҳ бажарадиган вазифаси жиҳатидан бир-бирини тўлдириб, бир гуруҳ буюмни ташкил қилади.

Чилим тузилиши унинг функционал вазифасидан келиб чиққан. Унинг қовоққа ўхшашлиги қадим замонларда чилим қовоқдан ишланганлигидан далолат беради. XIX аср ва XX аср бошларида ҳам чилим ясаш учун қовоқ қобиғи



59-расм. Афросиёб.
Қисман қолиндан
ишланган кўза (Г. В.
Шишкина чизмасидан)

ишлатилган. Уни қўл билан ушлаб чекишга қулай бўлиши учун ўрта қисми торроқ ишланган. Қолаверса, бу тутуннинг сув орқали тозаланиб айланиб келишига ёрдам беради. Чилим чекилаётганда унинг орқа қисмидаги тешикча бармоқ билан ёпилади. Чекаётган одам найча орқали нафас олганда чилим сархонасидан тамаки тутуни идиш ичидаги сув тагига чўкади. Бармоқ тешикчадан олинганида тоза ҳаво ўз босими билан тутунни сувдан сиқиб чиқаради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, барча буюмларга форма берилаётганда унинг функцияси ҳисобга олинган.

* * *

Хўжалик буюмларига бағишланган бобга яқун ясар эканмиз, амалий санъатда функция жиҳатидан қулай, чиройли, арзон, чидамли буюм яратилганда эришилган ютуқларни яна бир бор таъкидлаб ўтамиз.

Ёғоч буюмлар:

— буюмлар формасини унинг функциясидан келиб чиққан ҳолда безаш;

— буюмларни қулай, чиройли ва йиғма композицияда ишлаш (лавҳ);

— функция жиҳатидан бир-бирига яқин буюмларни ўхшаш композицияли безак билан бойитиш (лавҳ, қаламдон, сиёҳдон);

— XIX асрларда тоғ воҳаларида сув билан ҳаракатга келадиган қурилмалардан фойдаланиш.

Сопол буюмлар:

— шаҳарларда кулолчилик буюмлари ясаш учун қадимдан оёқ билан ҳаракатга келтириладиган чархнинг қўлланилиши;

— IX асрлардан бошлаб устахоналарда буюм ишлаб чиқаришнинг турли касб эгаларига тақсимланиши (гилкор, наққош, кулол);

— IX—X асрлардан бошлаб кўп миқдорда буюм ишлаб чиқариш учун қолипдан фойдаланишни йўлга қўйиш;

— IX—XI асрлардан бошлаб сопол буюмлари юзасини яхлит тасвирлар композицияси билан тўлдириш;

— IX—X асрларда буюмлар юзасига чиройли ҳуснихатдаги ёзув киритилиши;

— IX асрлардан бошлаб буюмларни сирлаш учун табиий ўсимликлардан сифатли ишқор тайёрлашни йўлга қўйиш;

IX—XII асрларда буюмлар функционал қулайлигига эътиборнинг кучайиши;

— оммавий маҳсулот ишлаб чиқаришда халқ, давр синовидан ўтган муайян сопол буюм шаклларининг андоза сифатида қўлланилиши;

— X—XI асрларда Мовароуннаҳрда босма нақшнинг қўлланилиши;

— XII асрда Марвда сопол буюмларнинг қолипда ишланиши;

— XIV—XV асрларда кулолчилик санъатини тирилтириш ва юқори чўққига чиқариш;

— XIV асрда кулолчиликда кошин ишлатилиши;

— XIV асрда оқ юзада равшан кўк рангда нақш ишланиши;

— XIX аср ўрталарида Риштон кулолчилик мактабида бурилиш ясалиши (сопол буюмларни чиннига ўхшатиб ишлаш).

Кандакорликда:

— илк ўрта асрлардан бошлаб қолипдан унумли фойдаланиш;

— VIII—IX асрларда функция жиҳатидан қулай буюмларнинг юзага келиши (баланд таянчли чироқлар);

— XI—XII асрларда металл буюмлар турининг кўпайиши;

— IX асрдан бошлаб буюмлар тузилишининг функциядан келиб чиққан ҳолда мутаносиб ишланиши;

— XIV—XV асрлардан бошлаб халқнинг мис буюмларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида муайян буюм андазаларидан унумли фойдаланилиши;

— XIV—XV асрларда металл буюмлар композицияси монументаллигига эътиборнинг кучайиши;

— XIX аср ва XX аср бошларида майда нақшлар ёрдамида буюмлар нафислигининг оширилиши.

Шишасозликда:

— XI—XII асрларда Ўрта Осиё шишасозлик марказларининг юзага келиши;

- XI—XII асрларда шиша сифатининг яхшиланиши;
- шиша буюмлар турининг кўпайиши;
- буюмларнинг функция жиҳатидан қулай ва чиройли формаларда ишланиши.

Сангтарошликда:

— табиий тошларнинг қаттиқлиги, сифати, гўзаллигига қараб иморатда, ҳайкалтарошликда, амалий санъат буюмлари ясашда қўлланилиши;

— табиий тошлардан оммавий ишлатилиши учун турига, қўлланилиш жойига қараб бир хил катталиқда, андозада ва тузилишдаги буюмларнинг ишланиши;

— сангтарошликда ишланадиган буюмнинг бир неча мутахассис уста қўлидан ўтиши.

III боб


ИП-ҒАЗЛАМА МАҲСУЛОТЛАРИ

МАТОЛАР

Матодан асосан кийим-кечак тикилган. Шунингдек, хона саранжомлигини, гўзал, озода бўлишини таъминлашда чойшаб, сўзана, чиройли мато ва гиламлардан унумли фойдаланишган. Археологик маълумотларнинг гувоҳлик беришича, чойшаб, сўзана, гиламлар ва безакли шойи, шунингдек бошқа турдаги матолар Ўрта Осиёда қадимдан бўлган. Улар тахмондаги кўрпа-тўшаклар устига ёпилган. Деворларга безак сифатида осиб қўйилган. Араб сайёҳи Ибн Батута 333 йили Урганчда бир бой меҳмонхонаси деворлари қимматбаҳо парча матоси билан безатилганлиги ҳақида ёзиб қолдирган. Шунингдек, VI—VII асрларга доир Болаликтепа қасридаги деворий суратда супада ўтирган меҳмонлар орқасидаги деворга мато осилганлиги тасвирланган. Шуни айтиш керакки, девор бўйлаб жойлашган супада меҳмонлар деворга суяниб ўтирган бўлиши керак, чунки ҳозирги кунда ҳам кўрпачада ўтирган меҳмон вақти-вақти билан деворга суяниши табиий ҳол. Ана шу мақсадда хона деворининг пастки қисмига мато осилган. Шунингдек хона деворининг бўш қолган қисмларига ҳам мато осилган.

Ўрта Осиёда матонинг юзага келиши пахта ва жун билан боғлиқ бўлган. Шойи Ўрта Осиёга Хитойдан келиб турган. Шойидан тикилган либосларни зар иплар, сержило тақинчоқлар билан безашган. Шойидан кийим-кечакдан

ташқари парда, девор безаги сифатида ҳам фойдаланишган. V—VI асрларда шойи Фарғона, Суғд ва Хуросонда ишланган. Илк ўрта асрларда матоларда кўпроқ хаёлий тасвирлар, мавжуд ҳайвонлар сурати, қаҳрамонлик кўрсатаётган баҳодирлар акс эттирилган, шунингдек ўсимликсимон ва геометрик нақшлар ишланган. Муғ қалъасидан топилган йўл-йўлли нақш Суғдда илк ўрта асрларда шу турдаги нақшларнинг ишланганлигидан далолат беради. Йўл-йўлли нақш IX—XIII асрларда бутун Шарқда кенг тарқалади. Бельгиянинг Юн шаҳри ибодатхонасида сақланган шойи — гобеленда суғд деворий санъатига хос гералдик композицияда ҳаёт дарахтининг икки томонида иккита қўчқор сурати тасвирланган. Матодаги суғдий ёзув унинг Зандона қишлоғида яратилганлигидан гувоҳлик беради (60-расм).



60-расм. Зандоначидан топилган мато нақши

VI—VIII асрларда мато безагида, худди меъморчиликдаги каби деворий суратлар, сопол, кандакорлик буюмларидаги каби сюжетли тасвирлар кенг ишланган. Бунга деворий суратлар ҳам гувоҳлик беради.

Жумладан, Болаликтепа саройидаги деворий суратга ишланган персонажлар кийимида ромб, доира ичига олинган балиқчалар, одамлар юзи, герб каби тасвирлар туширилган (61-расм), Афросиёб, Панжакент, Варахша деворий суратларидаги мавзули композицияларда грифонлар — қанотли шер ва отлар, эчки ҳамда товус, ўрдак, тустовуқ каби паррандалар тасвирланган матолар замин вазифасини бажарган. Марв ва Бухорода махсус мато тўқийдиган устахоналар бўлганлиги ҳақида бухоролик тарихнавис X асрда



61-расм. Болаликтепа. Деворий сурат заминида мато тасвири

ёзиб қолдирган. Марвда ишланган шойи "марвчи" деб номланган. X аср араб сайёҳи Мақдисий Самарқанддан "мамажил" деб номланган қизил мато ва кўп шойи олиб чиқилиши ҳақида ёзади. Устахоналар нафақат шаҳарларда, балки қишлоқларда ҳам бўлган. Ана шундай қишлоқлар жумласига Зандона, Вардона, Исажкент, Дабу-сия, Дарзанги кабилар киради. Зандона ва Вардона устахоналари аввал шойидан маҳсулот тайёрлаган бўлса, кейинчалик асосан пахтадан маҳсулот тайёрлашга ўтади. Бу эса Зандона ва Вардона устахоналари маҳсулотларининг бироз арзонлашувига олиб келади. Натижада жаҳон бозорида бу қишлоқларнинг маҳсулотларига эҳтиёж кучаяди.

XI—XII асрларда, ҳамма санъат турларида сезилгани каби, мато тайёрлаш санъатида ҳам сюжетли расмлар ўрнига чиройли дастхат ёзуви билан ўсимликсимон нақш кенг қўллана бошлайди. Бадиий мато ишлаб чиқариш санъати темурийлар даврида бутун Шарқда кенг авж олади. XVI асрда эса текис юзали мато билан бўртма (абр) юзали мато ишлаш санъати йўлга қўйилади. Самарқанддан барча ўлка ва давлатларга қизил рангли барқут (духоба) чиқарилганлиги ҳақида Заҳириддин Бобурнинг "Бобурнома" асаридан билиб оламиз. XVI—XIX асрларда Ўрта Осиёда бўз, бахмал, кимхоб, катак, тафта ва бошқача номланган матолар тўқилган.

XIV—XIX асрларда мато нақшлари гириҳлар, ўсимликсимон нақшлар ранг-баранг, ёрқин рангларда ифодаланган. Шундай бўлишига қарамасдан, қадимий матолардаги айрим нақшлар сақланиб қолган. Жумладан, С. Маҳкамова ёзганидек, XIX асрда кенг тарқалган абр (бўртма юзали) нақшларида қадимий суғд маҳсулотларидагидек устма-уст жойлаштирилган доиралар кенг ишланган. Доиралар қадимий суғд матоларидаги каби ранглар ёрдамида бойитилган. Суғд матоларида доиралар бир-бирига ёндашган ҳолда горизонтал қаторларни ташкил қилган бўлса, XIX аср абрларида доиралар вертикал қаторларга жойлаштирилган. Шунингдек, текис юзали ва абрли матоларда (олача ёки беқасам) йўл-йўлли нақш ишлаш санъати XX асргача сақланган.

Босма нақшли мато. Матога нақш босиш санъати Ҳиндистонда, Мисрда қадимдан ривожланганлиги ҳақида маълумотлар бор. Санъатнинг бу тури Ўрта Осиёда ҳам қадимдан мавжуд, чунки бу халқлар орасидаги маданий алоқалар ҳам жуда қадимий. Матога нақш босиш учун махсус ясалган ёғоч қолиплардан фойдаланишган. Бир хил

рангли нақш учун битта, кўп рангли нақш учун бир нечта қолипдан фойдаланилган. Қора рангли нақш кўп ишлатилган ва бу рангда нақшнинг асосий ва ташқи чизиғи бўялган. Шунинг учун бу қолип кўпроқ нок, ёнғоқ, ўрик, бодом каби қаттиқ дарахт новдаларидан ишланган. Қора рангли нақш босишга мўлжалланган қолип юзида нақшлар замини чуқур ўйилган ва нақш изи ингичка ишланган. У фақат қора рангли гулни босишга мўлжалланган. Қизил рангли нақш учун қолиплар терак, тол каби юмшоқроқ дарахт новдаларидан, айрим пайтда қовоқнинг бўйин қисмидан ҳам ишланган.

Босма нақш карбос, бўз, бамази (пахмоқ), тик, чит каби пахта, зиғир толасидан ишланган матоларга босилган. Бунинг учун ўсимликлардан олинган қора, қизил ранглар кенг қўлланилган. Матога нақш босиш учун ишлатиладиган рангни тайёрлаш тартибини ўрганган олима Т. Мезурнованинг ёзишича, қора ранг — қуритилган ўсимлик илдизи, пояси ёки анор пўстлоғининг қайнатмасидан тайёрланган. Шунингдек, унинг таркибига темир занги ботирилган сувга мевали дарахтнинг қуюқ елими аралаштирилган қоришма қўшилган. Шундай рангга ботириб олинган қолип қайнатилган мато юзасига босилган. Таркибида темир занги бўлган сув ранг билан бирикиб, матога табиий қора рангни чуқур сингдирган. Сўнг қора рангни ювиш учун матони сувда чайиб олишган ва босма нақшнинг мўлжалланган композициясига қараб лозим бўлган жойига аччиқтош эритмасидан тайёрланган қизил ранг туширилган. Мато қозонда қайнатилган қизил рангга ботириб олинган. Ранг ва аччиқтош эритмасининг ўзаро таъсирида мато юзидаги босма нақш тўқ қизил рангга бўялган. Энг охирида мато яна сувга чайилган.

Нақшлар композицияси ромб, доира, яримдоира, учбурчак, салиб каби геометрик нақшлар ҳамда лола, анор ва бодом гули каби ўсимликсимон ва ислими нақшлардан ташкил топган. Айрим пайтларда анор гули, қалампир каби нақшлар қолипи катта ҳажмда ишланган. Бундай нақш мато марказига босилган. Мато юзасида араб алифбосида ёзилган ёзувлар ҳам композиция яратишда кенг қўлланилган. Рангларнинг ўрин алмашуви, доира юзасини бутунлай ёки бир неча рангли ҳалқада ишлаш ва майда-майда нуқталар тушириш йўли билан ҳам нақшлар композицияси бойитилган. Жумладан, қизил, қора рангли йўл-йўл чизиқларнинг ўрин алмашуви, доиралардаги ранг-

ларнинг шахмат тахтаси йўналишида алмашуви натижасида нафис нақшли композициялар яратилган.

XX аср бошида босма нақшда ишлатиладиган қора, қизил ранглар қаторига кўк, яшил, сариқ рангли бўёқлар ҳам қўшилади. Шунингдек нил бўёғи — тропик ўлкаларда ўсадиган ўсимликдан ёки кимёвий йўл билан олинадиган кўк бўёқ ҳам ишлатилган. Босма нақшли мато асосан кўрпа, кўрпача ва белбоғ учун ишлатилган, XIX асрда матога гул босиш санъати Ўратепа, Хива ва Бухоро атрофидаги қишлоқларда кенг тарқалган.

Ўрта Осиёда ишланган босма нақшли мато Россия бозорларида ҳам сотилган.

КАШТАЛАР

Ўрта Осиё халқлари хоналарни ранг-баранг кашталар билан безашган. Кашталар тахмонлардаги кўрпа-ёстиқ устига, сандал, бешик устига ёйилган. Кашталар ишлатилишига қараб жойнамоз, зардевор, кирпеч, чойшаб, бўғжома ёки бўхча деб номланган. Жойнамоз, маълумки, намоз ўқиш учун тўшалган, кирпеч кийим-кечак тахланган тоқчага тutilган, рўйжо тахмондаги кўрпа-тўшак устига ёпилган, бўхча кийим-кечакларни ўраб қўядиган чойшаб вазифасини ўтаган. Кичик-кичик кашталар хона буюмлари устига ҳам тutilган. Йирик кашталар кўп жойларда "сўзана" ("қўлда игна билан тикилган" маъносини англатади) дейилган. Бухоро, Нуротада кичикроқ кашталарни нимсўзана дейишади.

Ота-боболаримиз кашталарни қадимдан ишлатиб келишган. Кўп жойларда келин сепида ҳам бир нечта кашта — сўзана, нимсўзана, рўйжо, жойнамоз, сандалпўш бўлиши одат тусига кирган. Сўзаналар хонани мавсумий безашда қўл келган. Чиройли ишланган кашталар байрамларда, тўйларда, ҳатто оилавий тантаналарда ҳам хона деворига осиб қўйилган. Кашталар мотам маросимларида хотин-қизлар тобути устига ҳам ёпилган.

Қадимий сўзаналар бизнинг давримизгача сақланмаган, лекин сўзана суратини қадимий меъморчилигимиздаги деворий суратларда учратиш мумкин. Жумладан, милод аввалига оид Панжакент саройидаги хоналардан бирининг деворидаги тасвирий суратда сўзана осилганини кўрамиз. Сўзанада саккизта доира турунж икки вертикал қаторда жойлаштирилган. Сўзана нақшлари замини ҳам худди XIX асрлардагидек оқ матони ташкил қилган. Мазкур далил-

нинг ўзиёқ сўзана, каштачилик Ўрта Осиёда қадимдан бўлганлигидан далолат беради.


Қадим замонлардан кашталарга расм чизадиган махсус рассомлар бўлган. Уларни "қаламкаш", "чизмакаш" дейишган. Кашталар XIX асрнинг охиригача "оқ карбос"га ва сариқ рангли "малла" матога ишланган. XX асрнинг охиридан бошлаб кашталар бинафша, кўк, жигарранг шойи ва оқ рангдор газламаларга ишланган. Кашта учун ипак иплардан ташқари оч-қизил жун иплар ҳам ишлатилган.

Кашталар асосан икки услубда тикилган: матонинг арқоқ ва ўрим ипларини санаб кашта тикиш, матога тасвир ташқи чизиғи (контури)ни чизиб, эркин кашта тикиш. Каштачиликда йўрма, илма, ироқи, кандахаёл, хондўзи, чамак каби чоклар ишлатилган. Нурота, Бухоро, Самарқандда йўрма чоки, Шаҳрисабзда — кандахаёл, йўрма, ироқи, Тошкент, Фарғонада босма чоки кўп қўлланилган.

Ўрта Осиёда XIX асрда ва XX аср бошларида Нурота, Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз, Фарғона каштачилик мактаблари етакчи ўринни эгаллаган. Хўжанд, Юқори Зарафшон каштачилик мактаблари ҳам ўзига хос услубга эга бўлган. Жумладан, Нурота каштачилик мактабига қуйидагилар хосдир: матонинг оқ фонида гулдасталар сийрак жойлаштирилган, ўсимликсимон нақшлар паррандалар сурати билан биргаликда келади. Кашта ўртасида саккиз қиррали ёки ўсимликсимон турунж (гул давра) жойлаштирилиб, кашта композицияси бурчакларидан марказ томон йўналтирилган гулдасталар билан тугатилган ҳолда кўп учрайди (62-расм).


Бухоро каштачилигида турунж, давра-турунж, бир нечта ҳалқали доиралар, юлдузсимон ва катта-катта нақшлар кенг қўлланилган. Улар ҳар хил композицияда жойлаштирилган. Жумладан, ўртадаги катта давра-турунж кичикроқ турунжлар билан ўралган ҳолда ёки ўртадаги тўрт баргли катта нақш атрофи доирасимон нақшлар билан ўралган ҳолда, шунингдек каштанинг ўрта қисми диагональ чизиқларнинг кесилуви натижасида ташкил қилинган ромбсимон каттакчаларга ингичка бандли гуллар жойлаштирилиб, атрофи катта доиралар билан айланттирилган композицияларда келиши мумкин.

Самарқанд кашталарида доира нақшлар йирик қилиб ишланган. Бундай доиралардан бир нечтаси кашта юзасига горизонтал ва вертикал ўқларда жойлаштирилади. Доира-



62-расм. Нурота. Сўзана детали (XIX аср)

лар кенг камалак ҳалқалардан ташкил топган. Самарқанд каштачилигида қўлланиладиган "чорчироқ" деб аталувчи элемент кашталарга ўзгача гўзаллик бағишлайди. Марказий давра турунждан тўрт томонга ёйилган барглар олов алангасига ўхшаганлиги учун "чорчироқ" — тўртта чироқ дейилган (63-расм).



63-расм. Самарқанд. XIX асрга оид болишпўш детали

Шаҳрисабз сўзаналари марказида катта турунж, бурчакларида эса кичикроқ турунж ёки барг нақши ва энди очилаётган лола нақши ишланган композиция қўлланилади. Сўзаналар юзасининг кўп қисмини нақш эгаллайди.

Тошкентда сўзаналар "палак" ва "гулкўрпа" деб юритилган. Палак юзаси асосан ой-юлдуз расмини ифодаловчи катта-катта доиралар билан тўлдирилган. Доираларнинг сонига қараб, палакнинг номи белгиланган. Жумладан, олти доира тасвирланган бўлса "олти ойли палак", ўн иккита доирали бўлса "ўн икки ойли палак" дейилган. XIX аср охири — XX аср бошларида палак нақшу нигори композициясини энгиллаштириш мақсадида доиралар ҳажми катталаштирилган. Шунинг ҳисобига доиралар сони камаяди. Номлари ҳам ўзгаради, яъни "ой палак", "қиз палак", "тоғора палак" деб ҳам аталади.

Гулкўрпа очиқ қолдирилган юзасининг кўплиги билан палакдан ажралиб туради. Қадимий гулкўрпалар оқ матога ишланган.

Тошкент гулкўрпаларида юлдузсимон нақш нафақат гулкўрпа марказида, балки бурчакларида ҳам ишланган.

Фарғонада XIX аср охири XX аср бошларида кашта ва рўйжолар кўпроқ кўк, бинафша рангли шойи ва сатинларга ишланган. Фарғона кашталари юзасида бўш жой кўп қолдирилади. Тик ва ётиқ чизиқларда ишланган доиралар атрофи бўйлаб шамол таъсиридан бир томонга эгилган писта гулига ўхшаш ингичка барглар билан айлантирилган композиция кенг қўлланилган. Бундай доиралар ўз ўқи атрофида айланаётган доирани эслатади. Фарғона каштачилигида меъморчиликдаги каби қийғос очилган гуллардан тузилган гулдаста паннолар ҳам қўлланилган.

Хўжанд сўзаналарида оқ матога ишланган баргли ва гулли ўсимликсимон нақшлар асосий ўринни эгаллайди. Қадимий сўзаналар композициясида ётиқ ва тик ўқларда жойлашган мураккаб турунж-давралар ва сўзана марказига жойлаштирилган катта турунж асосий ўринни эгаллайди. Кейинчалик шохчали доира нақшлар юзага келади. Шохча тасвири мураккаб давра-турунжларини сўзана композициясидан сиқиб чиқаради. Ўрнига шохчали "анор гули", "лола", "бодом гули", ҳатто "қалампир гули" каби нақшлар юзага келади.

Зарафшон дарёсининг юқори оқимида жойлашган Фалғардан Панжакентгача бўлган қишлоқларда сўзаналар кенг тарқалган. Масчоҳ ва бошқа воҳаларда кичик-кичик кашталар тикилган. Катта-катта "лола-турунж" ва "чорчи-роқ" деб аталган нақшлар Фалғар сўзаналарига хосдир. Фалғарда ишлатилган чорчи-роқлар Самарқанд сўзаналариникидан бутунлай фарқ қилади, улар тўрт хоначали чироқ тузилишида бўлиб, бир нечтаси бутун сўзана юзасини эгаллайди. Бу нақш Фалғар қишлоқларида "лолаи гули ранг" деб ҳам юритилган. Шунингдек, Фалғар сўзаналари ўртасида катта лола-турунж ва атрофида сербарг гул ниҳолчали нақшлар жойлаштирилган композициялар учрайди.

Юқоридагилар шуни кўрсатадики, каштачилар сўзана безагини энгил матодан, энгил композицияда ишлашга ҳаракат қилишган. Бунинг учун асосан эгри чизиқ ва доира-симон яхлит нақшлардан фойдаланишган. Вертикал ва горизонтал ўқлар кесишган ерда бир хил ҳажмдаги доиралар жойлаштирилган. Ҳар хил ҳажмли доиралар ишланганда ўртада каттаси, унинг атрофидан кичиклари ўрин олган. Уларнинг ранглари ҳам кўпроқ бир-бирига яқин гаммада (рангларнинг яқин тизмасида) ишланган. Шунинг учун ҳам уларда умумий, яхлит композиция сақланган. Сўзана нақши композициясининг яхлитлиги, оддийлиги билан ки-

ши кўзини қувонтиради. Деворнинг очиқ жойларига осилган сўзана хонанинг баҳаво ва тантанавор тус олишига ёрдам беради. Шунинг учун ҳам илк ўрта асрларда ишланган сўзаналар композицияси ҳанузгача сақланиб қолган.

ГИЛАМЛАР

Ўрта Осиёда гиламчилик қадимдан ривожланиб келган. Чорвачилик билан шуғулланган халқлар орасида айниқса кенг тарқалган. Гилам Ўрта Осиё халқлари турмушида катта ўринни эгаллаган. Гилам хона полига тўшалган, деворига осиб қўйилган. Ўтовларнинг ташқи томони ва алоҳида қисмлари ҳам гилам билан ўралган. Улар ўтов қисмларига мўлжаллаб тўқилган. Ўтов ташқи томони учун энсизроқ ва узун, эшиги учун 1,5x2 м юзадаги гиламча, эшиги атрофи учун "П" ҳарфи шаклидаги гиламчалар тўқилган. Шунингдек ўтов ичида уй-рўзғор буюмларини сақлаш учун махсус тоқча ўрнига гилам қоплар — тўрвалар тўқилган. Улар дўл тўрва дейилиб, ўтов деворига осиб қўйилган.

Ўрта Осиёда гиламларнинг тўқима (гули тўқиладиган), тикма (тайёр буюмга гули тикиладиган), босма (гули бўяб босиладиган) хиллари бор. Гиламларнинг патли ва патсиз (полос) турлари бўлган. Патли гиламлар калта патли (3—7 мм) ва узун патли (8—17 мм) қилиб тўқилган. Патли гилам тўқишда арқоқдан ташқари пат ҳосил қиладиган қўшимча нах (ип) ҳам ишлатилади.

Гилам жун (қўй, эчки, туя жуни) ва ўсимлик (пахта, зиғир, жут) толасидан тўқилган. XIX аср охирига қадар гилам тўқувчилар калава ипни ўсимликлардан тайёрланган бўёқлар, кейинчалик эса анилин бўёқлари билан бўяшган.


Гилам тўқиш сермашаққат иш бўлиб, уни ер бағирлаб ётиқ ҳолда ўрнатилган пастак дастгоҳларда тўқишган. Бир гиламдўз 1 м² патли гилам тўқиш учун бир ой вақт сарфлаган. Қишлоқларда қўни-қўшни аёллар навбат билан йиғилишиб, хонадонларда гилам тўқишган. Тажрибали рассом мутахассислар гиламнинг нақш нусхасини яратишган. Гиламдўзлар шу нусхага қараб тўқишган.

Гиламлар нақшу нигорида кўпроқ чизиқлар ёрдамида геометрик кўринишдаги юзалар ташкил қилинган. Катта нақшлар композицияси ёрқин ранглар билан қисмларга бўлинган. Шунингдек, кичкина ҳажмдаги, геометрик тузилишдаги нақшлар билан тўлдирилган. Ҳар хил қалинлик ва йўналишдаги йўл-йўл чизиқли композициялар кўпроқ патсиз гиламларда қўлланилган.

Нурота гиламларининг ўрта қисмига қалқон нусха нақш солинган. Асосан саккизбурчак тузилишидаги юза марказий ўқлар ёрдамида тўрт қисмга бўлинган. Ўқларнинг туташган жойида квадрат нақш жойлаштирилган. Қисмлар заминида оч ва тўқ ранглар навбатма-навбат келади. Катта юзаларда тирик мавжудот (одам, қуш) тасвирига ўхшаш нақшлар ишланган.


Саккизбурчаклар оралиғига майда геометрик (учбурчак, ромб, кўпбурчак) нақшлар солинган (64-расм).

Қашқадарё гиламлари патсиз бўлишига қарамасдан, ўзига хос бадий безакка эга. В. Мошкованинг кузатишича, улар "қиз гилам" ва "бозор гилам" деб номланган. Бозор гилам сотувга мўлжалланганлиги учун ҳам шундай номланган. Қиз гиламни турмушга чиқаятган қиз сепига атаб тўқишган. *Бозор гилам* юзаси йўл-йўл чизиқлардан



64-расм. Нурота гиламларида кенг қўлланилган "Қалқон нусха" нақши (В. Г. Мошкова чизмасидан нусха)

ташқил топган. Унинг марказида геометрик (квадрат, ромб, учбурчак, кўпбурчак) нақшлар жойлаштирилган (65-расм). Марказий юзанинг катта нақшлари "гумбаз", "куҳ нақш", "тўражон"¹, "патнис" каби майда гуллар билан тўлдирилган. Шунингдек, "шоҳак", "чилимкаду" каби хўжалик буюмларига тақлидан шакллар ишланган. Бозор гиламининг майда нақшлари "качкул", "кажгул", "печ"² каби ўралиб кетган ўсимликсимон гуллардан ташқил топган. Атрофи эса "шоҳак", "куҳ тоғ" каби гуллар ва занжира ҳошиялар билан айлантирилган.



65-расм. Қашқадарё гиламларидаги "шоҳак" нақши (В. Г. Мошкова чизмасидан нуска)

Қиз гилам икки хил тузилишда бўлган. Биринчисида гилам марказини катта-катта ҳажмда ишланган хўроз ва товуқ тасвирлари эгаллайди. Иккинчи турида парранда тасвирлари кичик ҳажмда кўндаланг йўналган йўл-йўл чизиқлар оралиғида жойлаштирилади. Шунингдек, қиз гилам марказида "товоқча", "чашмари морак", "бағалак", "джуз", "зулфи заргар", "сван" каби ҳандасавий, ўсимликсимон ва ҳайвонлар номи билан юритиладиган нақшлар ишланган.

Гилам атрофи эса "илон изи", "чизиқ", "покиак" (ҳамтоз, тош туёқ), шойи мато номлари билан юритилган шоҳизар, зебосанам каби нақшлар билан бойитилган.

Фарғона гиламлари. Ўрта Осиё гиламдўзлик санъатини чуқур ўрганган олима В. Мошкова Фарғона гиламлари марказий композицияси нақшу нигорини беш турга бўлади.

1. Гилам марказини горизонтал йўналишдаги ҳар хил рангли ингичка йўл-йўл чизиқлар ташқил қилади. Қадимий гиламларда тик йўналган йўл-йўл чизиқлар майда нақшлар билан тўлдирилган. Мазкур турдаги нақшлар кўпроқ тақир гилам (полос)ларда қўлланилган.

¹ Айтишларича, Бухоро амири тахтининг вориси Насруллохоннинг қароргоҳи Қаршида бўлган. У ўзи учун тўқиладиган гиламга шойи тўни нақшларини туширишни буюрган экан. Шундан бу нақш тўражон деб юритилган экан.

² Печ нақши "каж" ҳам дейилган.

2. Гилам марказида бир хил рангдаги нақшлар тўғри ва диагонал ҳолда келади. Фарғона қирғизлари гиламларида шу композиция қуйидаги уч хил кўринишда учрайди: ҳашам мотиви турунжлардан ташкил топади. Унда турунж нақшлар ҳар хил катталиқда ва ҳар хил узоқликда, уфқ ва тик чизиқларда жойлашади; гилам маркази бир-бири билан боғланмаган бир хил, асосан ўсимликсимон нақшлар билан тўлдирилади; ҳашам мотиви тўғри ва синиқ чизиқлар билан боғланиб, марказий юзада яхлит композиция вужудга келади.

3. Марказий юза катталиги бир хил бўлган бир-бири билан туташ тўртбурчак, квадрат ёки ромбсимон нақшлар билан тўлдирилади. Уларнинг ораларига майда нақшлар солинади.

4. Марказий юзани яхлит ўсимликсимон нақш қоплаган. У новдалари ҳамма томонга ёйилган бута ёки мевали дарахтга ўхшаб кетади.


5. Гилам маркази оч (кўк, сариқ, мовий ранг) заминдан катта доира, бурчакларидан эса кичик доиралар ўрин олган.

Фарғона гиламларининг барча турларида марказий катта нақшлар майда нақшлар билан бойитилган. Бу нақшлар узунчоқ турунж, қўчқор шохи, жуфт қўчқор шохи, кўп қиррали юлдузлардан иборат.

Гилам атрофи битта кенг ва иккита тор йўл-йўл чизиқ, яъни ҳошия билан айлантирилган. Йўл-йўл чизиқларнинг ичи ҳам нақшлар билан бойитилган. Жумладан, марказий йўлак чизиқ ичига "ромб", "қўчқор шохи", "учбурчак шакллар", "мадохил", "ит қуйруғи", "саккиз писта" нақшлари солинган. Ўрта йўлак йўлбарс изи, охириги йўлак эса учбурчак нақши билан безатилган (66-расм).


Туркман гиламлари. Туркменистон гиламлари ўзининг хилма-хиллиги билан Ўрта Осиёдаги бошқа гиламлардан ажралиб туради. Улар бир неча турга бўлинади. Йомуд, Текин, Керкин, Қизилоёқ, Бешир, Эрсарин гиламлари ҳам нақшлари билан бир-биридан ажралади. Номлари уруғ номи билан белгиланади. Туркман гиламлари нақшу ниго-ри, композицияси жиҳатидан бир неча турга бўлинишига қарамасдан, уларда умумийлик мавжуд. Бу туркман ги-ламларининг қадимдан . бир хил услубий гуруҳга бўйсунганлигидан далолат беради.

Йомуд гиламлари маркази гул нақши оқ рангли йўл-йўл чизиқлар билан айлантирилган ҳолда кўп учрайди. Гилам қисмлари тўқ қизил, жигарранг ранглари ташкил қилади. Текин гиламлари маркази вертикал ва горизонтал




66-расм. Фаргона гиламлари нақши: 1— чаён; 2— йўлбарс топон; 3— гуябўйин; 4— қўғирчоқ; 5— полосларда кенг ишлатилган "ит қўйруғи" нақши (В. Г. Мошкова чизмасидан нусха)

йўналишида кўп бурчакли нақшлар билан тўлдирилган. Кўп бурчаклар марказий ўқлар ёрдамида тўрт қисмга бўлиниб, улар оқ ва тўқ ранглар билан ажратилган. Оқ заминли қисмида тўқ рангларда нақшлар ишланган. Керкин гиламларида тўғри тўртбурчак юза марказида солиб нақши жой-




67-расм. XVIII асрда тўқилган Керкин гилами марказидаги нақш (Ф. В. Гогель чизмасидан нусха)



68-расм. Туркман гиламлари марказий қисми нақши: 1—
6—марказий ўқларда "қўчқор шохи" турлича ифодаланиши; 7—
8—Эрсарин гиламларида ўсимликсимон нақш тасвири (Ф. В. Гогель
чизмасидан нусха)

лаштирилган (67-расм). Унинг марказидан ташқарига йўналган горизонтал ва вертикал ўқлар қўчқор шохига монанд тузилишда тугатилган. Тўғри тўртбурчак бурчакларида ҳосил бўлган юзалар оч ва тўқ заминида ҳар хил геометрик нақшлар ишланган. Қизилоёқ гиламлари безаги билан Керкин гиламларига ўхшаб кетади. Бешир гиламлари юзасини кўпбурчаклар, сариқ патли тўртбурчаклар эгаллайди. Гилам безагида кўк ранг ҳам ишлатилади. Эрсарин гиламлари юзасини квадратга яқин шаклли композициялар эгаллайди. Қўчқор шохига ўхшаган бурама



69-расм. Туркман гиламларида эчки тасвирининг ифодаланиши (Ф. В. Гогель чизмасидан нусха)

жуфт нақшлар оддийлаштирилган формаларда қўлланилган. Саккизбурчаклар ўсимликсимон нақшлар билан диагоналар бўйлаб тарқалган. Улар боғ тасвирини эслатади (68-расм, 7 ва 8). Барча турдаги гиламларда қўчқор тасвири кенг қўлланилади. Қўчқор тасвири гилам нақшларида "Н" ҳарфига ўхшаш (содалаштириб) ишлангани Ф. Гогел 6 чизмасида аниқ ифодаланган (69-расм).

Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, ҳар бир гиламнинг тўқилишида бир неча гилам тўқувчи қатнашади. Ҳар бир тўқувчи ўзига топширилган гилам бўлагини (участкасини) қўлидаги чизма, яъни лойиҳа асосида бажарган. Гиламлар ўз-ўзидан оғирлиги, қалинлиги, технологик жиҳатдан мураккаблиги билан монументал кўринишга эга. Гилам монументаллигини сақлаб қолиш учун унинг нақшлари йирик геометрик бадий конструкция асосида яратилган.

* * *

Энди ип газлама буюмлари ишлаб чиқаришда эришилган ютуқлардан айримларига тўхталиб ўтамиз.

Мато ишлаб чиқаришда:

— V—VI асрларда Ўрта Осиёда шойидан мато тўқишнинг йўлга қўйилиши;

— илк ўрта аср деворий сюжетли тасвирлар композициясида матога хос безакнинг замин сифатида қўлланилиши;

— IX—X асрлардан бошлаб пахта ва жундан мато тўқишнинг кенг кўламда йўлга қўйилиши;

— мато тўқишда чизмадан фойдаланилиши;

— IX—XII асрларда мато турларининг кўпайиши;
— Ўрта Осиё матоларининг Шарқ ва Ғарб давлатларига кенг миқёсда чиқарилиши.

Каштачиликда:

— бир хил рангли оддий матонинг санъат дурдонаси даражасига етказилиши;

— сўзана тўқишда чизмадан фойдаланилиши;

— сўзана безагида композицион етакчилик (доминант) вазифасини бажарувчи катта-катта доира, кўп қиррали турунжларнинг кўзга ташланадиган рангда ишланиши;

— сўзана юзасидаги катта доиралар атрофи бўйлаб ёки сўзана бурчакларида икки-уч хил кўринишдаги барг, гул каби ўсимликсимон нақшларнинг эгри, тўғри чизиқли новдачалар билан бирлашмасидан тузилган яхлит композициянинг яратилиши;

— сўзана юзасида нақшлар композицияси яхлитлигининг таъминланиши, ранглар мутаносиблигининг ҳосил қилиниши;

— сўзаналарнинг хона ички қисмларини безашга мўлжалланиши;

— сўзана нақшининг маросим ва байрамларга мўлжалланиши.

Гиламчиликда:

— жун сифатига қараб гилам турларининг жорий қилиниши;

— хўжалик анжомларини сақлаш учун гилам буюмларининг тўқилиши (хуржун, тўрва ва бошқалар);

— гилам тўқишда рассом-наққошларнинг қатнашиши;

— гилам тўқишда чизма (нақш), яъни лойиҳадан фойдаланилиши;

— гилам юзасида бир андазали — стандарт учбурчак, тўғри тўртбурчак, квадрат, ромб нақшлар ва мавҳумлаштирилган ҳайвонлар тасвиридан унумли фойдаланиб, композиция яратилиши;

— гилам безагида ранглари билан алмашиб турадиган яхлит-яхлит заминли композициянинг тўғри ёки синиқ чизиқлар ёрдамида яратилиши.

IV боб

ТАСВИР ВА НАҚШЛАР

ТАСВИРЛАРДА КОМПОЗИЦИЯ ЎРНИ

Иморат ва буюмларда нақшу нигорнинг ўрни катталигини далилларда кўрдик. Ислом дини ўрнатилгунга қадар иморатларда кўпроқ сюжетли тасвир, буюмларда зооморф

суратлар ишланган. Улар ўсимликсимон ва геометрик нақшлар билан тўлдирилган. Деворий суратларда кўпроқ меҳмон кутиш, ҳар хил маросимларнинг ижро этилиши, ов жараёни тасвирланган. Сарой, меҳмонхона деворларида сюжетли суратлар кўпроқ икки-уч ярусда чизилган. Бунга эргономик нуқтаи назардан ёндашиш керак. Шунинг айтиш керакки, саройларнинг деворлари баланд бўлган. Сюжетли сурат персонажлари хона девори баландлигида ишланса, уларни хона марказида туриб илғаб олиш қийин. Бунинг учун хонанинг бир бурчагига бориб, иккинчи бурчагига узоқ тикилиб қараш лозим. Чунки сурат композицияси киши кўзи диапозонига яхлит сиғмайди. Шунинг учун ҳам расмлар икки-уч ярусда ишланган. Варахша деворий тасвирининг учинчи яруси қолганларига нисбатан баланд олинган. Бу тадбир билан рассом учинчи ёки уфқ чизигидан юқоридаги яруснинг томошабинга яхши кўринишини эътиборга олган бўлса, ажаб эмас.

Шунингдек, тасвирдаги персонажларнинг мавқеи ҳам эътибордан четда қолмаган. Мисол учун подшонинг суратини яруслардагидек кичик ҳолда ишлаш мумкин бўлмаган. Чунки тасвирдаги персонажларнинг барчаси учун подшо сурати асосий (доминант) роль ўйнаган. Бу эса подшоҳ суратини алоҳида деворда катта ҳажмда ишлашни тақозо этади. Шунинг учун ҳам хона тўридаги девор танланган. Унинг ўрта қисмида подшо сурати, икки тарафидаги иккинчи (ярусда) қаватда вазиру уламолар сурати ишланган. Шундай композицияни Варахша саройининг шарқ томонидаги қабулхонада ва Панжакент саройида кўрамыз. Мазкур услуб билан сарой уч деворидаги суратнинг яхлит кўриниши ва унинг композицияси ҳамда маъно жиҳатидан хона тўридаги суратга бўйсунуши таъминланган.

Деворий тасвирлар бир ярусда ишланган ҳолда ҳам учрайди. Шулар жумласига Болаликтепадаги деворий сурат киради. Шунинг айтиш керакки, Болаликтепа саройидаги суратли хона юзаси 23,6 м², хона ён девори узунлиги 4 м 85 см, баландлиги эса 2 м бўлган. Албатта, бундай хонада фақат бир ярусда сурат ишлаш лозим. Бундай баландликдаги деворий сурат композицияси хонанинг ҳамма қисмидан кўринади.

Сюжетли тасвирларни амалий санъат буюмларига ҳам ишлашган. Мисол тариқасида Марвдан топилган V асрга оид кўза юзасига ишланган сюжетли тасвир композициясини кўриб ўтамыз. Кўза икки дастали. Унинг юзасида бир нечта сюжетли персонажлар бўлиб, кўза марказида эркак

ва аёлнинг бир-бирига қараб ўтиргани тасвирланган. Мазкур тасвирда тўй маросими ифодаланган бўлса керак. Қолган сюжетларда ов жараёни, қаҳрамоннинг ўлим тўшагида ётгани, унинг атрофида оила аъзолари ва табиб сурати, охири сюжетда эса жасад солинган тобутнинг охири манзилга кўтариб борилаётгани тасвирланган. Бизнингча, кўза юзасидаги тасвирда ҳаёт ва ўлим маъноси ифодаланган бўлса керак. Доирасимон вертикал юзада тўртта сюжетни ўз ичига олган тасвири жойлаштиришда композициянинг ўрни катта, албатта. Бунинг учун сюжетларни қисмларга ажратиш лозим бўлган. Рассом тўй ва ов жараёнини олд тарҳга, яъни биринчи планга олиб, уларни кўза юзасининг икки очиқ баҳаво томонида катта ҳажмда тасвирлаган. Қолган сюжетлар кўзанинг пастроқ қисмига жойлаштирилган. Сюжетлар равоқ, доира каби элементлар билан бир-биридан ажратилмаган. Нақш ёки чизиқлар билан ҳам чегараланмаган. Улар алоҳида-алоҳида сюжетларни ифодаловчи тўп-тўп тасвирларни ташкил қилади (70-расм). Сюжетлар композицияси бир-бирини қисман тўсган жойларда эса қопланган сюжет иккинчи планга ўтиб қолади. Шунингдек, композициялар оралигидаги бўш юзаларга дола гули ва амалий санъат буюмлари тасвири ишланган. Сюжетлар ҳар хил маънога, қисмларга эга бўлишига қарамай, улар яхлит композицияга бириктирилган. Сюжетларни композицион бирлаштиришда яқин,



70-расм. Марв. Юзаси тасвирий сурат билан безатилган сопол кўзача. V аср

узоқ планларга амал қилингани, сюжетлар атрофидаги манзаранинг бир хиллиги, персонажларнинг катта-кичиклиги, амалий санъат буюмларининг онда-сонда жойлаштирилиши қўл келган. Шунингдек, персонажларнинг катта-кичик ҳажмда ишланиши сюжет асосий қаҳрамонларини ажратиш имконини берган.

Амалий санъат буюмлари узунчоқ тузилишда (кўза ва кўзасимон идишлар) бўлса, сюжет персонажлари худди хона деворларидагидек бир чизиқда тасвирланган. Айрим ҳолларда персонаж тасвирининг бир қисми даста юзасига ҳам ўтиб кетган (Бинкат қадаҳи).

Шунингдек, буюм юзасидаги персонаж кичик бўлса, унинг атрофи худди рамкага олингандек геометрик ёки ўсимликсимон нақшлар билан ўралган. Шундай композицияни Мунчоқтепадан топилган XI—XII асрларга оид сиёҳдон юзасида кўрамиз. Бошқа сиёҳдонда эса одам тасвири равоқ ичига олинган.

Кўзалар бўйни қорин қисмидан кўпинча тўқ рангли тўғри, тўлқинсимон чизиқлар билан ажратилган. Марвдаги кўзача бўйни пастки қисмида юқори томони ритмик тизимда қайтарилган бурама-бурама кунгурали чизиқ билан айлантирилган. Тоғларда эса кўза қоринчасининг юқори қисми бир ёки икки қатор қавариқли чизиқчалар билан белгиланган. Мазкур жимжимадор нақш худди кийим ёқасини эслатади.

Катта хумларнинг бўйин ва қорин қисмлари ҳам занжир, тўлқинсимон чизиқ ва аёл бўйнига осиладиган тақинчоқ композициясига ўхшаш нақшлар билан ажратилган. Бунга Харажкет¹ харобаларидан топилган ўрта асрларга оид хум ҳам гувоҳлик беради. Хум елкасига ишланган нақш кўпроқ аёллар бўйнига тақадиган кўп фигурали тақинчоқни эслатади. Мазкур вертикал тузилишдаги хум қисмлари горизонтал композицияда ишланган тақинчоқ шаклидаги безак билан бадий жиҳатдан боғлаб юборилган. Бу борада шуни ҳам айтиш керакки, катта хумларнинг ҳамма қисмини нақш билан тўлдиришга ҳожат бўлмаган. Унинг кўринарли жойида, кўпроқ қорин қисмида биронта нақш ишланса, бас. Шунинг ўзиёқ хум композициясини жонлантириб юборган.

Илк ўрта асрда металл буюмларга, X асрларда Афросиёб сопол буюмларига тирик мавжудот тасвирини доира ичига олиш одатини кўп учратдик. Мазкур услуб мато нақшларида ҳам мавжуд. Жумладан, "занданачи" мато юзасидаги қўчқорлар икки қават доира ичига олинган ёки Болаликтепа қасридаги тасвирда қанотли от кенг доира билан айлантирилган. Тасвирий доира ичига олиш одати металл ва сопол буюмлар (товоқ, коса) композициясидан ўтган бўлса, ажаб эмас. Чунки доира юзасидаги сурат ҳамма вақт унинг айлана гардиши контури — сиртқи шакли билан тугайди.

Тирик мавжудот сурати ёки доирасимон майда нақшлар идиш (лаган, коса) юзасида сийрак жойлаштирилган ком-

¹ *Харажкет* — Тошкент вилоятининг Оққўрғон тумани ҳудудида жойлашган қадимий шаҳар харобаси. Маҳаллий аҳоли томонидан Қонқа деб ҳам юритилган.



71-расм. Самарқанд. XI—XII асрга оид сирли сопол парчасида қушлар тасвири

позицияда учрайди (Самарқанд, X, XI асрлар). Мазкур услуб идиш композицияси нафислигини таъминлаган ва ундаги тасвирларни ойдинлаштирган (71-расм).

XI—XII асрлардан бошлаб кўп қиррали доирасимон турунжлар буюм марказий композициясидан тирик мавжудотлар тасвирини сиқиб чиқара бошлайди. Доирасимон, юлдузсимон, ромбсимон нақшлар, бағдоди эшиклар, сўзаналар, гиламлар юзасида кенг қўлланилган. Доиралар ичи майда, нафис геометрик, ислими, ўсимликсимон, доирасимон нақшлар билан тўлдирилган. Улардан ҳар томонга гул новдачалари тарқалган. Турунжлар нақшли юза композициясида ўзининг катталиги, яхлитлиги, ранг-баранглиги билан доминантлик вазифасини ўта бошлайди.

Зооморф нақшлар безак санъатидан бутунлай чиқиб кетмайди. Улар иккинчи планга ўтади, холос. Уларни XIX—XX аср бошларига оид санъат асарларида ҳам учратиш мумкин. Жумладан, XIX—XX аср гилам нақшларида қўчқор шохи ва бошқа ҳайвонларнинг, жонзотларнинг мавҳумлаштирилган расми марказий геометрик, ўсимликсимон нақшларни бойитишда, шунингдек, гилам атрофини айлантиришда кенг қўлланилганлигига гувоҳ бўламиз.

Бир хил нақшлар (геометрик мавҳумлаштирилган тирик мавжудот тасвири) дан тузилган композициялар мато,



72-расм. Қирғизистоннинг Қўчқор
воҳаси. XI—XII асрларга оид мато

гиламларда кўп учрайди. Бундай пайтда тасвирлар ҳар хил композицияда жойлаштирилиши ҳисоби-га жонлантириб юборилган. Жумладан, Қўчқор воҳасидан топилган XI—XII асрларга доир матода бўйни узун, қанотлари ёзилган қушлар, аниқроғи, турналар (72-расм) тасвири бир-бирига қараб диагональ чизиқда учаётган композицияда яратилган. XIX аср охирига доир Бухоро адраси беағи композициясида чаёнлар расми, шахмат тахтасидагидек, ўйин катаклари йўналиши

шида жойлаштирилган. Биринчи турдаги композиция буюк немис расмони Эшернинг турналари расмини эслатади.

Нақш композициясида бир хил ёки икки хил катталиқда ишланган ромб, квадратлардан тузилган бўлиши мумкин. Бунда ромблар ётиқ ва тик йўналган чизиқларнинг учрашган жойларида ишланган бўлади. Тўртта ромб оралиғида пайдо бўлган очиқ юза кичик ҳажмдаги ромблар билан тўлдирилган. Натижада катта ва кичик ромблардан ритмик тартибда тузилган композиция вужудга келган.

Катта геометрик нақшдан тузилган гилам композициясини бойитиш лозим бўлганда катта нақш марказий ўқлар ёрдамида қисмларга бўлинган. Қисмлар навбатманавбат оч ва тўқ заминларда ифодаланган. Геометрик нақш чизиқлари оч рангли заминда тўқ рангда, тўқ рангли заминда оч рангда давом эттирилган. Шунингдек марказий нақш атрофидаги юзалар яхлит ва бир ёки икки рангли геометрик композициялар билан тўлдирилган. Натижада йирик геометрик нақш юзаси бир-бири билан боғланиб кетган симметрик қисмларга бўлиниб, ранг-баранг, лекин бадиий тузилиш жиҳатидан яхлит композицияни ташкил қилади.

Хуллас, ота-боболаримиз тасвир ва нақшларнинг ранг-баранглиги, жойланиши билан маскан интерьерини, буюм, ип-газлама маҳсулотларида бой бадиий композиция яратишга ҳаракат қилишган.

Меъморий обидаларнинг деворларида, шифт, эшик, устунларида ва амалий санъат буюмлари безаги композициясини бойитишда X—XI асрлардан бошлаб ёзув катта роль ўйнаган. Ёзувлар асосан араб алифбосида (куфий, сулс, насх), маъно жиҳатдан диний, фалсафий, тарбиявий мавзуларда битилиб, буюм муаллифи ва яратилган санаси ёзиб қолдирилган.

Ҳарфлар тизимидан сермаъно жумлалар, сержило, нафис композициялар яратилган.

Ёзувлар диний (масжид, мадраса, мақбара) обидалар ва тураржойлар меҳмонхонаси интерьерларида ҳамда амалий санъат буюмлари юзасида кенг қўлланилган. Обида интерьерининг кўринарли жойида, кўпроқ меҳроб, гумбаз гардиши бўйлаб шифт шарафаси устидаги ҳошияда битилган. Жумладан, XI асрга оид Шир Кабир масжид-мақбара меҳробининг катта ва кичик равоқлари йўналиши бўйлаб ёзув ишланган. Катта равоқнинг остида икки қатор горизонтал, кичик равоқ остидаги горизонтал қаторда ҳам ёзувлар мавжуд. Мазкур обидадаги ёзувлар қатори меҳроб композициясининг функция, безак ҳамда маъно жиҳатидан аҳамиятли эканлигини таъминлайди. Шунингдек, меҳробнинг қолган қисмидаги доирасимон, ўсимликсимон нақшлар билан ўзаро боғланиб, унинг композициясини бойитади. Ташқи чизиғи тўртбурчак кўринишдаги меҳробларда ёзув қатори ҳам шундай тузилишга эга. Бунга Хожа Аҳмад Яссавий масжиди меҳроби мисол бўла олади.

Ёзувлар композицияси буюм тузилишига боғлиқ бўлган. Масалан, айлана шакли буюм юзасидаги ёзув айлана қаторни — ҳалқани ташкил қилган. Бундай пайтда ёзув қатори буюмнинг кўринарли жойидан ўтказилган. Ёзув ҳар хил қалинликдаги бир нечта қатордан ташкил топган бўлиши мумкин. Жумладан, Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасида биринчи қозоннинг юқори қисми ҳар хил қалинликдаги уч қатор ёзув билан айлантирилган. Охириги қатордан қозоннинг тагига қараб йўналган ўнта мадохилга монанд нақш ёзувли қаторлар безагини бойитади ва уларга композицион яхлитлик бағишлайди. Шу мақбарадаги мис чироқларда ёзувли қатор горизонтал нақш ҳалқалар билан ўрин алмашиб келади. Унда нақш ва ёзув композицион боғланиб, бир-бирини бойитади.

Амалий санъат буюмларидаги ёзув қатори икки томонидан нақшли ҳошия билан чегараланган ҳолда ҳам ишлан-

ган. Масалан, Самарқанддан топилган XIV—XV асрларга оид мис кўзачанинг қорин қисми ўртасидан ўтган ёзув қатори устидан ва пастидан ислими нақшли ҳошия билан чегараланган. Ҳошиялар ёзув композициясининг ҳам маъно, ҳам безак жиҳатидан аҳамиятини таъкидлаб туради.

Ёзувлар доирасимон, эллипсга ўхшаш доиралар ичига олинган ҳолда ҳам учрайди. Бунга Самарқанддан топилган XVIII—XIX асрларга оид мис дўлча мисол бўла олади. Ундаги ёзув қатори бир нечта эллипс шаклидаги доира ичига олинган. Ёзувли доиралар ораларига гул ва катта-катта барглр композициясидан ташкил топган доиралар жойлаштирилган.

Квадрат-мураббаъ тузилишдаги юзаларга ёзув яхлит композицияда, кўпинча, бир қаторга ўйиб ишланади. Квадрат юзани тўлдириш учун "алиф", "лом", "зол", "дол" ҳарфларини баланд қилиб ёзишган. Жумладан, Хожа Аҳмад Яссавий ва Шоҳи Зинда ансамблидаги Қусам ибн Аббос мақбаралари эшикларининг юқоридаги китобалари шундай композицияга эга. Ҳарфларни баланд қилиб ёзиш амалий санъат буюмларида ҳам учрайди. Бунга Ўратепадан топилган XII асрга оид мис кўзача (Шамсиев кўзачаси деб аталади) ва Самарқанддан топилган XIV—XV асрларга оид кичкина мис идиш мисол бўла олади. Қизиги шундаки, Ўратепадан топилган мис кўзачада "алиф", "лом" ҳарфларининг юқори қисми тепага кўтарилган сайин қалинлашиб боради. Бу тадбир ёзув қаторига ўзгача ҳусн ато этганки, у бир қарашдаёқ киши диққатини ўзига жалб қилади.


Шунингдек, квадрат-мураббаъ, юзадаги ёзувлар композицияси икки-уч қаторда бажарилган бўлиши мумкин. Бундай пайтда ёзувлар баргли ва гулли ингичка ниҳоллар билан бирлаштирилган. Жумладан, Хўжаддаги Шайх Муслиҳитдин комплексидаги эшикнинг тепа китобалари шундай композицияга эга. Китобалардаги ёзувлар қалин ва чуқур заминга эга. Шунинг учун ҳам ундаги ўсимликсимон нақш иккинчи планга ўтган ва ёзув композицияси заминини бойитишга хизмат қилган.

Кўпчилик буюмлар юзасида ёзув билан нақш биргаликда келади. Масалан, ёзувлар зооморф тасвирлар юзасида ёқчи оралиғида (Кўҳна Аёздан топилган XII асрга оид бронзали идиш) ҳамда вақт ҳаракатини ифодаловчи "ҳамеша гули баҳор" нақши (Ўратепадаги XII асрга оид мис кўзача), катта-кичик гулларни ўз ичига олган кўп ниҳолли "сербарг" нақш (Шаҳрисабздаги XV асрга оид

Шамсиддин Кулол мақбарасидаги эшик), майда ўсимликсимон нақш (Самарқанддаги XIV—XV асрларга оид кўзача) ва бошқа нақшлар билан биргаликда келган. Бундай пайтда ёзув қалин ва чуқур заминда ишланади, нақшлар эса ингичка ва майда қилиб ўйилган. Натижада ёзув биринчи планга, нақшлар эса иккинчи планга ўтади. Яъни нақшлар ёзувга замин бўлиб қолади ва унинг композицион аҳамиятли эканлигини таъкидлаб туриш вазифасини бажаради.

Ўрта Осиёда ёзув ҳарфларининг ўзидан гул чиқариб ёзиш одати ҳам бўлган. Бунга Хивадаги Жума масжидининг қадимий устунлари гувоҳлик беради. Улардаги ёзув ҳалқаси устун танасининг пастроқ қисмига жойлашган. Кўпроқ "алиф", "лом" ҳарфларининг юқорироғидан ислимли ва барг нақшлари ажратиб чиқарилган (73-расм). Ажралиб чиққан барглар ўзаро боғланиб, ҳарфлар орасида "мадохил", "меҳроб", шамолда эсаётган ниҳол ёки дарахтга ўхшаш композицияларни ташкил қилган.

Ёзувлардан тузилган "гул", "даврагул" каби нақш композицияси Ўрта Осиёда ҳам учрайди. Жумладан, Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасидаги икки табақали эшикнинг темир ҳалқалари остидаги қисмида темир ҳарфлар ёрдамида олти баргли нақш композицияси тузилган (74-расм). Ёзувлардан тузилган даврагулни Каттақўрғон шаҳар маҳалла масжиди




73-расм. Хива. Жума масжидининг қадимий устунларидаги безакли ёзувлар (В. Л. Воронина чизмасидан нусха)

шифтида учратдик. Унда "алиф", "лом" ҳарфлари ёр-
 ламида доира юзаси мар-
 кази олтига учбурчак ва бит-
 та олтибурчакка бўлинган.
 Ашт тоғ қишлоғидаги
 "Ҳашт саҳоба" мақбараси
 деворида қора рангли
 ҳарфлар билан устига ялов
 (байроқ) ўрнатилган гумбаз
 тасвири ифодаланган ком-
 позицияни учратдик. Хожа
 Аҳмад Яссавий мақбараси-
 нинг бурчак устунларидаги
 ёзувларда ҳарфлар "куфий"
 услубида бўлиб, "қоф"
 ҳарфи эгилган ниҳолга ўх-
 шайди. Баланд ҳарфларнинг
 элементлари ўртада "бахт
 тугуни"ни билдирувчи му-
 раккаб ўрама тугунларни
 ташкил қилади.

Ёзувли композиция ўз
 вазифасидан ташқари бу-
 юм юзасидаги нақш мута-
 носиблигини таъминлашга
 катта ёрдам берган. Жум-
 ладан, Хожа Аҳмад Ясса-
 вий мақбарасидаги устун-
 лардан бирининг танаси пастдан юқоригача ҳар хил қалин-
 ликдаги нақшли ҳалқалар билан безатилган. Унинг пастроқ
 қисмида ва калла қисмининг остида қалин ҳалқа мавжуд.
 Пастдаги ҳалқа юзаси ва оралиғи майда нақшлар билан
 тўлдирилган йирик барглари эслатади. Юқоридагисида эса
 қалин ва майда ҳарфлардан тузилган баланд ҳарфлар зич
 қилиб ёзилган. Борди-ю, юқоридаги қалин ёзувли ҳалқа бўл-
 маганда, устуннинг безак жиҳатидан мутаносиблиги йўқолиб,
 кишига пастки қисми оғир, усти эса енгил бўлиб туюларди.

Хуллас, меъморчиликда, халқ амалий санъатида
 ҳарфларнинг ўзидан безакли нақшлар тузилган, ёзувлар-
 дан чиройли эпиграфик қатор, яхлит композиция ҳосил
 қилинган ва улар безак билан ўзаро боғланиб, бир-бирини
 композицион бойитган ҳамда буюм беага композициясига
 мутаносибликни таъминлашга хизмат қилган. Амалий-ба-
 дий санъат буюмлари ва археологик ашёлар бунинг яққол
 далилидир.



ماخاز
 نامناك
 تاشك
 نامناك
 نامناك
 نامناك
 بابك



74-расм. Туркистон. а) Хожа
 Аҳмад Яссавий мақбарасининг
 шимолий пештоқи бурчак устунидagi
 безакли ёзув; б) шу мақбара эшигидаги
 темир ҳалқа (Б. Т. Туёқбоева
 чизмасидан нусха)

Юқоридаги мисолларда меъморчиликда, амалий санъат буюмларига кўплаб ва хилма-хил нақшлар ишлатилганининг гувоҳи бўлдик. Ўрта Осиёда ислом дини ўрнатилгунга қадар хона деворларида, лаган, кўзаларда, остондон гўр қутиларида, ҳатто матоларда сюжетли тасвирлар ишланган. Жумладан, Болаликтепа қасри деворида, Марвдан топилган V асрга доир сопол кўзадаги, милод аввалига доир мис лаганлардаги сюжетли тасвирлар фикримиз исботи бўла олади. Мазкур сюжетли суратлар халқ орасида ёйилган афсонавий эпосларга бағишланганлигига шубҳа йўқ, албатта. Улардаги персонажлар сюжетли тасвирдаги маънони аниқлаб туради. Шунингдек, ўрта асрлардаги амалий санъат буюмларида, хона деворларида, бадий матоларда дарахтлар, тоғ эчкиси, қўчқор ҳамда грифон ва паррандалар, йиртқич ҳайвонлар сурати ишланган. Бундай тасвирлар ҳам рамзий ифодага эга бўлган, албатта. Улар орқали ота-боболаримиз ўз орзу-умидларини изҳор қилишган. Жумладан, каптар — аёл худоси (маъбуда) белгиси ҳисобланган, кейинчалик христиан дини рамзи ва қуёшни ифодалаган. Шунингдек омад рамзини билдирган.

Қирғий — космик кучларни ифодалаган ҳамда тамғалар белгиси сифатида қўлланилган.

Бургут — қадимдан қуёш рамзи ҳисобланган. Шунингдек куч ва ҳукмронлик рамзини билдирган. Умуман тасвирлар оламида қушлар табиат шаклларида узоклашиб, кўпроқ рамзий белгиларни ифодалайди. Улар билан нариги дунё тушунчаси белгиланган. Жумладан, киши ўлгандан сўнг унинг руҳи қуш бўлиб учиб кетади, деб тушунилган.

Ўрдак, ғоз, тўстовуқ, товус — бахт-омад, гўзаллик, олам ғояларини, хушxabарларни етказувчи — даракчи сифатида гавдаланади. Шеърятда қушлар тимсолида мажозий, рамзий маънолар ифодаланган. Айрим уруғлар қушларни ўз тотемлари деб билганлар. Жумладан ўғузлар (туркман) га мансуб кайи, баёт, алкирели, каремли уруғлари учун — оқ лочин; язир, дюкер, дудурга, ёнарлилар учун — бургут; овшар, карик, бекдили каркинлар учун — қуёшни кўтараётган бургут; боёндуру, бечене, жагулдуру чепнилар учун — шунқор тасвири тотем ҳисобланган.

Ҳайвон-қуш (грифон) Ўрта Осиё тасвирий санъатида икки хил тузилишда ифодаланган: қанотли шер ёки бургут бошли ҳайвон шаклида. Грифон табиатдаги икки хил

кучни, яъни эзгулик ва ёвузликни ифодалаган. Грифон чорвани қўриқлаб, кишига хизмат қилади ва уни ёвуз кучлардан асрайди деб тушунилган.

Илон боши тасвири XIX аср ва XX аср бошларида ишланган чойжўш дасталарида учрайди. Нақл қилишларида, илон бошининг тасвири идишдаги суюқликни ҳар хил инс-жинслардан сақлар экан. Қирғиз гиламларида учрайдиган "ит изи", "ит қуйруғи" номли нақшлар уларнинг қадим замонларда итга бўлган ҳурматини ифодалайди (66—51-расм).

Ўрта Осиё деворий суратларида, амалий санъат буюмларида дарахт шохчалари, гуллар кўп учрайди. Дарахт шохчаси ҳаёт дарахти маъносини, дунё томири ва шон-шухрати новдаси рамзини ифодалаган. Ислом дини ўрнатилгандан сўнг дарахт шохчалари нақши "саодат дарахти" маъносини англаган.

Гулдонлардаги бутоқ, шохча, гулдаста тасвирлари эса осмоний "ҳаёт шажараси"нинг рамзи ҳисобланган. Лола — табиатнинг уйғониши рамзини ифодалаган.

Халқ амалий-бадий санъати ва меъморчилигида гул ҳамда ўсимликсимон нақшлар билан бир қаторда мевалар ҳам ўз аксини топган. Жумладан, I асрга оид бир идишда аёл зулфи ва қулоқлари ўрнига барг ва новдалари билан бир бош узум нақши бўртма қилиб туширилган. Шунингдек, Мунчоқтепа макони хоналаридан бирининг VI—VII асрларга оид деворларида одам боши билан бир бош узум тасвири кўзга ташланади. Анор эса I—V асрларга оид остадон деворларида, I—III асрларга оид анор ушлаб турган ҳосилдорлик худоси Анахита ҳайкалчасида, ўрта асрларга оид кулолчилик буюмларида ифода этилган. Халқ уй-жой меъморчилигида ҳам аноргул, анор нақши мавжуд. Шунини эслатиб ўтиш керакки, олма — муҳаббат, анор, узум — эзгулик, тўқчилик, тўкин-сочинлик рамзи ҳисобланган.

Ўрта Осиё халқ амалий санъати буюмларида, деворий нақшларда доира, гириҳ, учбурчак, ромб каби нақшлар кенг қўлланилган. Уларнинг ҳам рамзий маънолари бўлган. Жумладан, доира, гириҳ, учбурчак сингари шакллар кўпинча хонадонни, кишини ҳар хил инс-жинслардан асровчи рамзий белги вазифасини ўтаган.

Тўрт қисмга бўлинган айлана ёки тўғри тўртбурчакни Тожикистоннинг Ховалинг, Қангурт туманлари қишлоқларида гилдан ясалган қутиларда кўрамиз. Худди шундай нақш X—XII аср кулолчилик буюмларида ҳам мавжуд. Мазкур нақшлар дунёнинг тўрт қисмдан ёки тўрт томондан ташкил топганлигини ифодалаган бўлса, ажаб эмас.

Салиб шаклидаги нақш Ўрта Осиёда жуда қадим замонлардан буён мавжуд. Бундай нақшни халқлар турли даврларда табиатнинг пайдо бўлиши тушунчаси, қуёш рамзи, ўлиш ва тирилиш рамзи деб билишган. Туркман гиламларининг айримларида тўққизта салиб нақшдан ромб тузилишидаги композиция яратилганининг гувоҳи бўлдик. Мазкур нақшни туркманлар оилани бало-қазолардан сақловчи тумор, деб тушунишган.

Ромб шаклидаги нақшни Ўрта Осиё тасвирий санъатида кўп учратиш мумкин. Олимларнинг таъкидлашича, ромб илк тош даврдан бошлаб аёл, яъни она-Ер белгиси ҳисобланган. Аёл — насл, ер эса ҳосил беради. Яъни ҳосилдорлик рамзини ифодалаган десак, хато қилмаган бўламиз.

Қўчқор шохига ўхшаш нақш тоғ аҳолиси амалий санъат буюмларида, деворий суратларда кўп ишланган. Бундай шакллар қадимий Панжакент ёғоч ўймакорлиги, Варахша обидалари ҳамда тоғ меъморчилигидаги устун устига ўрнатилган бошалар ҳам қўчқор шохига ўхшаб кетади.

Тоғ эчкиси азалдан асосан тоғликлар томонидан эъзозланган. Ибтидоий жамоада овланган ҳайвон, шунингдек, тоғ эчкиси гўшти таом тайёрлаш учун оловхонага топширилиб, териси, шохи ов қатнашчилари орасида тақсимланар экан. Демак, ёввойи эчки шохи жасур, довжур, чаққон мерганга тақдим қилинадиган нишона бўлган. Балки Сосоний шоҳлари бош кийимида ёввойи эчки шохи тасвирланганлигининг боиси ҳам шундадир.

Дарвоқе, тоғлардаги уйлар хонасининг киравериш пештоқига, устунига хонадонни бало-қазолардан сақлаш мақсадида ёввойи эчки ёки қўчқор шохи ўрнатишган.

Бинобарин, уйлардаги устун бошасининг ёввойи эчки, қўчқор шохига ўхшашлиги замирида қадим замонлардан сақланиб қолган ишонч ётадики, у кишини жасурликка, мардликка, покизаликка даъват этувчи рамз сифатида халқ бадиий беъзагида, ёғоч ўймакорлиги санъатида ўз ифодасини топган.

Устуннинг кўзаги (кўза, қозон, тувакка ўхшаш) қисми халқимизда ҳосилдорлик, наслилик рамзини ифодалаган. Дарҳақиқат, унинг тузилиши сув, ёғ сақлайдиган идишни ёки гултувакни эслатади. Унинг устидаги "лола мадохил" — чапу рост такрорланувчи лоласимон нақшлари эса барглари ёнларига осилиб тушган тувакдаги гулни эслатади.

Самарқанд, Юқори Зарафшон сўзаналарида кўп учрайдиган чорчироқ нақшидан қадим замонларда муқаддас

оловга бўлган этиқоднинг безакда сақланиб қолганлигини билиб оламиз. Шунингдек, мазкур нақш орқали халқимизнинг ёруғликка, тантанаворликка бўлган интилишлари ифодаланган.

Ўрта Осиё тасвирий санъатида, амалий санъат буюмларида ранг қадимдан ишлатилган. Ранглар ҳам ўзига хос рамзий маънони билдирган. Жумладан, кўк ранг мовий осмон рамзи бўлиб, мовий рангдаги гумбазлар осмонга ўхшатишган. Шу билан бирга айрим жойларда кўк ранг хонадонни ёмон кўздан асрайдиган белги сифатида ҳам ишлатилган. Жумладан, Хивада шу мақсадда иморат дарвозаси устки қисмининг икки томонига кўк рангли нақшнинг сопол идиш ёки унинг иккита синиқ парчаси сувоққа ёпиштириб қўйилган.

Қизил ранг Ўрта Осиё обидалари интерьерлари деворида кенг қўлланилган. Бунга милоддан аввалги III—II асрларга оид Янги Нисо заллари, VI—VIII асрларга оид Варахша обидасининг қизил зали далил бўлади. Шунингдек, ўрта асрларга доир сопол буюмлар заминида ҳам қизил ранг кенг ишлатилган. Марказий Осиё халқларида қизил ранг галаба рамзи ҳисобланган.

Оқ ранг ёруғлик рамзи бўлган. Узоқ тоғ қишлоқларида янги уйга кўчиб ўтишдан олдин хонадон аёли уй устунлари ва шифтга ун сепиб чиққан. Халқимиз, одатда, келин-куёв йўлига оқ матодан поёндоз тўшаган. Айрим қишлоқларда келинникига куёв томондан келган қуда-андаларга ун сепишган.

Сариқ рангни сариқ касалга даво ҳисоблашган. Шунинг учун беморга сариқ либос кийдиришган, хонани сариқ рангли буюмлар билан жиҳозлашга ҳаракат қилишган.

Юқоридагилардан маълумки, ота-боболаримиз халқ меъморчилиги ички безаги, амалий санъат буюмлари, хўжалик буюмларига ишланган ранг-баранг, нафис композицион ва маъно жиҳатидан боғланган геометрик ва ўсимликсимон нақшлардан нафақат завқ олишган, балки улар орқали ўз орзу-умидларини, муҳаббатларини ҳам намойиш этишган.

ХОТИМА

Мазкур мўъжаз қўлланмада ота-боболаримиз ўзлари яшаган муҳитни ўз дидларига мослаштирганликларини аниқ мисолларда кўриб ўтдик. Меъморчилик, амалий санъат турлари бир-бири билан боғлиқ ҳолда асрлар давомида ривожланган. Маскан интерьерларида тантанавор яшашга қулай шароит яратишга ва хўжалик, рўзғор буюмларининг

чиройли, нафис, функция жиҳатидан қулай бўлишига ҳаракат қилинган. Сарой қабулхоналарига тантанаворлик бағишлаш учун деворларга сюжетли тасвирлар ишланган. Хона деворлари бўйлаб супаларда, девор тоқчаларида ҳайкаллар ўрнатилган. Суратлар, ҳайкаллар сюжети хона функциясига мос ҳолда ишланган.

Диний обидалар интерьери ўзининг улуғворлиги билан кишини илоҳий кучларга сиғинишга ундаган. Обидалар ички қисми мақсадга жавоб берадиган даражада безатилиши, жиҳозланиши ҳар бир шахсни хонада бажарилиши лозим бўлган тоат-ибодатлар тартибига бўйсунушга даъват этган. Диний обидаларда ўша давр динларига оид ақидаларни ёритишга ҳаракат қилганлар. Жумладан, муқаддас олов учун муқаддас ўчоқнинг мавжудлиги, хона деворларидаги тоқчаларда худолар ҳайкали ўрнатилиши ва бошқалар фикримизнинг исботи бўла олади. Илк ўрта ва ўрта асрларда тураржойларда хона деворлари бўйлаб супа ўрнатилиши ҳам яшаш учун қулайлик туғдиришга қаратилган.

Амалий санъатда ҳам илк ўрта аср ва ўрта асрларда зооморф (товуқ, ўрдак, туя) шаклларга қийслаб ишланган буюмлар учрайди. Мазкур буюмлар мисолида қадимий ақидаларга суянган ҳолда гўзал, қулай буюм яратишга интилиш жараёнини кўрамиз. Илк ўрта асрларда ишланган буюмлар шаклида архаизм сезилади. Шу даврда мато ишлаб чиқариш санъати ҳам ривожланган. Матолар беагидан от, қўчқор, эчки, қушлар тасвири ўрин олган.

Ўрта Осиёда ислом дини ўрнатилгандан сўнг ибодатхоналар ўрнига масжидлар қурила бошлайди. Меъморчилик, хўжалик, амалий санъат буюмлари беагида тирик мавжудотлар ўрнини ўсимликсимон ва геометрик нақшлар эгаллай бошлайди.

IX—X асрларда Ўрта Осиёда ҳашаматли саройлар қурилганлиги ҳақида Термиз саройи пойдевори гувоҳлик беради. Шу даврда Ўрта Осиёнинг барча ҳудудларида ҳашаматли масжидлар қурилади. Бунга Чорсутун, Моҳ, Данданакон, Деггаррон, Ширкабир масжидлари ва тоғ қишлоқларидан топилган серҳашам меҳроб, устун, устунбошалар гувоҳлик беради. IX—X асрларга келиб ҳар бир шаҳарда устачилик, ганчкорлик, наққошлик, ҳунармандчилик марказлари юзага келади. Марказлар ўнлаб, юзлаб устахоналарни бирлаштиради. Устахоналарнинг кўплиги улар орасида рақобатнинг кучайишига олиб келади. Шунинг учун ҳар бир устахона эгаси ўз маҳсулотининг

сифатли, чиройли, чидамли, функция жиҳатидан қулай, арзон бўлиши учун курашган.

Ўрта аср кулолчилик, кандакорлик буюмлари тузилишида функция жиҳатидан қулай формалар яратишга уринганликлари аниқ сезилади. Буюмлар анча ихчам, гўзал тузилишга ҳамда сержило безакка эга. Бу тадбир амалий санъатнинг барча турларида сезилади.

XI—XII асрларда маъмурий, диний иморатлар безагида нақшинкор гиштлардан композициялар яратишга кенг йўл очиб берилади. Бундай гишт композициялари ганч ўймакорлиги намуналари билан бойитилади. Масжидлар интерьерлари деворларида катта-катта бўлинмалар юзага келади. Уларнинг бурчаклари гишрдан терилган декоратив устунлар билан белгиланади. Тураржойларда ҳонанинг саранжом-саришта ва гўзаллигини таъминлашда деворларни тоқчабанд қилишга кенг йўл очилган. Бунга Қаватқалъа харобалари гувоҳлик беради.

XI—XII асрларда буюмларни қолипда қуйиш кулолчилик ва кандакорликда, шишасозликда кенг қўлланилади. Бу тадбир бир андозали қолипдан бир хил кўринишдаги бир нечта нақшли буюм қуйиш имконини беради. Бу ҳозирги замон (типовой) бир нухали маҳсулот ишлаш услубини эслатади. Кулолчилик буюмларида форма билан безак ҳамоҳанглиги аниқ сезилади. Формадаги нафислик, бежиримлик нақшда ҳам мавжуд. Кандакорлик буюмлари тузилишидаги жиддий кўриниш нафис тасвир композицияси билан юмшатишган. Шишасозликда функция жиҳатидан қулай, нафис формалар юзага келади. Мато ишлаб чиқаришда тирик мавжудот тасвири ўрнини чиройли дастхат ёзувлар, ўсимликсимон нақшлар эгаллайди. Кулолчилик, кандакорликда XVI асрларда ҳам зооморф тасвирлар учрайди. Бунга сабаб матодаги тирик мавжудот тасвири тикилган либосларда кўзга яққол ташланган. Бу албатта ислом динининг халқлар дилидан мустаҳкам ўрин олаётган бир пайтда тирик мавжудот тасвирланган матолар харидорининг камайишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли мато ишлаб чиқариш саноатида XI—XII асрларда тирик мавжудотларни тасвирлашдан воз кечилган.

Мўғуллар истилоси Ўрта Осиёда меъморчилик, амалий ва барча турдаги санъатнинг ривожланишига путур етказди. Ҳунармандчиликнинг айрим турлари йўқолади (шишасозлик). Темур ва темурийлар даврида меъморчилик, амалий санъат, илм-фан яна жонланади. Катта-катта ҳашаматли бинолар қурилади. Иморатлар ва сопол буюм-

лар безагида нақшли кошин кенг ишлатилади. Амалий санъат буюмларида ҳам худди меъморчиликдагидек ранг-баранг безакларга алоҳида эътибор берилади.

Металл буюмлар формасида монументаллик мавжуд. Аксариятида буюмлар юзаси майда нақшлар билан тўлдирилган.

XIX—XX аср бошларида сарой, масжид, тураржой интерьерлари деворлар ганч ўймакорлиги, рангли безак билан пардозланган. Хона юзаси функция вазифасидан келиб чиққан ҳолда пешгоҳ, пойгоҳ, шоҳнишин каби қисмларга бўлинган. Хонанинг пойгоҳ қисмида ёғочдан, гил (лой)дан ишланган хўжалик қутилари ўрнатилган. Уларнинг қадимийлари бизгача сақланмаган, лекин XIX асрда ясалган қадимий қутилар ислом дини ўрнатилгунга қадар ишланган остонларга ўхшаб кетади. Остонлар юзаси диний расм-русумларни, ўлган шахс ҳаётини ифодаловчи тасвирлар (барельеф) билан безатилса, хўжалик қутилари эса юзаси ўсимликсимон, ҳандасавий нақшларга тўлдирилган. Улар нақшу нигори билан хона пешгоҳига қаратиб ўрнатилган. Шунингдек, хоналар полига ранг-баранг безакли гилам, кигиз ва кўрпачалар тўшалган. Хона деворларининг очиқ қисмига мато, сўзана, кашталар осиб қўйилган. Мато безагида ранг-баранг ўсимликсимон, доирасимон, йўл-йўлли нақшлар кенг қўлланилган. Сўзаналарга кўпроқ доирасимон ва ўсимликсимон нақшлар ишланган. Гиламларда ўсимликсимон ҳандасавий нақшлар билан биргаликда содалаштирилган қуш, қўчқор тасвири ишланган. Шуни айтиш керакки, қадимий гилам ва сўзана намуналари бизгача сақланиб қолмаган. Уларда ҳам мато ва амалий санъат буюмларидагидек сюжетли сурат, яъни тирик мавжудот тасвирлари ишланган бўлиши керак.

XIX аср охиридан бошлаб Ўрта Осиё бозорларида Хитой ва Россиядан келтирилган чинни буюмлари сотила бошлади. Кулоллар харидорларни яна кўпроқ жалб этиш учун сопол буюмларни чиннига хос безакларда ишлай бошладилар. Буюмлар формасига ва безагига ҳаддан зиёд эътибор берилади. Шунинг учун ҳам тантаналар учун қўлланиладиган "намунали" буюмлар юзага келади. Кандакорлик маҳсулотларига ҳам майда нақшлар кўп ишланган. Айрим буюмлар формасида қисмлар мутаносиблигига путур етказилган.

Маскан, хўжалик, амалий санъат буюмлари ҳамма вақт нақшинкор безак билан бойитилганлигининг гувоҳи

бўлдик. Безакдаги тасвирлар, нақшлар қадимдан инсон маънавий дунёқарашини бойитган, унинг истагини, ғояларини мужассам қилувчи рамзий белги сифатида гавдаланиб келган. Улар сихат-саломатлик, бахт, мўлкўлчилик, омад рамзини ифодалаган. Демак, буюм безаги ўзининг функционал вазифасидан ташқари кишига қувват бағишлаган, уни ҳаётга даъват этган, келажакка ишонтирган. Шунинг учун ҳам меъморчиликда, амалий санъатда нақшу нигорга алоҳида эътибор берилган.

Бадиий безакда, хоҳ иморат, хоҳ унинг бир қисми, хоҳ амалий санъат, ип газлама маҳсулоти бўлсин, барчасида ўзига хос бир андазали нақш элементларидан унумли фойдаланиб, яхлит нақш ва композиция яратиш одат тусига кириб қолган. Амалий санъат буюмлари тузилиши функционал вазифасидан, ишлатишга қулайлиги жиҳатидан асрлар давомида шаклланиб келган. Шунинг учун ҳам ҳар бир турдаги буюмнинг бир қолипда — оммавий ишланадиган шакли юзага келган. Айрим усталар мавжуд муайян андазали шаклга янгилик киришиб, уни композицион ва безак жиҳатидан бойитиб боришган.

Уста-ҳунармандларнинг муайян бир қолипда (стандарт) шакл ва андазали безаклардан фойдаланиши халқнинг амалий санъат буюмларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун қисқа вақт ичида катта миқдорда серияли маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берган. Шу мақсадда ҳатто хона қисмларини (шифт, устун, эшик, панжара) муайян типдаги андозаларда яратишган.

Маскан интерьеридида ишланган сюжетли тасвирлар, ҳайкаллар, амалий санъат маҳсулотларидаги тасвир ва ранг-баранг нафис нақшлар қадим замонлардан меъморчиликда меъмор-рассом, рассом-наққош, рассом-ганчкор, кулчиликда рассом-кулол, кандакорликда рассом-кандакор, ипгазлама буюмлари ишлаб чиқаришда рассом-наққошларнинг фаол қатнашганлигидан далолат беради. Асосан ипгазлама буюмларини тўқишда чизма-лойиҳадан фойдаланилганлиги халқ амалий санъатида катта ютуқ ҳисобланади.

Юқоридагилардан бобокалонларимизнинг яшаш учун нафақат функция жиҳатидан қулай, мустаҳкам, арзон, балки маънавий жиҳатдан ҳам бой муҳит яратиш йўлидаги изланишлари, эришган ютуқлари гувоҳи бўлдик.

АДАБИЁТЛАР

Т. Абдуллаев. XIX—XX асрларда ўзбек кандакорлиги. — Тошкент, Фан, 1974.

А. А. Абдураззоқов, М. А. Безбородов, Ю. А. Заднезравский. Стеклоделие Средней Азии в древности и средневековье. — Т., "Фан", 1963.

А. А. Абдураззоқов, М. А. Безбородов. Средневековые стекла Средней Азии. — Т., "Фан", 1966.

Н. А. Белинская. Резной ганч Таджикистана // Искусство таджикского народа. — Тўплам, Душанбе, "Дониш", 1979.

А. М. Беленицкий. Монументальное искусство Пенджикента. — М., Искусство, 1973.

С. Булатов. Ўзбек халқ амалий безак санъати. — Т., "Меҳнат", 1991.

Ю. Ф. Буряков, В. И. Набоков. У стен древнего Хараджкента. — Т., "Ўзбекистон", 1989.

В. Л. Воронина. Народные традиции архитектуры Узбекистана. — М., 1951.

В. Л. Воронина. Жилище Ванча из Язгулема. // Архитектура республик Средней Азии. — М., 1951.

В. Л. Воронина. Материалы по народной архитектуре Кашкадарьинской области Узбекской ССР. Советский этнографический сборник, вып. II, 1959.

Э. Гулямова. Хутальские дома X—XI вв. // Абу Али ибн Сино и его эпоха. — Душанбе, "Дониш", 1980.

Ф. В. Гогель. Ковры. — М., 1950.

Е. А. Давидович. В Исфаре // Археологи рассказывают. — Сталинобод, 1969.

П. Ш. Захидов. Самаркандская школа зодчих. — Т., "Фан", 1965.

А. А. Иванов. О бронзовых изделиях конца XIV в. из мавзолея Ходжа Ахмада Яссави // Средняя Азия и её соседи в древности и в средневековье. — М., "Наука", 1981.

Культура и искусство древнего Узбекистана, М., 1991, 1, 2-китоблар.

Б. А. Литвинский, В. С. Соловьев. Средневековая культура Тохаристана. — М., Наука, 1985.

М. Х. Мамадназаров. Традиционное жилище Западного Памира // Архитектурное наследие. — М., Стройиздат, 1978. №26.

В. Н. Манакова. Художественная культура народного жилища Узбекистана. — Т., Ф. Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.

С. М. Маҳмадова. К истории ткачества в Средней Азии // Художественная культура Средней Азии IX—XIII веков. — Т., 1983.

Т. И. Мезурнова. О среднеазиатской набойке // Этнография Таджикистана. — Душанбе, "Дониш", 1985.

Д. Мирзаахмедов. К истории художественной культуры Бухары.—Т., "Фан", 1990.

В. Г. Мошкова. Ковры народов Средней Азии конца XIX — начала XX вв. — Т., "Фан", 1970.

Р. Г. Мукминова. Очерки по истории ремесла в Самарканде и Бухаре в XVI веке. — Т., "Фан", 1976.

А. Мухтаров. Шедевры в единственном числе //Путешествие в Согдиану.— Душанбе, "Ирфон", 1981:

Народное искусство Узбекистана. — Т., Ф. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.

Е. М. Пешерова. Гончарное производство Средней Азии.— М.—Л., 1959.

Г. А. Пугаченкова, Л. И. Ремпель. Выдающиеся памятники изобразительного искусства Узбекистана. — Т., 1960.

Г. А. Пугаченкова. Искусство Туркменистана.— М., Искусство, 1967.

Г. А. Пугаченкова, Л. И. Ремпель. Самаркандские очажки //Из истории искусства Великого города.— Т., Ф. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.

Г. А. Пугаченкова, Л. И. Ремпель. Очерки искусства Средней Азии. — М., Искусство, 1982.

Г. А. Пугаченкова. Древности Мианкаля. — Т., "Фан", 1989.

Резьба по дереву в долине Зеравшана. Подготовка к изданию и предисловие А. Мухтарова.— М., 1966.

Л. И. Ремпель. Архитектурные модели мемориальных сооружений и некоторые уроки наследия //Архитектура Узбекистана. — Ф. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.

Л. И. Ремпель. Цепь времен.— Т., 1987.

В. И. Распопова. Металлические изделия раннесредневекового Согда— Л., 1980.

М. Рузиев. Искусство таджикской резьбы по дереву.— Душанбе, "Дониш", 1976.

И. В. Савицкий. Резьба по дереву.— Т., Наука, 1965.

О. А. Сухарева. Ходжекентские сузани //Этнография Таджикистана.— Душанбе, 1985.

Ш. С. Ташходжаев. Художественная поливная керамика Самарканда. — "Фан", 1967.

Б. Т. Туякбаева. Эпиграфический декор архитектурного комплекса Ахмеда Яссави.— Олма-ота, 1989.

Д. А. Фахретдинова. Декоративно-прикладное искусство Узбекистана. — Т., Ф. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.

З. А. Широкова. Декоративные вышивки таджиков верховьев Зеравшана //История и этнография народов Средней Азии.— Душанбе, "Дониш", 1981.

Г. В. Шишкина. Глазурованная керамика Согда. — Т., "Фан", 1979.

Г. А. Чепелевецкая. Узбекистон сўзаналари.— Т., ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1961.

А. А. Хакимов. Изобразительно орнаментальные образы и мотивы прикладного искусства //Художественная культура Средней Азии IX—XII вв. — Т., Ф. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.

МУНДАРИЖА

Дебеча	.3
Дизайн ҳақида икки огиз сўз	.5
Ижод сарчашмалари	.6
I боб. Маскан.	.9
II боб. Хўжалик буюмлари	.55
III боб. Ип газлама маҳсулотлари	.92
IV боб. Тасвир ва нақшлар	.108
Хотима	.121
Адабиётлар	.125



Додо Нозилов

ИЗ ИСТОРИИ ДИЗАЙНА СРЕДНЕЙ АЗИИ

На узбекском языке

Издательство "Ўзбекистон" — 1998. 700129, Ташкент, Навои 30.

Бадий муҳаррир *Т. Қаноатов*

Тех. муҳаррир *У. Қим*

Мусаҳҳиҳа *Ў. Абдуқодирова*

Теринга берилди 11.12.96 Босишга рухсат этилди 15.09.97. Бичими
84x108¹/32 Шартли босма т. 6,72. Нашр т. 8,26. Буюртма № 30.
Тиражи 1500. Баҳоси шартнома асосида.

"Ўзбекистон" нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Нашр №88-96

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Тошкент китоб-
журнал фабрикасида босилди. 700194, Тошкент, Юнусобод даҳаси,
Муродов кўчаси 1-уй.